Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **3** август, жума № **31** (2210).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **3** августа, **2007** год, № **31** (2210).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида

Кимё саноатини янада барқарор ва мутаносиб ҳолда ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик хавфсиз самарали технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

замонавий юқори самарадор технологиялар, ускуналар ва технологик жараёнларни бошқаришнинг энг янги тизимларини қўллаш йўли билан ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлигини ошириш, кимё корхоналарининг эксплуатациявий ишончлилиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш;

ташқи ва ички бозорларда барқарор суратда ғоят харидоргир бўлган кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турини кенгайтириш, уларни экспортга етказиб бериш ҳажмларини сезиларли даражада ошириш;

маҳаллий хомашё ресурслари ва базавий кимё маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш йўли билан экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

2. «Ўзкимёсаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган дастур маъқулласин:

Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурини амалга ошириш, асосий турдаги кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мақсадли прогноз параметрлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Кимё саноати корхоналари томонидан барқарор харидоргир бўлган кимёвий маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳажмлари ва экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган кимё маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш 3-иловага мувофиқ;

Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар рўйхати 4-иловага мувофиқ.

«Ўзкимёсаноат» ДАК ва тармоқ корхоналари раҳбарлари зиммасига 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурининг мақсадли прогноз параметрларига эришиш ҳамда унга киритилган лойиҳаларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш борасида шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда асосий турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб бериш бўйича белгиланган мақсадли параметрларнинг сўзсиз бажарилиши учун лойиҳа ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишиб олиниши ва ўрнатилган тартибда тасдиқланишини, шунингдек мазкур қарорнинг 4-иловасига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминласин.

4. «Ўзкимёсаноат» ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Фарғонаазот» ОАЖда АМ-76 аммиаки ишлаб чиқаришини капитал-тиклаш таъмирлаш элементлари билан реконструкция қилиш» ва «Чирчиқ «Электркимёсаноат» ОАЖда АМ-76 аммиакининг йирик тоннали агрегатини реконструкция қилиш ва модернизациялаш» инвестиция лойиҳаларининг дастлабки техник-иқтисодий асосларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий манбалардан жалб этиладиган кредитлар бўйича қайта молиялаштирувчи банк этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2007-2008 йилларда мазкур инвестиция лойиҳаларини тасдиқланган ДТИАга мувофиқ 4-иловада кўрсатилган ҳажмларда биргаликда молиялаштиришни назарда тутсин.

5. «Фарғонаазот» ОАЖ ва «Электркимёсаноат» ОАЖ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга биноан мазкур лойиҳаларни амалга ошириш доирасида олиб келинадиган асосий технологик ва ёрдамчи ускуналар (эҳтиёт қисмларнинг норматив комплекти билан), технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар, дастурий маҳсулотлар, техник ҳужжатлар 2009 йилнинг 1 июнигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари, биринчи навбатда маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни назарда тутилган ҳолда, унга белгиланган тартибда киритиб борилишини таъминласин.

7. Хорижий инвестициялар иштирокида йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (Н.М. Ханов), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг қўшма тақдимномаси бўйича, 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига, экспорт қилишга мўлжалланган замонавий турдаги кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхоналар ташкил этишга оид янги инвестиция лойиҳалари қўшилишини назарда тутган ҳолда, аниқлик ва қўшимчалар киритишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилгача даврда Жерой-Сардара кони негизида таркибида фосфор бўлган ўғитлар ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-420-сон қарорининг 5, 6 ва 7-бандлари ва 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шоисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 27 июль.



Истиқлолга метин қалқон ўғлонларингмиз!

Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги олдидан

«СИЗГА ИШОНАМИЗ ВАТАННИ»

Мустақиллик шарофати билан Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар туфайли кейинги пайтларда армиямиз сафларида сержант мақомига эга бўлган ҳарбий хизматчилар пайдо бўлди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Сержантлар – армиямиз суянчи ва таянчи». Суянч ва таянч сўзларининг замирида катта маъно мужассам. Ана шундай юксак хусусиятга эга бўлган ҳарбий хизматчи аввало ҳар томонлама ўзи етук бўлиши зарур. Жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам. Шунда у бошқаларга суянч ва таянч бўлади. Шу боисдан ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаган энг сара ўғлонларимиз бугун сержантлик касбини танлашмоқда.

Сержантларимиз ҳар томонлама билимдон, жанговар қобилияти юксак бўлишида мамлакатимизда ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларининг роли беқиёс, албатта.

Яқинда Мудофаа вазирлиги ва Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан сержантлар тайёрлаш мактабида мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги олдидан «Сизга ишонамиз Ватанни» мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни мактаб бошлиғи офицер Назиржон Саидов қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг фалсафа фанлари доктори Бахтиёр Тўраев «Мустақиллик, миллий ғоя ва маънавият» мавзусида маъруза қилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдураззоқ Обрўев «Ватаним деб сени, уйғондим» деган мавзуда чиқиш қилиб, йиғилганларга мамлакатимизда истиқлол йилларида бўлаётган улкан ўзгаришлар борасида завқ билан сўзлаб берди.

«Интеллект» газетаси бош муҳаррири Адиба Умирова ва Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Шуҳрат Насимовлар Ватанни мадҳ этувчи шеърларидан ўқиб беришди.

– Мен, – дейди кичик сержант Акмал Жўраев, – ушбу мактабда таълим олаётганимга бир ойдан ошди. Бизларга ҳарб илмидан тажрибали, билимдон офицерлар таълим беришяпти. Мактабда турли тадбирлар, учрашувлар ҳам ўтказилиб турибди. Айниқса, «Сизга ишонамиз Ватанни» мавзусида ўтказилган маърифий тадбир бизга жуда маъқул бўлди.

Мустақиллик – олий неъмат, миллий ғоя – халқимизни жипслаштирувчи куч, маънавият – енгиб бўлмас қудрат. Мазкур тушунчаларни юрагимизга жо қилсак, сезгирлик, ҳушёрлик, огоҳлик бизни ҳеч қачон тарк этмайди. Биз ўз постимизда огоҳ турсак, юртимиз тинч, халқимиз осойишта ҳаёт кечиради, бунёдкорлик ишларимиз авжига чиқади, мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлади.

– Ватанни бизга ишониш, – дейди кичик сержант Ҳайдар Тоғаев, – катта шараф ва шу билан бирга юксак масъулиятдир. Биз ана шу ишончга муносиб бўлиш учун қўлимиздан келган барча ҳаракатларни қиламиз.

Тадбирдан олам-олам завқ олдим. Бунинг учун ушбу тадбирни ташкил этганларга ҳам, уни амалга оширганларга ҳам катта раҳмат.

Мудофаа вазирлиги Ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойниса Нодирова:

– Мазкур тадбирни айнан сержантлар тайёрлаш мактабида ўтказишни бежизга танламадик, – дейди. – Сержантларимиз мактабни тамомлаб кетгач, доимо аскарлар билан бўлишади, уларга етакчилик қилишади. Демак, бугунги суҳбат, савол-жавоблардан олган таассуротлари эртага уларга қўл келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сержантларимиз қанчалик билимдон, дунёқараши кенг бўлса, армиямиз шунчалик қудратли, мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлади.

Бунёд НУРМАТОВ.



Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ЧЎЛПОН – МУСИҚИЙ МЕРОСИМИЗ ЖОНКУЯРИ

Миллийликка, ота-боболар меросига эътибор ўзлигини англаган, улуғ мақсадларни кўзлаган инсонга, миллатга хос хислатлардан ҳисобланади. Бу хислат ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган. Халқимиз ҳатто истибдод йилларида ҳам келажакка ишончини намойиш этган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, XX аср бошларида дунё халқлари илм-фани, санъати ва маданий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар илғор ўзбек зиёлилари, маърифатпарварлари диққат марказида бўлган.

(Давоми 8-бетда).



Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ТАРАҚҚИЁТ, ФАРОВОНЛИК – БИЗ КЎЗЛАГАН МАРРА

Яхши биламиз, биз даставвал сиёсий мустақилликка эришдик. Табиийки, бу неъматни иқтисодий асослар билан мустаҳкамлашни давр биздан талаб қиларди. Бир эсланг, давр долғали, мураккаб эди, ўшанда. Иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришиш учун, аввалambor хомашё базаларимизни, саноатимизни, қазилма бойликларимизни, мавжуд салоҳиятимизни ишга солишимиз кераклигини англаб етдик. Аниқроғи, бу борада Юртбошимиз тўғри йўл кўрсатди.

(Давоми 8-бетда).




Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ИСТЕЪДОДГА БОЙДИР ОНА ВАТАНИМ

Мамлакатимизда истеъдод ва иқтидор соҳиблари ҳамиша давлатимиз, жамиятимиз эътибори ва эъзозида. Бугунги кунда фан, таълим, маданият ва спорт каби кўплаб йўналишларда ўз иқтидорини намоён қилаётган ёшлар учун барча шароит муҳайё. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2000 йилда «Никол» мукофотининг таъсис этилгани бунинг яна бир яққол мисолидир.

(Давоми 8-бетда).



4 АСКАР УЙИГА ҚАЙТМОҚДА

ЮКСАК ШАРАФ, УЛКАН МАСЪУЛИЯТ



9 МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА

ЮРТИМ КЎКСИДАГИ ГАВҲАР



10 БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

МОЛОДЫМ ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ ШАНС



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ТУРОН МАЛИКАЛАРИ

Выпускники Академии Вооруженных Сил

ЗВАНИЕ ЛИДЕРА КО МНОГОМУ ОБЯЗЫВАЕТ

Выпускники Академии Вооруженных Сил нашей страны с новыми силами продолжают служение Отчизне, стремясь с максимальной полнотой использовать полученные за годы учебы новые знания и навыки для успешного продолжения военной реформы, для дальнейшего укрепления обороноспособности страны.

Офицера Орифжона Илмияминова смело можно отнести к числу успешных выпускников Академии Вооруженных Сил. В минувшем году, сразу же после выпуска, майор О.Илмияминов стал победителем окружного этапа конкурса на звание «Лучший командир батальона», да и на третьем, республиканском, этапе состязания выступил блестяще.

– Для нашего гарнизона стало доброй традицией побеждать в данной номинации, – с гордостью в голосе говорит заместитель командира по воспитательной работе офицер Шухрат Бегматов. – Дело в том, что и по итогам состязания в 2005 году лучшим командиром батальона стал наш представитель капитан Улугбек Баратов. Отрадно, что майор Илмияминов достойно продолжает наши лучшие победные традиции.

По отзывам офицера-воспитателя, выпускник Академии с первых же дней службы в новом коллективе зарекомендовал себя инициативным, ищущим, творчески мыслящим офицером. В частности, раньше в этом подразделении ПВО Сухопутных войск акцент справедливо делался на выполнение практических задач по сопровождению воздушных целей, однако владение индивидуальным стрелковым оружием тем временем отходило на второй план. А офицер О.Илмияминов стал воспитывать культуру обращения с оружием у подчиненных на своем личном примере. Апробированный опытом командирский принцип «Делай, как я» и тут подействовал безотказно.

Офицер О.Илмияминов успешно защитил задание тактической летучки в ходе финального тура соревнования на звание «Лучший командир батальона». Члены взыскательной комиссии, составленной из наиболее опытных офицеров, в ходе защиты задали офицеру немало вопросов, на которые были даны подробные и исчерпывающие ответы. Умение работать с картой, высокая штабная культура, четкое и уверенное обоснование принятых решений говорили о том, что за плечами у офицера богатый служебный опыт.

Кстати, и на огневом рубеже в ходе стрельбы из пистолета майор О.Илмияминов показал превосходный результат.

– Мне приходится уже несколько лет подряд заниматься судейством на данных состязаниях, – говорит мастер спорта международного класса по стрельбе из винтовки капитан Олег Морозов. – Поэтому можно смело утверждать, что отличные результаты майора Илмияминова вполне могут стать примером для всех офицеров зенитных ракетных подразделений.

Впрочем, для победы на столь представительных состязаниях недостаточно одного лишь умения метко стрелять или успешной защиты тактической летучки. Надо еще успешно решить тестовые задания по общественно-политической, специальной, технической подготовке, пробежать дистанцию кросса на пять километров, что требует довольно высокого уровня общего интеллекта и физической, психологической выносливости. Выходит, что офицеру О.Илмияминову удалось в полной мере проявить эти свои лучшие качества, чтобы превзойти соперников в честной борьбе.

– Та победа стала для меня отличным стимулом успешного прохождения службы, однако не является самоцелью, – говорит офицер. – Сейчас мне важно воспитать такие же лидерские качества и стремление к победе у всего личного состава моего подразделения. Особенное внимание уделяю становлению в профессиональном плане молодых офицеров и выпускников школ подготовки сержантов.


Эти слова майора О.Илмияминова о первостепенном внимании к молодым офицерам вспомнились еще раз во время выпуска в Чирчикском высшем танковом командно-инженерном училище (ЧВТКИУ). Тогда приехавший поздравить выпускников училища командующий войсками ЦВО полковник Павел Эргашев привел в качестве примера молодым лейтенантам успешную биографию майора Орифжона Илмияминова. А ведь звание человека, идущего впереди, ко многому обязывает. Теперь на него равняются не только молодые лейтенанты, но и офицеры этого выпуска Академии Вооруженных Сил, а значит, у него уже нет морального права отступать назад с завоеванных позиций.

Майор Алпысбай ШАПШАНОВ.

С полей боевой учебы

ПО СИГНАЛУ НАБЛЮДАТЕЛЯ

В эти дни вступает в решающую фазу летний период обучения, когда воинские подразделения в полевых условиях совершенствуют свое мастерство. И здесь традиционно задают тон разведчики.





Как известно, 2006 – 2007 учебный год проходит в войсках Министерства обороны под девизом: «**Сохранять бдительность, повышать боевую выучку и профессиональное мастерство, быть готовым в любых условиях обстановки надежно защищать Отечество, мирную жизнь народа Узбекистана**». Разведчики из подразделения капитана Ахтама Шарипова в ходе недавнего тактико-специального занятия на полигоне показали отличные навыки и умение.

Коротка летняя ночь. Проводя ее в состоянии бодрствования, младший сержант Пулат Шониёзов по опыту знает, что самыми коварными являются предрассветные минуты и первые минуты после восхода солнца. Лучезарное светило своими теплыми лучами словно убаюкивает, пытаясь усыпить бдительность. Замаскированный воин не может и размяться, остается лишь мысленно встряхнуться. Но «противник» пытается именно это время использовать в своих корыстных целях. Искусно скрываясь за ослепляющими бликами рассвета, по горным камням крадется он.


Условный сигнал наблюдателя из «секрета» не застает врасплох разведчиков группы лейтенанта Фархода Рахимова. Выпускник разведывательного факультета ТВОКУ уже не раз принимал участие в подобных учебно-боевых занятиях, поэтому действия его подчиненных отработаны до автоматизма.

После короткой постановки задач и уточнения координат по карте заместитель командира группы младший сержант Норйигит Тухтаев определяет рубежи обороны и указывает сектора обстрела. На самом опасном направлении предполагаемого прорыва условного противника занял позицию пулеметчик младший сержант Обиджон Абдусаломов. У гранатометчика младшего сержанта Рустама Джуллибекова несколько иная задача: он должен перекрыть противнику пути отступления.

У нападавших на базовый лагерь «боевиков», обнаруженных бдительным «секретом», не осталось ни одного шанса. Сначала их встретил кинжальный пулеметный огонь, а путь назад преградили выстрелы из гранатомета. Не имела успеха и попытка найти третий выход из «огненного мешка»: здесь их встретил точными выстрелами снайпер младший сержант Назар Самандаров.

Скоротечен горный бой. По исходу его следует по рации доклад старшему командиру: учебно-боевая задача успешно выполнена. Это был воинский подарок разведчиков к приближающемуся самому дорогому и самому светлому для всех нас празднику – шестнадцатой годовщине независимости Республики Узбекистан.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото Камолиддина ТУРАЕВА.



Сообщение в номер!

АРТИЛЛЕРИСТЫ ВЫЯВЛЯЮТ ПОБЕДИТЕЛЕЙ

На днях в одном из военных округов проводился заключительный тур конкурса на лучшего специалиста артиллерии Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

На протяжении трех дней победители первого, окружного, тура среди специалистов артиллерийских подразделений состязались между собой в умении работать с буссолью и другими измерительными приборами, решении задач по управлению огнем артиллерии, выполнении других упражнений с учетом специфики данного рода войск.

По итогам конкурса определены лучшие специалисты артиллерии, которые представлены на поощрение в установленном порядке.

Наш корр.

(Более подробно об этом конкурсе – в следующем номере нашей газеты).

САДОҚАТЛИ ПОСБОН

Бугун Қуролли Кучларимизда алпкелбатли эркаклар билан бир сафда туриб ўзларининг нозик гарданига улкан масъулият юкини олган фидойи аёлларимизни кўплаб учратасиз. Қалби мана шундай ғайрату шижоатга тўла аёллардан бири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шаҳзода Каримова бўлади. Касбига садоқатли бу посбон айни пайтда офицер Инатилла Тошқулов хизмат қилаётган ҳарбий жамоада етакчиликка интилаётган посбонлардан бири ҳисобланади. Аслида тиббиёт бўлими санитар йўриқчиси бўлган Шаҳзоданинг касби биз ўйлагандан ҳам масъулиятли ва қийинроқдир.

– Ҳар қандай соҳанинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги бўлади, – дейди у. – Мен ҳарбийликни ёшлигимдан орзу қилиб танлаганим учун ҳеч қандай қийинчилигидан чўчимайман. Тўғри, кўпчилик ҳарбийлик эркаклар касби, аёллар учун анча қийин дея ўзимга ҳам кўп бора айтишган. Лекин касбингизни севиб, унга тақдирингизни боғлаган экансиз, ҳар қандай қийинчиликлар ҳам сизни чўчита олмайди.

Болалигидан ҳарбий либос кийиб, жанговар сафда хизмат қилишни истаган Шаҳзоданинг орзуси ўз-ўзидан рўёбга чиққани йўқ. Қишлоқда улғайган қизалоқ ота-онаси қўллаб-қувватлашига қарамай қаерга бориб мурожаат қилишни билмасди. Сўнгра пойтахтдаги тиббиёт билим юртига ҳужжат топширди. Истеъдодли, уқуви баланд бўлган қиз бу ерда икки йил давомида тиббий мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Кейин Бухоро шаҳридаги 3-поликлиникада фаолият юритиб, беморлар дардига малҳам бўлди. 1995 йил Шаҳзода офицер Ширинбек Шароповга турмушга чиқди. Тўғри, хизмат юзасидан ёш оила гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа кўчиб юрган бўлса-да, мана шундай қийин пайтда оила бекаси Ширинбекка далда бўлди. Турмуш ўртоғи Шаҳзоданинг ҳарбийликка қизиқиши борлигини билгач, уни қўллаб-қувватлади. Бу орада Шаҳзода ҳарбийлик либосини кийиб, ҳарбий қисм тиббиёт пунктида Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида хизмат қилди. 2000 йил у орзу қилганидек, ҳарбий либос кийди. Аввалига бироз қийинчилик бўлди, шунда тажрибали офицерлар Райимжон Ёриев, Бахтиёр Бойманов ҳамда шартнома бўйича хизмат сержанти Мансур Тўраевлар унга яқиндан ёрдам бериб, касб сирларини ўргатишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ўз маҳоратини ошириб борган шартнома бўйича хизмат оддий аскари ўзининг намунали хулқи ва фидокорона хизматлари билан ҳарбий қисмда ўз ўрнига эга бўлди. 2004 йил оддий аскар Каримова сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга кириб, миллий армиямиз сафларига ҳақиқий профессионалларни тайёрлаб бераётган бу масканда етарли билим ва кўникмага эга бўлиб, мутахассис кадр сифатида ҳарбий қисмга қайтди. Ҳар бир ҳаракатида матонати зоҳир бўлган кичик сержант ҳарбий жамоадаги етакчи посбонлардан саналади.

– Ўқув мавсум давомида илғорликка интилаётган посбон Шаҳзода Каримовага кўпчилик ҳавас қилади, – дейди офицер Рашид Саидов. – Ҳатто яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотида у яхши натижа кўрсатиб, ўзига биллирилган ишончни яна бир бора исботлади. Тинимсиз ўқиб изланиб келаётган кичик сержант Каримова жисмоний тайёргарликка ҳам алоҳида эътибор қаратади. У ҳар куни ҳарбий қисмдаги замонавий спорт шаҳарчасида енгил атлетика билан шуғулланиб туради.

– Биз нафақат саломатлик, балки юртимиз осойишталигининг ҳам посбонларимиз, – дейди у суҳбатимиз давомида. – Шу боис, замонавий қуролларни ўрганиб, жанговар тайёргарликларни ҳам ўзлаштириб боришимиз лозим.

Тиниб-тинчимас посбон тиббиёт бўлимидаги ишларини тугатгач, жанговар тайёргарлик бўйича машқ олиб боради. У энди сержант бўлишга аҳд қилган. 2004 йил сержантлар тайёрлаш мактабида яхши ўқиб, ўз маҳоратини намойиш қилган Шаҳзода Мудофаа вазирининг махсус совғасини қўлга киритганди. Хизмат жараёнида эса юқори натижаларни қўлга киритганлиги боис, бир неча маротаба округ қўмондонининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Шаҳзода сингари қалби қайноқ ҳарбий либосли аёлларни Барчиной авлодлари, дейиш мумкин.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

МАШҚДА МАҲОРАТ МУҲИМ

Айни пайтда Мудофаа вазирлигига қарашли барча қисм ва бўлинмаларда ёзги ўқув мавсуми машғулотлари қизғин паллага кирган. Бундай масъулиятли дамларда ҳар бир посбон тинимсиз машқ олиб бориш баробарида ўз устида ишлаб, маҳоратини ҳам шакллантириб боради. Дала шароитидаги ўқув машғулотлари эса уларнинг имкониятларини яна бир карра синовдан ўтказувчи мезондир.

Бугун офицер Тоҳир Азимов етакчилик қилаётган ҳарбий жамоа олдида ниҳоятда масъулиятли вазифа турибди. Доимо илғорлар сафидан жой олиб келган жамоа шунқорлари ёзги ўқув мавсуми машғулотлари пайтида ўрганган билим ва кўникмаларини амалиётда қўллашлари лозим.

Қишлоқни шартли душман эгаллаб олганлиги ҳақида хабар етиб келди. Посбонлардан ҳар қандай шароитда ҳам Ватанни муносиб ҳимоя қила олиши талаб қилинади. Қолаверса, улар киндик қони тўкилган она заминини мардонавор қўриқлаш учун Ҳарбий қасамёд қилишган. Ҳамиша, вазиятни тўғри баҳолаб, ҳар қандай шароитда ҳам ўз малакасига таяниб иш кўрадиган ёш офицер Азимовга ушбу жанговар вазифа топширилганида у қўл остидагиларни атрофига йиғиб, вазиятни тушунтирди. Командирдан тегишли кўрсатма олган шунқорлар шай ҳолатда келишди. Командир снайпер кичик сержант Шерали Жўраевга шартли душман эгаллаб олган ҳудудни ўрганишни топширди. Зудликда ишга киришган кичик командир қишлоқдан тахминан 7-8 км. узоқликдаги масофада қулай маррани эгаллади. Шундан сўнг у ҳамма ахборотдан офицер Азимовни воқиф қилди. Шунингдек, бошқа посбонлар ҳам ўз позицияларини эгаллаб, жангга киришди. Қисқа фурсатда жанговар вазифани аъло даражада уддалаган ўғлонлар ўзларига билдирилган ишончни оқлашди.

Бу дала-ўқув машғулотларидан бир лавҳа эди. Ҳар доим юқори чўққиларга интилиб келган офицер Азимов етакчилигидаги взвод посбонларининг маҳорати бу гал ҳам юқори баҳоланди. Зеро, улар буйдан-да қийинроқ ва қалтисроқ вазиятларда ҳам ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришган.

– Жамоамизнинг ҳар бир муваффақиятида йигитларнинг якдиллиги муҳим роль ўйнайди, – дейди биз билан суҳбатда офицер Тоҳир Азимов. – Уюшқоқлик, ҳар қандай мураккаб вазиятда аниқ ҳаракат қилиш, буйруқ ва кўрсатмаларни белгиланган муддатларда бажариш взводнинг ҳар бир посбонига хос фазилатдир. Мазкур машғулотда юқори натижага эришишимиз учун айниқса шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Шерали Жўраев, Хуршид Эрназаров ҳамда Моҳиддин Камоловларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди.

Нафақат взвод посбонлари ичида, балки ҳарбий қисмда ҳам етук мутахассис сифатида кичик сержант Моҳиддин Камоловни кўпчилик тан олади. Қарийб тўрт йилдан буён профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган ўғлонда бугуннинг ҳарбийси деган номга мос келадиган барча фазилатлар мужассам. Айниқса, йигит 2005 йил сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаб қайтгач, командирларининг унга нисбатан ишончи янада ортди.

– Танлаган касбимдан фахр ҳиссини туяман, – дейди у. – Тўғриси, ёшлигимдан орзу қилган касбни танлаганимдан хурсандман. Айни дамда шарафли касб эгаси сифатида хизмат қилаётганимдан кўпчилик ўртоқларим менга ҳавас қилишди. Ҳатто, шундан сўнг улардан кўпчилиги ҳарбийлик либосини кийишди.

Посбонларнинг жанговар тайёргарлигида спортнинг алоҳида ўрни бор. Мактабда ўқиб юрган кезлари бокс билан шуғулланган Моҳиддин хизмат жараёнида ҳам уни ташлаб қўймади. Қайтанга бокс бўйича ҳам маҳоратини ошириб, ҳарбийлар ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Мана шундай юқори натижалардан бирини у ўтган йили қайд этди. Округ миқёсида ўтказилган чемпионатда кичик сержант мусобақанинг кумуш медали билан тақдирланди. Ҳозирда 1-разряд соҳиби бўлган посбон бўш вақтларида бокс сир-синоатларини жамоадошларига ҳам ўргатиб келмоқда. Спорт усталигига номзод бўлган кичик сержант ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича ҳам юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Ўз ўрнида интилувчан, шижоатли посбоннинг муносиб хизматлари округ қўмондонлиги томонидан бир неча марта тақдирланди. Бундай юксак эътибордан куч-ғайрат олган кичик командир ўқув мавсуми давомида янги-янги марраларни забт этиш учун ҳаракат қилмоқда. Яқинда энг улуғ, энг азиз айёмимиз – Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйини нишонлаймиз. Истиқлолимизни қадрловчи ҳар бир юртдошимиз бундай қутлуғ байрамга ўз ютуқларини туҳфа қилишни истайди. Офицер Т.Азимов етакчилик қилаётган взводнинг алпкелбатли ўғлонлари ҳам ўзларининг барча муваффақиятларини ушбу улуғ байрамимизга тўёна деб биладилар.

Ҳасан КОМИЛОВ.

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан суҳбат.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ва қамровдор ислоҳотларнинг мақсади Конституциямизда, қонунларимизда ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, соғлиги, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган.

Ўтган даврда юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Тергов-суриштирув ва ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг муддатлари такомиллаштирилди.

Айни чоғда, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида навбатдаги ўта муҳим масалалар – жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш борасида залворли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ана шу босқичма-босқич ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

– Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар – у давлат қурилиши соҳасида бўладими ёки жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар бўладими – барчаси ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, уйғун, тизимли тарзда йўлга қўйилган ва чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни боғлаб турувчи асосий бўғин бу – инсон манфаатларидир.

Айтайлик, биз ўлим жазосини бекор қилишни, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишни истиқлолнинг илк кунлариданоқ амалга оширсак ҳам бўларди. Бироқ халқимизнинг “Етти ўлчаб, бир кес” деган мақолига амал қилган ҳолда, бу борада ривожланган давлатларнинг босиб ўтган йўлини атрофлича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, зарур ижтимоий-иқтисодий, маданий шарт-шароитлар етилиб улгурмасдан, халқнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ислоҳотлар билан ҳамоҳанг равишда юксалтирмай туриб, бундай ўзгаришларни ўта жадаллик билан, сунъий равишда жорий этиш самара бермасди. Айрим ҳолатларда эса, аксинча, бундай шошқолоқлик оғир оқибатларга ҳам олиб келиши, ислоҳотлар ғоясига путур етказиши эҳтимолдан холи эмас.

Юртбошимиз раҳнамолигида юқоридаги омилларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ислоҳотларимизнинг ҳар босқичида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Айнан шу пухта ва чуқур ўйланган стратегик дастур самараси туфайли истиқлол йилларидаги ислоҳотларимизнинг ҳар бир босқичи халқимиз учун ютуқлар омили бўлмоқда.

Табиийки, биз бу ишларни кимларгадир ёқиш учун эмас, аксинча, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришдек эзгу мақсадларимиз ижобатини кўзлаб, амалга оширмоқдамиз.

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки даври, яъни 1991–1995 йиллар суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгилаб олиниши ва конституциявий-ҳуқуқий асослар яратилиши, шунингдек, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда илк бор мамлакатимизда Конституциявий суднинг таъсис этилиши билан характерланади.

Бу босқичда «Прокуратура тўғрисида»ги (1992 йил), «Судлар тўғрисида»ги (1993) қонунлар, Хўжалик-процессуал кодекси (1993), Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994), «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги (1995), «Конституциявий суд тўғрисида»ги (1995) ва бошқа қонунларнинг қабул қилингани мустақил давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичини – 1996–1999 йилларни мавжуд тажриба ва қонунчиликни таҳлил қилиш асосида суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш ва бунинг учун адвокатура мавқеини кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилиши билан таърифлаш мумкин.

Ушбу даврда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995-1996), Фуқаролик процессуал кодекси (1997), Жиноят-ижроия кодекси (1997), янги таҳрирдаги Хўжалик-процессуал кодекси (1998), «Адвокатура тўғрисида»ги (1997), «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги (1998) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари таркибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва бошқа бир қанча Фармонлари қабул қилинди.

2000–2004 йилларни, учинчи босқич – суд-ҳуқуқ тизимининг янада такомиллаштирилиши, хусусан, судларни ихтисослаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов сифатини ошириш, ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартибини жорий этиш, кассация тартибини ислоҳ қилиш, суд қарорлари ижросини таъминлашни мукаммаллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари яратилиши даври сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги (2000), «Прокуратура тўғрисида»ги (2001), «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги (2001), «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (2001) қонунлар қабул қилиниши мазкур босқичнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, «Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кучга кирди.

Ушбу босқичда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этган жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига киритилган ўзгартишлар туфайли соҳада бир қатор илғор ва ибратли натижаларга эришилди. Жиноятлар таснифланиши ислоҳ қилиниб, жиноятлар таркибининг 73 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ва фақат 25 фоизигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилгани шулар жумласидандир.

Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллаш кенгайтирилди. Жиноий жазо тури сифатида шўролар даврида «мерос» сифатида ўтган мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди. Вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими қайта кўриб чиқилиб, уларга жазо тайинлашда бир қатор енгилликлар берилди. Жиноий ишларни кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилди, ишни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилди. Жиноят қонунчилигига янги – ярашув институти киритилди ва амалда кенг қўлланилмоқда.

Тўртинчи босқич ислоҳотларининг асосий вазифалари Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилди. Хусусан, мустақиллик йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва либераллаштириш ана шу устувор вазифалар сирасига киради.

Бунда, аввало, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини, инсоннинг яшаш ҳуқуқини ва бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

– Ўлим жазосини жиноий жазо тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масалалари ҳам худди шу давр да кун тартибига қўйилди...

– Албатта. Шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги вазифалар ичида ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамиятга эга, бугунги кунда жамиятимиз, шунингдек, дунё ҳамжамияти диққат марказида турган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида эътироф этилаётган ўлим жазосини жиноий жазо тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масалаларининг ҳал қилиниши – мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида оғишмай илгарилаб бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги аксарият халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда қайд этилганидек: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди».

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ қабул қилинган Асосий Қонунимизда: «...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деб аниқ белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг жазоларни либераллаштиришга қаратилганини, ўтган 16 йиллик давр мобайнида Жиноят кодексининг ўлим жазоси назарда тутилган моддалари сони собиқ иттифоқ давридаги 33 тадан 2 тагача камайтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала бу – жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш экани, бунда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бораётганини таъкидлаган эди. Шу боис, ўлим жазосини мораторий қўлламасдан бир йўла бекор қилиш – Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлидаги дадил қадам бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган ушбу муҳим вазифадан келиб чиқиб, даставвал, инсоннинг яшаш ҳуқуқини мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидаларига асосланган ҳолда Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ҳамда 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинди.

Кейинги йилларда жамиятда зарур ижтимоий муносабатларнинг вужудга келганлиги, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги, фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий дунёқараши такомиллашганлиги, ўз навбатида, «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши учун шарт-шароит яратди.

Бу қонунлар – энг либерал, инсонпарвар ва илғор қонунлардир. Ушбу қонунлар ислоҳотларнинг айнан ҳозирги босқичида қабул қилиниши бежиз эмас. Уларни бугунги кунда мамлакатимизда вужудга келган ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий вазият натижаси сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

– Ўлим жазоси бекор қилинишининг алоҳида аҳамиятли жиҳатлари нималардан иборат?

– Ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари киритилишининг ўзига хос хусусиятлари кўп. Аваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ инсонни ўз узвий ҳуқуқи ҳисобланган яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч ким, ҳатто давлат ҳам ҳақли эмас. Жиноят қонунчилигига кўра, умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумни жисмонан йўқ қилиш эмас, балки унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда уни ахлоқан қайта тузатиш мақсадида қўлланилиши лозим.

Бунда, бир томондан, маҳкумнинг ўз қилмиши хатолигини англаб, тўғри йўлга кириши ҳамда ўз оиласи ва жамиятга яна қайтиши учун имконият мавжуд бўлса, бошқа томондан, маҳкумларнинг суд хатоси туфайли ҳаётдан ноҳақ маҳрум қилинишининг олди олинади. Бундай жиҳатларни яна кўплаб санаш мумкин.

Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари киритилиши дунёнинг бу йўналишдаги илғор тенденцияларига тўла мувофиқ келади ҳамда Конституциямизда эътироф этилган инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларини ўзида ифода этади.

Ҳозирги кунга қадар ўлим жазоси бекор қилинган 122 давлат қаторига кирар экан, Ўзбекистон ушбу дунёвий масалада ўз қатъий позицияси мавжудлигини, демократик ривожланиш йўлидан дадил одимлаётган мустақил давлат сифатида жаҳон цивилизациясида ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеига эга эканлигини яна бир бор намоён этди. Зотан, дунёда миллий қонунчилигидан ўлим жазоси чиқариб ташланган мамлакатлар сони ортаётганига қарамай, бу жазо бир қатор мамлакатларда сақланиб қолмоқда, ҳатто уни қўллаш доираси кенгайиб бораётир. Айрим давлатларда эса ўлим жазосини бекор қилиш масаласи ҳали кун тартибига ҳам қўйилмаган.

Конституциямизнинг 19-моддасида белгиланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Улардан суднинг қарорисиз маҳрум қилишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилиши ана шу конституциявий норманинг амалга ошишини таъминлайди. Бу – илғор халқаро тажриба. Ҳозирги кунда дунёнинг аксарият ривожланган мамлакатларида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллаш фақат судлар томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши билан боғлиқ талай ижобий жиҳатларни айтиб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотларимизнинг муҳим тарихий босқичи, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг мантиқий давомидир.

Ушбу ислоҳотлар – ўз моҳиятига кўра – бугунги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий-маърифий тараққиётининг, дунёда эътироф этилган “Ўзбек модели”нинг амалий намоёнидир.

ЎзА мухбири
Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.

ЭНГ БУЮК ЭЗГУЛИК

Бу ёруғ оламда эзгуликлар кўп. Биргина эзгу иши ёхуд бир оғиз ширин сўзи билан миллатининг юрагида озодлик чироғини ёқиб кетганлар кўп...

– Бирлашайлик, тирик бўлайлик, буюк бўлайлик! – деган эди алломалардан бири.

– Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ – менинг ўлимим, сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигимдур! – дея ёзган эди Фитрат.

Ўтган аср бошларида битилган сўзлар Ватан озодлигини орзулаган ҳар битта улуғ миллатдошимизнинг қалб даъвати бўлиб тарихга кирди. Бу каби юрт истиқболини ўйлаб жонини қурбон қилганлар озми? Кўнгилларда истиқлол умидини уйғотганлар-чи? Мангу хотиралардан ўчмай ҳали қанчақанча авлодларга сўзлаб берсак арзийдиган эзгуликларимиз кўп... Биз учун бугуннинг энг буюк эзгулиги – Истиқлол.

Бир вақтлар қалб дарчасидан ичкарига боқиб, унда рангин бир оламни кўролган ва бениҳоя ҳайратга тушган Аҳмад Дониш ҳазрати инсонга қарата шундай дейди:

– Агар сен тафаккур дунёсига чўмсанг, етти қат осмонни хаёлинг қутичасига жойлайсан. Хаёл қувватини ишлатсанг, етти қават ерни фикрининг токчасига сиғдирасан. Меҳрибонлигинг тутса, бечора чумолини кипригинг устида асрайсан. Сахийлигинг жилва қилса, кийган тўнингни муҳтожга тутиб, ўзинг ялангоч юрасан. Юрагинг салтанатида эзгулик, мурувват, ҳамият, саховат, оқибат, тўғрилик, ҳалоллик ҳокими мутлақ. Фикри-зикринг, инон-ихтиёринг шулар измида. Сен буюк бир ҳилқат, дунёнинг мангу тўхтамас юраги, мустаҳкам таянчисан. Бундан буён ҳам шундай қолаверасан.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи жуда буюк, жуда қадимий. Эзгулик, мурувват, саховат ва оқибат каби инсонийлик туйғулари аждодларимиздан мерос. Ана шу қутлуғ меросга суяниб, турли замонларни босиб ўтдик, оғир даврларни ортда қолдирдик. Шу меросимизга таяниб, эзгуликлар яратдик. Ўзимизни ва ўзлигимизни англаб етдик. Боболаримиздан мерос бунёдкорлигимизни намоён этмоқдамиз. Қадимий обидаларимизни қайта тиклаяпмиз. Қишлоқларимиз кенгаймоқда. Шаҳарларимиз кўркамлашиб, атрофимизни обод қилмоқдамиз. Улардаги юз бир унут ҳунарлар, унут бўлган ўгитлар ҳикматлар, кўнгилларни маҳкам боғловчи азалий одатлар қайта сайқалланиб, тикланмоқда. Қўлида ҳунари бор инсонлар бунёдкорликдан четда тургани йўқ, ривожланишга ўз улушини қўшмоқда. Бу ҳаракатлари ортидан эса фаровонлигини тикламоқда. Муболаға эмас, чекка қишлоқларда фаолият юритаётган фермер-деҳқоннинг уйида ҳеч бўлмаганда трактори юриб турибди-да. Ана тадбиркорлик, дейсиз беихтиёр.

Бугун мустақилликнинг завқи-шавқи, орзу-ўйлари кўнгилларимизни чароғон этади, бизни юрт тинчлиги учун фидойи бўлишга ундайди. Фидойи бўлмоқни орзуламаган ким бор? Эҳтимол, бунёдкорлик ишларидаги шижоатимиз боиси шундандир. Ҳар бир соҳадаги ўзига хос ўзгаришлар, ислоҳотлар, ривожланишлар замирида ана шу буюк истагимиз, мақсад ва маслагимиз мужассам.

Ватан хаёли ҳеч қачон унутилмайди. Қайда бўлманг унинг жамоли, соғинчи, тафти кўзимизда, юрагимизда яшайди. Ана шу туйғу бизни оилага, одамларга, юртга вафоли, садоқатли, оқибатли қилиб тарбиялайди. Агар балиқни сувдан чиқариб, энг гўзал гулзорга қўйсангиз ҳам яшай олмайди. Сув унинг учун ҳаёт манбаидир. Зеро, Ватан инсон учун сув, ҳаво, тупроқ, ҳарорат каби ҳаётбахш ҳилқатдир. Унинг эрки, шаъни, шуҳрати, қудрати ҳар ҳар зебу забардан залворлидир. Биз ҳеч бир бойликларга алмашмайдиган юртимизни қадрлаймиз, унинг бир қарич ери, бир кафт тупроғини муқаддас биламиз.

Негаки, тарих синовларидан шаҳдам ўта олган мустақил юртимизни севмоқни, ардоқламоқни боболаримиз ўргатишган.

Ватан...Ватан билан бизни боғлаб турган буюк маволар тил, тафаккур, тарих ришталари эканлиги, шубҳасиз. Чунки тақдир ва табиат бизга буюк толье берган серҳосил еримиз, асов дарёларимиз, салобатли тоғларимиз, баракали конларимиз, жаннатий боғларимиз бор. Аммо биз юртимизда сув кам бўлса, мевалари пишмаса, конларидан тиллолар чиқмаса ҳам уни шоир А.Орипов айтганларидек, «камроқ севмас эдик». Зеро, бизнинг бу муқаддас юртимизга бўлган муҳаббатимиз бизга берадиган емаклари, бойлиги туфайли эмас. Қолаверса, бу нодир ҳимматларини келажак учун авайлашимиз лозим.

«Ватан барчамизники», – дейди Юртбошимиз. Уни эркин, озод, обод кўрмоқ, шу йўлда ишламоқ, фикрламоқ, яшамоқ ҳар биримизнинг ҳаёт тарзимиз ва бахтимиздир. Зотан, Ватан манзили – бу кўнгилдир.

Саида МАҚСУДОВА.

Истиқлол берган имкон

АРМИЯ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга берилаётган чексиз имконият ғамхўрликлар бугун ҳар бир эр йигит қалбида бу шарафли касбга қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда. У хоҳ офицер бўлсин, хоҳ сержант ёки муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар бўлсин, барчасининг мақсади битта, яъни она Ватанни, мустақилликни ишончли ҳимоя қилишдир. Армия – ҳаёт мактаби. Хўш, ушбу мактабнинг бугун ёшларимиз ҳаётида тутган ўрни қандай? Келинг, бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшитайлик.




Кичик сержант Аскар ЎСАРОВ

– Мустақиллик шарофати билан миллий армиямиз сафларида, ўз туғилиб ўсган Ватанимизда хизмат қиляпмиз. Муддатли ҳарбий хизматни ҳаво десант қўшинларида ўтадим. Ва шу ерда ҳарбийликдек шарафли касбга қизиқишим ортиб, шу соҳада фаолият юритишга қарор қилдим. Ёшлигимдан техникага қизиқаман. Хизматдан олдин ҳам автомашиналарни таъмирлаш устахонасида ишлаганман. Лекин техниканинг бутун сир-асрорини хизматда янада мукаммал ўргандим. Шу касбим туфайли яқинларим орасида ҳам, кўча-куйда ҳам ҳурматдаман. Оилам, фарзандларим эъзозидаман. Мендан фақат битта талаб, у ҳам бўлса, юртни кўз қорачиғимдек асраб-авайлаш. Ватан олдидаги муқаддас ва йигитлик бурчимни ҳалол, виждонан адо этишдир.



Оддий аскар Элёр ДАДАБОЕВ

– Озод ва обод юртнинг посбони бўлиш қанчалик фахр ва ғурур эканлигини яхши англаб етдим. Армия менга жуда кўп нарсани ўргатяпти. Ҳарбий билимларим бойиб, жисмонан ва маънан етилиб боряпман. Ўзимни худди катталардек ҳис қиламан, улардек фикрлайман. Сабр-тоқатга, матонат ва мардликка, мустаҳкам иродага мени армия ҳаёти ўргатди. Келажакда ўз ўрнимни топишимда, мукаммал шахс бўлиб вояга етишимда бу мактабнинг ўрни ниҳоятда катта бўлмоқда. Акам Дониёр ҳарбий учувчи, унга ҳавасим келади. Мен ҳам у каби ҳарбий бўлиб, юрт ҳимоячиси бўлишга қарор қилганман. Ушбу ниятимга етишишимда ҳозирда офицер ва сержантлардан олаётган билимлар жуда асқотади. Шуни теран англаб, бор куч ва ғайратимни ишга солиб, ҳарбий соҳа сир-асрорларини ўрганяпман.



СЧР хизмат ойлик йигини иштирокчиси Жамшид АЗИЗОВ

– Мен СЧР батальонида хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Биз ёшларга шундай имкониятларни яратиб, катта ғамхўрликлар кўрсатаётгани учун Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдираман. Ёшлигимдан спортга меҳр қўйиб, каратэ тури билан шуғулланиб келганман. Ғапни айнан спорт билан бошлашимга сабаб, мен билан бирга каратэ мусобақаларида иштирок этаётган йигитларнинг аксарияти ҳарбий хизматни ўтаган. Шундай вақтлар бўлдики, армия ҳақида гап кетганда, унча кўп нарса билмаслигим, мени улар олдида жуда ноқулай аҳволга солиб қўярди. Армия таассуротлари билан ўртоқлашиб, бўлиб ўтган қизиқарли ва эсдан чиқмас воқеаларни ҳикоя қилишарди. Бундай пайтларда мен четга чиқиб қолардим. Мана йигинда иштирок этяпман, демак мен ҳам армия, ҳарбий хизмат, қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар ҳақида етарли билимга эга бўляпман. Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга сазовор бўляпман.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Жамшид каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби. 2005 йил Тошкентда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида фаол иштирок этиб, бронза медалига сазовор бўлган.

Хўш, посбонларнинг гапларини эшитдик. Энди уларнинг фикрлари асосида хулоса қилсак. Демак, армия эр йигитларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутяпти. Уларнинг келажакда баркамол инсон, мукаммал шахс бўлиб шаклланишларида бу мактаб муҳим аҳамият касб этмоқда. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақил юрт посбонлари миллий армиямиз сафларида хизмат қилишни ўзларига чексиз шараф ва ғурур деб, билишади.

«Ватанпарвар» мухбири
Аҳрор ОЧИЛОВ суҳбатлашди.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Ҳарбий қасамёд

ЮРАКЛАРДА ФАХР ТУЙҒУСИ

Эрта тонгдан ҳарбий қисм ҳудуди юзларида шодлик, қувонч, қалбларида фахр туйғуси жўш уриб турган ота-оналар, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Нега дейсизми? Чунки, бугун унутилмас тантана, яъни сафарбарлик чақируви резерви батальони (СЧР) ойлик йиғини иштирокчилари тантанали Ҳарбий қасамёд қабул қилишди.

Шу ўринда йигитларнинг бир ой давомида ҳарб илмидан олган сабоқларига тўхталиб ўтсак. Тошкент шаҳри туманларидан чақирилган ўғлонлар бу ерда барча тайёргарликлар бўйича машғулотларда фаол иштирок этишиб, ҳарбий соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштиришди. Уларга малакали офицер ва сержантлар ҳарб илмини назарий ва амалий машғулотларда юксак даражада етказишга ҳаракат қилишди. Кўргазмали қуроллар, компьютерлар билан жиҳозланган ўқув хоналари, замонавий спорт зали ва майдончаси, турли илмий, бадиий, ҳарбий адабиётларга бой кутубхона улар ихтиёрида бўлди.

Ҳа, дарҳақиқат, бугун Президентига, халқига, юртига содиқ бўлишга қасамёд қилаётган йигитларнинг ўт чақнаб турган кўзлари, шахдам ташланган қадамлари, мағрур кўтарилган бошлари, юзларидаги қувончи уларнинг хизматдан мамнун эканликларини исботлаб турибди.

Йиғин иштирокчиси Ҳикмат Ҳусановнинг юрак-юрагидан отилиб чиқмоқда Ҳарбий қасамёд сўзлари:

– Мен хизматим давомида кўп нарсани ўргандим ва англадим, – дейди у. – Ватан тушунчаси, ота-она қадри, фидойилик каби туйғуларни янада теранроқ қалбимга сингдирдим. Аждодларимиз Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди сингари мард ва жасур, ҳақиқий ватанпарвар бўлиб, юртим тинчлиги йўлида хизмат қилишга, унинг равнақига ҳисса қўшишга доимо тайёрман.

Сафдошлари номидан сўзга чиққан йиғин иштирокчиси Илҳом Ҳакимов йиғин давомида таълим-тарбия берган устозларига чексиз миннатдорчилик билдириб, келажак ҳаётида ушбу хизмат катта ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, йиғин иштирокчиси Фарҳод Убайдуллаевнинг онаси Дилфуза Убайдуллаева ҳам сўз олиб, фарзандининг армия сафларида хизмат қилганидан, у ва сафдошларига яратилган шарт-шароитлар ҳамда берилаётган кенг имкониятлардан мамнун эканлигини айтди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилганларни масъул офицерлар, ота-оналар, меҳмонлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан шаҳар маънавият тарғибот маркази раҳбари Гулчеҳра Дўсметова, «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Абдулло Нурманов, Чилонзор тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Мажид Мўминовлар самимий муборакбод этишиб, уларнинг жамиятимизда ўзларининг муносиб ўринларини топиб олишларини тилашди.

Тантанали равишда қасамёд қилган ўғлонларимиз келажакда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг гуллаб-яшнашига улкан ҳисса қўшишларига ишончимиз комил.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Аскар уйига қайтмоқда

ЮКСАК ШАРАФ, УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Бахтиёр Қарши педагогика институтининг жисмоний маданият факультетида таҳсил олган. Оддий аскарнинг муддатли ҳарбий хизматдан уйига қайтишига ҳам саноқли кунлар қолди.



Қишлоқ жойда ҳар қандай ўзгариш, янгиликдан ҳеч ким хабарсиз қолмайди. Халқабод Ғузор туманининг унчалик катта бўлмаган қишлоқларидан бири. Бахтиёр шу ерда туғилиб ўсган. Яқинда унинг хизматдан қайтишидан қишлоқ аҳлининг деярли ҳаммаси хабардор. Онаси Зайнаб опа айниқса интизорлик билан кутаётгани шубҳасиз. Зайнаб опа тўрт фарзандни ёлғиз ўзи тарбиялаб, вояга етказди. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири оналари тарбиясини олиб, кўпдан кам бўлмаган ҳолда юрт хизматидадирлар. Она учун бундан ортиқ саодат бўлиши мумкинми?!

Аскар йигит учун ҳарбий хизматнинг унутилмас онлари кўп бўлган – дастлабки кунлар ҳаяжони, Ҳарбий қасамёд куни, байрамлар, тантаналар, синовлар, дўстлар… Хуллас, эслашга арзирли қисқа, ҳам қизғин бир давр.

Ҳарбий қасамёд қабул қилинадиган кун онасининг келиши Бахтиёрни тўлқинлантириб юборди. Онаси билан бирга акаси Мусурмон, тоғаси Омон келишган эди. Бу ташриф уни бир томондан беҳад қувонтирган бўлса, яна бир томондан масъулият ҳиссини оширди. Яқинлари қадрли, Ватан ҳимояси муқаддас. Шу кундан эътиборан бутун диққат-эътиборини муқаддас йигитлик бурчини янада кучли иштиёқ ва садоқат билан бажаришга қаратди. Қасамёд сўзлари янграётган ҳаяжонли лаҳзаларда онасининг ифтихорга тўла нигоҳлари уни қўллаб турганини юракдан ҳис қилганди. Бахтиёр онаси ҳамда она юрт ишончини шараф билан оқлади.

Посбон офицер Зикрилло Ҳакимов етакчилик қилаётган ҳарбий жамоанинг илғорларидан бири. Ўқув машғулотларида фаоллиги билан ажралиб туради. Машғулотларнинг ойлик якунлари бўйича энг юксак натижани оддий аскар Бахтиёр Жўраев кўрсатиб келмоқда.

Моҳир ўқчи жанговар тайёргарлик аълочиси ҳисобланади. Ҳамиша ёрдамга шайлигини сафдошлари ҳам қадрлайдилар.

– Ҳарбий хизматни мана шундай илғор жамоада ўтаганимдан мамнунман, – дейди у. – Ҳар гал жамоамиз номига қўмондонлик томонидан миннатдорчилик эълон қилинганида қувончимнинг чеки бўлмайди. Чунки ҳарбий жамоанинг улкан муваффақиятида менинг ҳам камтарона улушим бор. Бу ерда йигитлик бурчимни бажараётиб, ишончли дўстлар ҳам орттирдим. Оддий аскарлар – Умид Мадаминов, Отабек Ҳайдаров, Турғун Шарипов каби сафдошларим бошқаларга ҳамиша ўрнак бўлиб келадилар. Ҳарбий хизмат ҳаётимдаги энг улкан, энг масъулиятли вазифадир. Мен буни ёруғ юз билан бажарганимдан фахрланаман.

Бахтиёрнинг орзулари бисёр. Ҳаётидаги дастлабки довондан, йўлчи юлдуз каби келажагини ёритиб турадиган юксак довондан шараф билан ўтди. Бундан кейин ҳам қандай вазифани бажармасин, ҳамиша элу юрт равнақига муносиб ҳиссасини қўшиб бораверишига ишонамиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Ренат КАДРАЛИЕВ суратга олган.

На военных кафедрах вузов

ГОТОВЯТСЯ ОФИЦЕРЫ РЕЗЕРВА

Курсанты военной кафедры Ташкентского медицинского педиатрического института (ТашМПИ) в торжественной обстановке, в присутствии родных и близких принесли клятву на верность народу и Президенту.

В течение месяца они проходили сборы, в ходе которых закрепили на практике полученные за годы обучения теоретические знания и навыки.

И вот настало время принятия Военной присяги. Один за другим, четким шагом выходят студенты из строя, звонким голосом произносят слова священной клятвы. Мама курсанта Гасана Карогодского из столицы, Шафига Гусейновна, заметно волнуется.

– Гасан пошел по стопам отца, – говорит мать курсанта. – Супруг является хирургом. В свое время он отслужил солдатом в ракетных войсках. Сегодня радуемся за сына, верим, что сохранит верность присяге на всю свою жизнь.

А мама Эркина Гайбуллаева из Бухарской области, Мавлюда-апа, сама окончила этот же институт. С тех пор честно трудится врачом в сельском врачебном пункте.

На торжественном митинге по случаю принятия Военной присяги Мавлюда-апа поблагодарила наставников и командиров сына за отличное воинское воспитание студентов, пожелала успехов в службе. Добрые пожелания курсантам сборов адресовали также офицер Орзикул Нуруллаев, проректор института по учебной работе Алишер Искандаров, начальник военной кафедры ТашМПИ подполковник медицинской службы Туракул Рахматов, а от самих виновников торжества с ответными словами выступили курсанты Нодир Юлдашев и Мадет Берданов, заверив, что будут всю жизнь хранить верность данному слову.

Сразу же после окончания торжественной части попадает в объятия родных и курсант Бахром Купайсинов из Гулистана. Троих сыновей вырастили Хамид-ака и Хайринисо-апа Купайсиновы. Старший, Тохир, отслужил срочную связистом, теперь пришла очередь принять присягу Бахрому. Скоро настанет черед встать в ряды защитников Родины и младшего, Батыра.

– Защита Родины – священный долг каждого мужчины, – взволнованно говорит отец курсанта. – Потому горжусь сыном, что он прошел обучение на военной кафедре. Думаю, он не подведет.

Курсанты показали приехавшим гостям свое умение выполнять строевые приемы с оружием, удаль в занятиях рукопашным боем, задор и веселье на концерте самодеятельности. А уже на следующий день праздник вновь сменился ратными буднями: курсанты сдавали экзамены по физической, строевой и специальной подготовке. Звание офицера медицинской службы резерва дается не так-то просто, его надо еще заслужить.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.

Воспитательная работа: опыт, проблемы

НА УРОВЕНЬ СОВРЕМЕННЫХ ТРЕБОВАНИЙ

В Праздничном поздравлении защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова подчеркивается: «Важнейшей задачей командиров всех уровней является дальнейшее совершенствование воспитательной работы в армии, укрепление в сознании каждого военнослужащего чувства высокой ответственности за судьбу страны, воспитание у них высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма».

Одной из основных целей учебно-методических сборов офицеров-воспитателей, проведенных на минувшей неделе в Центральном музее Вооруженных Сил, являлось улучшение качества воспитательной работы в свете современных требований.

В частности, немало полезной информации они почерпнули для себя из выступления на сборах представителя Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан Саъдуллы Саидалимова. Сама тема располагала к этому: «Современная идеологическая картина мира. Угрозы национальной безопасности государства в политической и духовно-нравственной сферах». Докладчик подробно проанализировал геополитическую картину мира, сделав акцент на регион Центральной Азии. Выступление вызвало большой интерес, а оратор ответил на многочисленные вопросы участников сборов.

Еще одну очень актуальную тему – «Духовно-нравственные основы борьбы против религиозного экстремизма и фундаментализма» – раскрыл представитель Комитета по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан Шохрух Абдурасулов. Вот и выступление представителя Академии Вооруженных Сил офицера Маъмура Шукурова о задачах офицерского состава по повышению бдительности личного состава, недопущению проникновения в армейскую среду идей религиозного экстремизма и фундаментализма было очень созвучно данной тематике.

В форме живого обмена мнениями, дискуссий по актуальным проблемам организации воспитательного процесса были построены методические занятия. В частности, тему «Основные задачи и направления воспитательной работы в Вооруженных Силах, ее содержательность и направленность, пути повышения эффективности в современных условиях» отработал на методическом занятии представитель Главного управления воспитательной работы Министерства обороны. В ходе обмена мнениями прозвучали дополнения конкретикой в выступлениях офицеров. В частности, о формах и методах воспитания курсантов школ подготовки сержантов подробно рассказал офицер Бахтиер Чориев, об этом же, но в приложении к военнослужащим срочной службы и гражданам, проходящим сборы в МПР, – офицер Бахром Аллаяров, о работе с курсантами высших военно-образовательных учреждений – офицер Одилжон Рахимов.

В процессе воспитания личного состава большое значение имеет и доведение до личного состава срочной службы норм продовольственного довольствия, повышенных в соответствии с правительственным постановлением, вещевого обеспечения.

Интерес вызвала беседа «за круглым столом», организованная офицером Уктамом Аслановым. Она была посвящена проблемам и путям повышения эффективности воспитательной работы с военнослужащими по контракту офицерского, сержантского и рядового составов с учетом специфики их служебно-боевой деятельности. Например, офицер Игорь Беспалов акцентировал внимание собравшихся на том, что именно специфика проведения полетов военной авиации накладывает свой отпечаток на график проведения занятий с разными категориями военнослужащих, и внес свои предложения по изменению времени проведения занятий.

Одним из важнейших направлений организации воспитательной работы остается поддержание высокой воинской дисциплины и правопорядка, обеспечение безопасных условий прохождения воинской службы. Так, методическое занятие, проведенное представителем ГУВР офицером Николаем Насыровым, стало объектом внимательного изучения участниками сборов.

Живой интерес вызвала и тема, предложенная для обсуждения офицером Шавкатом Хашимовым: она затрагивала проблемы повышения эффективности воспитательной работы с военнослужащими, находящимися в отрыве от места дислокации части. Ведь и в ходе полевых выходов, боевых стрельб на полигонах процессы воспитания и информационного обеспечения личного состава значимы и не должны терять своего качества.

По вопросам организации деятельности военных музеев выступил начальник Центрального музея Вооруженных Сил подполковник Содик Ортиков. Недавно принятое совместное постановление министерств обороны и по делам культуры и спорта, направленное на улучшение деятельности музеев, было также внимательно изучено участниками сборов.

На сборах также была организована встреча с представителями Республиканского фонда «Махалля», Общественного движения молодежи «Камолот», Комитета женщин Узбекистана, на которой прозвучало немало ценных предложений по улучшению совместной деятельности.

Проведенные сборы стали серьезной вехой на пути профессионального роста офицеров-воспитателей.

Майор Аблай КАМАЛОВ.





Курсом реформ

НА КУРСАХ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ

В нашей газете широко освещается тема подготовки кадров для народного хозяйства страны высшими военно-образовательными учреждениями Министерства обороны. В частности, получили признание курсы младших специалистов по эксплуатации и ремонту автотракторной техники, открытые при Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище (СВВАКИУ).

А недавно здесь же открылись курсы повышения квалификации бухгалтерских работников служб тыла, ответственных за ведение учета материальных средств.

– На первом и втором потоке прошли обучение бухгалтеры вещевых и продовольственных служб, а также службы горючесмазочных материалов, – рассказывает начальник факультета повышения квалификации СВВАКИУ полковник Тимур Тоиров. – На третий набор отобраны бухгалтеры коммунально-эксплуатационных служб (КЭС) воинских частей и гарнизонов.

В этом году, объявленном в Узбекистане Годом социальной защиты, рост внимания к деятельности коммунальной сферы вполне объясним. Социальная защищенность человека не в последнюю очередь связана и с вопросами устроенности его быта. В Министерстве обороны выделяются значительные финансовые средства для улучшения коммунального обслуживания проживающих в гостиницах, общежитиях, военных городках военнослужащих и членов их семей. Поэтому очень важно обеспечить целевое и рациональное расходование выделяемых средств. С этой точки зрения открытие курсов повышения квалификации бухгалтеров призвано придать еще больший динамизм проводимым в Вооруженных Силах реформам.

Естественно, к процессу обучения привлечены самые квалифицированные кадры из Центрального аппарата Министерства обороны и самого училища. Так, по основным темам проводили занятия офицеры С. Хашимов, Р.Ваисов, служащие Вооруженных Сил А.Солиев, В.Широкова, Ф. Джафарова.

Активность слушателей курсов всячески приветствуется и поощряется. Например, с прошлого набора удостоились Почетных грамот за отличную учебу и активную общественную деятельность служащие Мадина Батырова, Елена Хван, Елена Чикляева.

– Я уже восьмой год работаю в системе коммунального обслуживания, – говорит служащая Наталья Колесникова. – Казалось, опыт определенный имею, но за первые две недели учебы на курсах поняла, что провела здесь время с огромной пользой. Дело в том, что время не стоит на месте, требования руководящих документов постоянно корректируются. Поэтому открытие данных курсов поможет нам, работникам финансовой сферы, более качественно работать с отчетными документами, а налаженное финансирование гарантирует улучшение бытового обслуживания военнослужащих.

Для служащих Эльвиры Махмудовой, Зауры Тангирбергеновой, Елены Стасюк учеба на данных курсах ценна, по их признанию, именно ростом профессионального мастерства. Вернувшись в родные коллективы, эти сотрудницы смогут по-новому оценить свою повседневную деятельность, поделиться накопленным опытом и знаниями с коллегами.

Кстати, в училище созданы все необходимые условия не только для учебы и проживания, но и для культурного отдыха прибывших бухгалтеров.

– Честно говоря, за ворохом служебных и житейских забот зачастую не остается времени для духовного развития, – говорит служащая Мария Иванченко. – И потому экскурсия по памятным историческим местам древнего Самарканда, организованная командованием училища, в какой-то мере помогла восполнить этот пробел, в преддверии 16-й годовщины независимости Узбекистана наполнила чувством гордости за нашу Родину, за наших великих предков.

Курсы повышения квалификации бухгалтеров при СВВАКИУ не только придают динамизм проводимым реформам Вооруженных Сил, но и становятся отличной основой духовного обогащения слушателей.Все подобные курсы организовываются по отдельному плану Главного управления тыла Министерства обороны Республики Узбекистан.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

Ilg‘orlikka intilib

BILIM VA SALOHIYAT – MUVAFFAQIYAT ASOSI

Bugungi posbonga talablar o‘zgacha. Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan islohotlar sabab, endilikda yigitlar armiya xizmatiga adolatli ko‘rik-tanlovlar hamda puxta sinovlar asosida qabul qilinayapti. Askar degan sharafli nomga faqat eng sara, kuchli, bilimli va intellektual salohiyati yuksak o‘g‘lonlargina loyiq topilyapti. Tanlab olingan yurt farzandlari harbiy xizmat davomida jismonan chiniqib, jangovarlik jihatdan puxta bilim olish bilan bir qatorda ma’nan ham yuksalmoqda. Shuningdek, kelajak faoliyatlarida ham qo‘l keladigan harbiy va hayotiy bilimlarni egallashmoqda. Zamonaviy texnologiya vositalaridan foydalanishni o‘rganish, kompyuterda ishlay olish va texnikaga oid bilimlar, shuningdek, ijtimoiy-siyosiy bilimlarni ham egallab, dunyoqarashlarini kengaytirayotgan posbonlarni ana shundaylar sirasidan sanash mumkin.



Muddatli xizmat oddiy askari Suhrob Bobojonov yoshligidan texnika ilmiga ayricha havas qo‘ygandi. Fermer xo‘jaligi ishchisi bo‘lgan otasi Saidahmad akaga qishloq xo‘jaligi yumushlari, ekin-tekin va boshqa ishlarda beminnat dastyor bo‘lib kelarkan, ayniqsa, traktorni ta’mirlash va mavsumga tayyorlayotgan kezlarda bir qadam ham undan uzoqlashmasdi. Shu tariqa Suhrob ham padarining mehrini qozondi, ham o‘zining texnika borasida malakasini boyitdi.

Oradan yillar o‘tdi. O‘sib kamolga yetgan o‘g‘lon armiya xizmatiga chaqirilarkan, undagi texnikaga bo‘lgan qiziqish va yetarli malakani ilg‘agan mudofaa ishlari bo‘limi xizmatchilari Suhrobni jangovar texnikalarni ta’mirlashga ixtisoslashgan harbiy bazalardan birining huzuridagi qismga jo‘natishni ma’qul ko‘rishdi. Taklifni o‘rganib chiqqan harbiy qism vakillari ham Suhrobni o‘z saflariga qabul qilishga bajonidil rozi bo‘ldilar. Buni qarangki, adashishmagan ekan. Harbiy xizmatga kelib sharafli vazifaga kirishib ketgan askar tezda intiluvchanligi va tirishqoqligi, topshiriqlarni sifatli uddalashi hamda texnika borasida yetuk salohiyat sohibi ekani bilan o‘zini ko‘rsatdi. Jangovar texnikalarni butlash, ta’mirlash, moylash va mashg‘ulotga tayyor qilish uchun bor kuch-g‘ayratini ishga soladigan Suhrob bir necha marta komandirlardan maqtov va tashakkurlar eshitdi. Qo‘shinlar o‘rtasida bo‘lib o‘tgan ko‘rgazmali mashg‘ulotlardan birida esa fidoyi va mehnatsevar bu posbon yuksak jangovar shayligini isbotlab, e’tibor qozondi. A’lo xizmatlari e’tirof etilgan oddiy askar Bobojonovga Mudofaa vazirining buyrug‘iga binoan uyiga borib kelish uchun qisqa muddatli ta’til berildi.

– Harbiy xizmatga qadar sanoat kollejida neft va gazni qayta ishlash bo‘yicha ximik-laborant mutaxassisligi yo‘nalishida tahsil olganman, – deydi Suhrob biz bilan suhbatda. – Biroq texnikaga qiziqishim susaygani yo‘q. Yigit kishi uchun yetmish hunar oz, deydi dono xalqimiz. Qancha ko‘p bilsak, shuncha o‘zimizga foyda. Armiyada xizmat qilish esa oliy maqsad, yuksak burchdir. Bu yerda o‘zim uchun kerakli juda ko‘p narsa o‘rganyapman. Eng asosiysi, Vatanga, yurtdoshlarimga muhabbat, sog‘inch va sadoqat tuyg‘ularini aynan xizmat tufayli chuqur tushunib yetdim. Men ta’mirlagan texnikalar yurtimiz osoyishtaligini asrashga xizmat qilishini o‘ylash qalbimga surur bag‘ishlaydi. Shu bilan birgalikda jangovar bilimlarni ham o‘rganib borayapman. Ofitser Do‘stbek Safarov, serjant Umid Qayumov, Qurolli Kuchlar xizmatchisi Dmitriy Soy kabi o‘z ishining mohir ustalaridan ta’mirlash sirlarini o‘rgansam, ofitserlar G‘anisher Yakubov, Damir Yagnyayev, serjantlardan O‘rol Murodov va Anvar G‘afurovlar harb ilmidan saboq berishmoqda. Biz uchun yaratilgan shart-sharoit va ko‘rsatilayotgan g‘amxo‘rliklar, ayniqsa, kamtarin xizmatlarim yuksak baholanib, ta’til bilan taqdirlanganim hamisha e’tiborda ekanimizni anglatib turadi.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV.

SARKARDALAR SABOG‘I

SIPOH SAQLAB TURISH TUZUGI

Amr qildimki, qachonki asl sipohlardan ish ko‘rgan, jang-jadal bilan suyagi qotgan o‘n kishi yig‘ilsa, bulardan qaysi birining shijoati, botirligi ortiqroq bo‘lsa, qolgan to‘qqiztasining roziligi va ma’qullashi bilan, uni o‘zlariga boshchi saylab, otini o‘nboshi deb atasinlar.

O‘n nafar o‘nboshi jam bo‘lsa, o‘z ichlaridan eng ish ko‘rgan, jang maydonlarida toblanib tajriba orttirgan, bahodirlikda nomi chiqqan birovini amir qilib, uni yuzboshi deb nomlasinlar.

Agar o‘n yuzboshi yig‘ilsa, amirzodalardan aqlli, shijoatli, bahodir bir kishini amir etib saylab, uni mingboshi desinlar va amiri hazora deb ulug‘lasinlar.

Agar qaramlaridagi biron kimsa o‘lsa yoki qochib ketsa, o‘rniga yangi kishini tayinlash o‘nboshilarning ixtiyorida bo‘lsin. Shunga o‘xshash yuzboshilar o‘nboshilarni, mingboshilar yuzboshilarni tayin qilsin. Bulardan o‘lgan, qochgan, yangi tayinlanganlar bo‘lsa, sabablarini aytib, mening arzimga yetkazsinlar.

Yana amr qildimki, chorpilchor (urush) kunlarida va saltanat ishlarini boshqarishda mingboshining hukmi yuzboshiga, yuzboshiniki o‘nboshiga, o‘nboshiniki (esa) qo‘l ostidagilarga joriy etiladi. Agar bu tuzukka qarshilik qilsalar jazoga tortilsinlar. Agar chorpilchor ishlarida kim kamchilikka yo‘il qo‘yar ekan, uni chaqirib, o‘rniga boshqani qo‘ysinlar.

«Temur tuzuklari»dan.

YURT TAQDIRI – UNING TAQDIRI

Oddiy askar Shavkat Abdurahimovning hayot maktabi atalmish armiya safida muddatli xizmatini boshlaganiga ham yaqinda bir yil bo‘ladi. O‘tgan davr mobaynida yigitni ancha chiniqdi, deb bemalol aytish mumkin. Asosiysi, posbonning o‘ziga bo‘lgan ishonchi yanada ortdi.

– Har bir yigit yoshligidan askar bo‘lib yurtini himoya qilishni istaydi, – deydi posbon Abdurahimov. – Axir barchamiz ham bolaligimizda xizmatdan bilaklari kuchga to‘lib qaytgan askarni ko‘rganimizda unga havas bilan boqib, «men ham katta bo‘lsam unga o‘xshab yurt himoyachisi bo‘laman», deya orzu qilganmiz. Xizmatga kelmasdan avval milliy armiyamiz safidagi posbonlarning hayoti haqida, ularga yaratilayotgan imkoniyatlar borasida ko‘p eshitgandim. Bugun shularni o‘z ko‘zim bilan ko‘rib turibman. Hukumatimiz tomonidan biz posbonlarga juda ko‘plab imkoniyatlar yaratilmoqda. Albatta, biz bunday e’tibordan juda mamnunmiz.

Shavkat yozgi o‘quv mavsumi mashg‘ulotlarida ilg‘orlikka intilayotgan posbonlardan sanaladi. Aslida katta leytenant Shuhrat Turdiqulov yetakchilik qilayotgan vzvod o‘quv mavsumida peshqadamlikni qo‘ldan boy bermay kelayotganligining boisi ham safda oddiy askar Abdurahimovga o‘xshagan fidoyi o‘g‘lonlarning ko‘pligidan. Ular yaqinda o‘tkazilgan dala-o‘quv mashg‘ulotida ham yuqori ko‘rsatkichga erishib, o‘zlariga bildirilgan ishonchni yana bir karra oqlashdi.

Bu haqda jamoa sardori shunday deydi:

– Har bir mashg‘ulotda mahoratini oshirib borayotgan posbonlarimiz sinovlarda yuqori natijalarni qo‘lga kiritib kelishmoqda. Dala sharoitida mashg‘ulotni o‘tkazish posbonlar uchun nihoyatda muhim. Bunda ular o‘rgangan bilim va ko‘nikmalarini amaliyotda qo‘llash barobarida kamchilik va yutuqlarini tahlil qilishga imkon bo‘ladi. Ushbu sinov mashg‘ulotida oddiy askarlar Shavkat Abdurahimov, Akmal Jo‘rayev, Jamshid Mamadaliyevlar o‘z oldilariga qo‘yilgan vazifani a’loga uddalab, jamoaning ilg‘orligini ta’minlashdi. Yigitlarimiz jangovar tayyorgarlikdan tashqari ijtimoiy-siyosiy, jismoniy va taktik tayyorgarlik mashg‘ulotlarida ham yuqori natijalarga erishmoqda.

Jamoaviy ilg‘orlikni ta’minlashda posbonlarning o‘zaro ahilligi nihoyatda qo‘l kelmoqda. Vzvodning yetakchi shunqorlari mashg‘ulotlar paytida oqsayotgan safdoshlariga biriktirilib, ularga yordam qo‘lini cho‘zishi mashqlarning ko‘tarinki tarzda o‘tishini ta’minlamoqda. «Hushyorlikni saqlash, jangovar malaka va kasbiy mahoratni oshirish, vaziyatning har qanday sharoitida Vatanni, O‘zbekiston xalqining tinchligi va osoyishtaligini ishonchli himoya qilishga tayyor turish – eng muhim vazifamizdir» shiori ostida o‘tkazilayotgan o‘quv yilida vzvodning har bir posboni o‘z oldidagi mas’uliyatni teran anglayapti.

Haydovchi vazifasida xizmat qilayotgan oddiy askar Shavkat Abdurahimovning oldidagi rejalari ulkan. Xizmatga qadar Farg‘ona viloyati Yozyovon tumanidagi Avtotransport kollejini a’lo baholarga tugatgan yigit Vatan oldidagi farzandlik burchini o‘tab qaytgach, oliy o‘quv yurtida bilim olishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ygan.

– Oliy ma’lumotli mutaxassis sifatida kelajakda yurtimiz taraqqiyotiga o‘z hissamni qo‘shishni istayman, – deydi u. – Bugun hukumatimiz biz yoshlarga ko‘plab imkoniyatlar yaratib bermoqda. Albatta, biz bunday imkoniyatdan unumli foydalanib, mamlakatimizning kelajagi uchun bor kuch-g‘ayratimizni ayamasligimiz lozim.

Qalbi shijoatga to‘la bu kabi yigitlar bilan suhbatlashar ekansiz, ko‘nglingiz charog‘on bo‘ladi. Axir yurt taqdirini o‘zining taqdiri deb bilgan bu kabi yoshlar ertaga azim chinordek qad rostlab, mamlakat istiqboli uchun yonib yashashadi. Bu borada mamlakatimiz Prezidenti Islom Karimovning Vatan himoyachilariga yo‘llagan bayram tabrigida shunday deyiladi:

«Farzandlarimiz armiya safida harbiy mutaxassisliklarni egallash bilan birga jismoniy va ma’naviy jihatdan chiniqib, irodasi toblanmoqda, qat’iy hayotiy pozitsiyasi shakllanmoqda, eng muhimi, ular Vatan himoyasi uchun doimo tayyor turadigan fidoyi insonlar bo‘lib kamol topmoqda».

Komiljon HASANOV,
«Vatanparvar» muxbiri.

Askar bilan muloqot

KO‘NGLIMNING GAVHARI SHU AZIZ VATAN

Ofitser Mahmud Ortiqov askarlar bilan uchrashuvga taklif qilib qoldi. Bajoni dil rozi bo‘ldim. O‘zi anchadan beri muddatli xizmatni o‘tayotgan o‘g‘lonlarimiz bilan suhbatlashishni dilimga tugib qo‘ygan edim. Mana, qarshimda bir guruh askarlar o‘tirishibdi. Ko‘zlaridan o‘t chaqnab turibdi, baquvvat, alpomishmonand yigitlar.

– Men Andijondan bo‘laman, – deya o‘zini tanishtirdi oddiy askar Farhod Husanov, – muddatli harbiy xizmatni o‘tayotganimga to‘qqiz oydan oshdi. Ustimga harbiy libos kiygach, harbiy xizmat nima ekanligini chuqur angladim. O‘zi azaldan shunday, Vatanni asl farzandlari himoya qiladi, posbon bo‘ladi. Men baxtli avlod vakili ekanimdan behad mamnunman. Chunki biz ajoyib bir davrda yashayapmiz. Vatanimiz ozod, hur. Mustaqillikni ota-bobolarimiz orzu qilishgan, kurashishgan. Istiqlol degan ulug‘ ne’matdan bahramand bo‘lish bizga nasib etdi. Uni avaylash, asrash bizning zimmamizda.

– Shoir Muhammad Yusuf shunday yozadi:

Men ham shu el farzandidurman,
Ko‘z qorasi, dilbandidirman.
Erkalanib bag‘rida o‘sdim,
Men ham uni jondan suyarman, – deya gap boshladi surxondaryolik oddiy askar Sherzod Toshmirzayev. – Elimizning koriga yarash bizning yigitlik burchimiz.

Dunyoda mamlakatlar ko‘p, xalqlar ko‘p. Biroq O‘zbekiston bitta, yagona. Biz shu tuproq, shu zamin, shu yurt uchun fidoyilik ko‘rsatishimiz shart. Chunki Vatan bu – ota-onamiz, mahallamiz, butun O‘zbekistonimiz.

Bugun har bir yigit askar bo‘lishni istaydi. Lekin askar bo‘lish oson emas. Diliga ana shunday orzuni tukkan yigit avvalo har tomonlama yetuk bo‘lishi zarur. Bilimi, dunyoqarashi keng bo‘lish talab etiladi. Ana shundagina ko‘plab talabgorlarni yengib o‘tib, ustiga harbiy libos kiyadi.

Oddiy askar Dohishbek Asanov Qoraqalpog‘iston Respublikasining Beruniy tumanidan. Nukus davlat pedagogika institutining matematika fakultetini tamomlagan.

– Oliy ma’lumotli bo‘lganim uchun to‘qqiz oy xizmat qilaman, – deydi u. – Aslida, elim, yurtim uchun butun umr xizmat qilishga tayyorman. Ayni kunlarda barcha tayyorgarliklar bo‘yicha yuqori natijalarni qo‘lga kiritishga harakat qilayapman. Bunda menga serjantlarimiz, ofitserlarimiz yaqindan yordam beryapti. Ko‘nglimda bir niyat tug‘ildi, muddatli harbiy xizmatni tugatgach, Vatan himoyachilari safida qolmoqchiman. Ehtimol, serjantlar safidan joy olarman, balki ofitser bo‘larman. Muhimi, Vatan qo‘riqchisi bo‘lsam, deyman.

– Bizning a’lo xizmat qilishimiz uchun barcha shart-sharoit muhayyo, – deydi andijonlik oddiy askar Akmal Botiraliyev. – Barcha qulayliklarga ega yotoqxonamiz, oshxonamiz, sport maydonchamiz, adabiyotlarga boy kutubxonamiz bor. O‘qiyapmiz, o‘rganyapmiz. Askarlik menga avvalo ota-onamning qadriga yetishni o‘rgatdi. Vaqtdan unumli foydalanishdan voqif etdi. Anglab turibman, jamiyatga foydam tegishi uchun hali ko‘p narsalarni o‘rganishim zarur. Xizmatni tugatgach, oliy o‘quv yurtiga kirib o‘qimoqchiman. Tayyorgarlik ko‘rishimga imkoniyat bor. Eng muhimi, o‘qishga kirishda imtiyoz beradigan tavsiyanomani qo‘lga kiritishim kerak. Buning uchun esa a’lo xizmat qilishim shart.

Askarlar bilan dildan suhbatlashar ekanman, bitta narsani chuqur his etdim, o‘g‘lonlarimizning barchasi ko‘nglimizning gavhari shu aziz Vatan uchun men nima qildim, nima qilyapman, degan ezgu niyat bilan o‘z yigitlik burchini o‘tashmoqda. Muhimi, ular kundan-kunga harb ilmidan olayotgan saboqlarini oshirishmoqda, o‘z postlarida hushyor turishibdi. Har qanday jangovar topshiriqni bajarishga tayyor. Jangovar topshiriq esa bitta: yurtimizning tinchligini, xalqimizning osoyishtaligini ishonchli himoya qilish. Ishonchli himoya bor ekan, mustaqilligimiz yanada mustahkam bo‘ladi, xalqimiz farovon hayot tomon dadil qadam tashlayveradi.

Abdurazzoq OBRO‘YEV.

Tuhfa

VATAN

Purviqor tog‘laring samoga tutash,
Jannat bog‘laringda bol ham unadi.
Mehring oftob misol alanga, otash,
Taftidan borliqqa bahor inadi – Vatan!

Tuprog‘ingda unmas biror giyoh yo‘q,
Ta’rifingga mos rangu siyoh yo‘q.
Tarixu kelajak, bani basharda
O‘zingdan yorqinroq biror mayoq yo‘q
– Vatan!


Boshingdan o‘tmadi ne sinov, ne g‘am,
Kimlar yetkazmadi, ko‘ksingga sitam.
Mangulikka doxil kavokib misol,
Hamon navqironsan, sen hanuz bardam –
Vatan!

Vatanim, musaffo bo‘lsin osmoning,
Dunyoga taralsin dong‘ing, dostoning.
Har qarich tuprog‘ing ko‘zimda asray,
Men askar o‘g‘lingman, sening posboning – Vatan!

Yashin KOMILOV.

HARBIY TEXNIKA YANGILIKLARI

«YAGUAR-1»



«Yaguar-1» rusumli tankka qarshi o‘ziyurar raketa kompleksi Germaniya va Avstriya davlatlari armiyalarining quruqlikdagi qo‘shinlari qurollari tarkibiga kiritilgan. Mazkur kompleksga o‘rnatilgan asosiy qurol – kalibri 136/150 mm, otish uzoqligi 75-4000 m, uchish tezligi 240/260 m/s, 750/900 mm.li zirhni teshib o‘tish qobiliyatiga ega bo‘lgan «Xot-1» yoki «Xot-2» rusumli tankka qarshi boshqariluvchi raketalardir. Raketalarni boshqarish tizimi yarim avtomatik, IK-kuzatish apparaturasi va buyruqlarni aloqa simlari orqali uzatish tizimiga ega. Mashina jangovar komplekti 20 ta raketadan iborat.

Raketa kompleksining asosiy taktik-texnik tavsiflari: ekipaj to‘rt kishidan iborat, jangovar og‘irligi 25,5 tonna, shosse bo‘ylab maksimal yurish tezligi 70 km/s, yurish zaxirasi 400 km. Yengib o‘ta oladigan to‘siqlar: balandligi 0,75 bo‘lgan tik devor, eni 2 m. bo‘lgan zovur, chuqurligi 1,2 metrgacha bo‘lgan ariqlar. Raketa kompleksi qo‘shimcha qurol sifatida 7,62 mm. kalibrli, otish uzoqligi 800-1000 m. bo‘lgan ikkita MG3 pulemyotiga ega. Quyruq qismiga o‘rnatilgan 76 mm. kalibrli 8 ta granatomyot esa tutun pardasini yuzaga keltirish uchun mo‘ljallangan, jangovar zaxirasi 16 ta granatadan iborat. Yuqorida tilga olib o‘tilgan «Xot» rusumli raketalar «Yevromissayl» konserni tomonidan ishlab chiqariladi.

(«Zarubejnoye voyennoye obozreniye» jurnali asosida tayyorlangan).

Madaniy hordiq soatlarida

YAXSHI DAM – XIZMATGA HAMDAM



Harbiy xizmat – jozibali soha. Bu yerda posbonlar har taraflama chiniqadi, bilim va dunyoqarashi o‘sadi. Shuningdek, hayotiy qarashlari ham shakllanib, mustaqil fikrlashni o‘rganadi, ko‘p narsaning qadriga yetadigan bo‘lishadi. Ular bilan o‘tkaziladigan turli-tuman mashg‘ulotlar esa o‘g‘lonlarimizning jismonan, ma’nan va intellektuallik jihatidan yuksalishlariga xizmat qiladi.

Aytish joizki, biror yo‘nalish yoxud sohaning a’lochisi bo‘lish yoki yuksak marralarni zabt etishda ma’lum asosda belgilangan kun tartibiga rioya qilish muhim o‘rin tutadi. Har narsaning vaqti-soati bor, degan xalq maqoli bejiz aytilmagan. Chunki tinimsiz mehnat har qanday insonni toliqtiradi, faqat bir xillik esa bezdirib qo‘yishi mumkin. Shu bois, qizg‘in mehnat qilgandan so‘ng maroqli hordiq chiqarishning ham ahamiyati katta.

Bu borada yurt posbonlari uchun yo‘lga qo‘yilgan puxta dastur asosidagi tartib-intizom va shart-sharoitlarni havas qilsa arziydi, deb bemalol aytishimiz mumkin. Masalan, oddiy ertalabki badantarbiya mashg‘ulotlarini olaylik. O‘g‘lonlarning jismonan yetilishida ushbu tayyorgarlik turi muhim rol o‘ynaydi. Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlarida esa posbonlar mintaqa va jahon miqyosidagi vaziyat, ro‘y berayotgan voqea-hodisalar haqida ma’lumotga ega bo‘lishadi. Jangovar tayyorgarliklar va dala-o‘quv mashg‘ulotlari esa posbon uchun suv va havoday zarur. Mustaqil tayyorgalik soatlari hamda dam olish uchun belgilangan vaqtlar esa ularning xizmat faoliyatlarida ijobiy o‘sishlariga, sarf etilgan kuch-quvvatni tiklashlariga xizmat qiladi.

Avvalo, ta’kidlash joiz, sarf etilgan energiya o‘rnini to‘ldirish uchun inson organizmi zarur moddiy va ruhiy ozuqaga ehtiyoj sezadi. Deylik, shunqor jismonan ko‘p kuch sarfladi va nazariy mashg‘ulotlarda obdon izlanib, toliqdi. Endi uning o‘rnini to‘ldirish uchun yaxshi ovqatlanishi va ko‘ngilli hordiq chiqarishi kerak. Bu holatda u ham jisman, ham ma’nan oziqlanadi. Tiniqib dam olgan va yuqori kaloriyali ozuqa mahsulotlaridan iste’mol qilib, tanasidagi sarf etilgan energiya o‘rnini to‘ldirgan posbon yana jangovar shay, yana kuch-qudratlidir.

Islohotlar sabab, bugun milliy armiyamizda qator sifat o‘zgartirishlar amalga oshirilayotgani, jumladan, askarlarning ovqatlanish ratsioniga qo‘shimchalar kiritilib, ozuqalari kuchaytirilgani hamda ularga turli giyohlardan tayyorlangan sharbatlar ham berilayotgani ana shunday maqsadlarni ko‘zlab amalga oshirilgan tadbirlar sirasidandir. Dam olish soatlaridagi madaniy hordiq jarayonlari, jumladan, kitob o‘qish, musiqa tinglash, oynai jahondan berilayotgan yangiliklar hamda boshqa dasturlarni tomosha qilish va dam olish kunlari o‘tkazilib turiladigan turli intellektual o‘yinlar hamda musobaqalar esa o‘g‘lonlarning ma’nan dam olishlarini ta’minlaydi, desak xato bo‘lmaydi.

– Qismimizda risoladagiday shug‘ullanishimiz va dam olishimiz uchun sharoitlar binoyidek yo‘lga qo‘yilgan, – deydi oddiy askar Nodir Azamatov. – Men mashg‘ulotlardan bo‘sh vaqtimni kitob o‘qish yoki televizordan yangiliklarni tomosha qilish bilan o‘tkazaman. Do‘stim Berdiyor Xolmurodov esa shaxmatning ashaddiy ishqibozi. Unga qo‘shilib men ham ba’zan o‘ynab turaman.

– Shaxmat – matematika, u kishini o‘ylashga, izlanishga chorlaydi. Uni o‘ynaganda kishi ham dam oladi, ham bilim va dunyoqarashi o‘sadi, – deydi oddiy askar Berdiyor Xolmurodov. – E’tiborlisi, har uchala jihat ham sifatli xizmat qilishingda ko‘maklashadi. Sifatli xizmat esa muvaffaqiyat garovidir.

Katta leytenant Davlatbek ASILOV.
Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.

АМИР ТЕМУРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ



Биз Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва санъат юксак даражада тараққий этганлигини ботбот такрорлаймиз-у, бироқ бунинг сабаблари хусусида батафсил тўхталмаймиз. Ваҳоланки, Амир Темур давлатидаги мислсиз юксалишнинг бош омили бу – иқтисодий равнақдир.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши эса ҳукмдордан кучли иқтисодий тафаккур ва билимни, қайсидир маънода тадбиркорликни талаб қилади. Амир Темур улкан иқтисодий тафаккур эгаси эди. У Франция қироли Карл VIга ёзган мактубида қуйидаги фикрларни битган:

«Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак».

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур «Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».

Соҳибқирон салтанатида солиқлар миқдори анча кўп бўлган. Масалан, хирож, молу жиҳот, соворий, шилон пули, жон солиғи ва бошқа турдаги солиқлар ундирилган. Табиий савол туғилади: солиқларнинг кўплиги, хилма-хиллиги аҳоли бошига оғир кунларни солиб қўймаганмикан? Солиб қўярди. Амир Темур солиқ миқдори ва уни ундириш ишини тартибга солиб, доимо назорат қилиб турмаганда, турган гап шундай бўларди. Шунинг учун буюк амир алоҳида таъкидлайдики, «Амр қилдим, раиятдан хирож йиғишда уни оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан сақланмоқ зарур, чунки раиятнинг хонавайрон бўлиши хазинанинг ғариблашувига олиб келади. Хазинанинг ғариблашиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг, яъни ҳарбийларнинг тарқалиб кетиши ўз навбатида салтанатнинг заифлашишига олиб келади. Ушбу фикр таҳлили шуни кўрсатадики, буюк стратег Амир Темур мамлакатнинг мудофаа қобилияти бевосита унинг иқтисодий равнақига боғлиқ эканлигини яхши тушунган.

Улуғ салтанат соҳиби солиқ тўлаш тартиби ва шаклнинг тўловчига қулай бўлиши учун кўп нарса қилди. «Темур тузуклари»да солиқ тўловчиларга нисбатан «...рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар», деган иборалар ишлатилган. Раиятнинг фикрини, хоҳиш-иродасини инобатга олиш! Нима бу? Демократиянинг ўзгинаси эмасми?! «Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин», кузги, баҳорги, қишки ва ёзги деҳқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига бўлсин», «Солиқларни яхши сўз билан олсинлар, калтак, арқон, ишлатиб, ишни уруш-сўқишгача олиб бормасинлар». Бу – «Куч адолатда» деган ўлмас тамойилнинг амалий ифодаси эмасми? У ўз тузукларида ҳаёти давомида амал қилган тамойилларини санар экан, шундай жумлани ишлатади: «Мен бирор кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим».

Амир Темур кишиларнинг хизмат ҳақини белгилашда ижтимоий аҳамиятга эга ишлар қандай сифатда бажарилганлигига эътибор билан қараш лозимлигини уқтиради. Масалан, «Оддий сипоҳийга, ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шарти билан ойлиги минган отининг баҳоси бўлсин».

Эътибор беринг-а: «Ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шарти билан», деб уқтирилмоқда. «Ўринлатиб» бажармаса-чи? Бунга нисбатан ҳам унинг ўз қараши бор. «Яна ҳукм қилдимки, сипоҳийлардан (ҳарбийлардан) қайси бири уруш ишларида хатоликка йўл қўйса, ойлигини ўндан бирига камайтирсинлар».

Гувоҳи бўлиб турибмизки, яна адолат тантанаси. Ҳар ким меҳнатига яраша ҳақ олади.

Ўзининг иқтисодий сиёсатида иқтисодий рағбатлантириш усулидан кенг фойдаланганини яна «Тузуклар»дан ўқиймиз: «Амр этдимки, кимдаким бирор саҳрони обод қилса ёки кориз (ер остидан ўтказиладиган ариқ) қурса ёки бирор хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар». Асардаги мана бу уқдириш ҳам ўта муҳимдир: «Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз қолса, холиса (давлатга қарашли ер-сув ва мол-мулкни тасарруф этувчи девон) тарафидан обод этилсин. Агар эгаси бўлса-ю, аммо обод қилишга қурби етмаса, унга асбоб-ускуна ва бошқа керакли нарсалар берсинлар. Ёки ўз ерини обод қилиб олсин». Мана сизга инсон меҳнатини қадрлашу эъзозлаш. Мана сизга инсонда ташаббус уйғота олиш.

Соҳибқирон Амир Темурнинг иқтисодий қарашларини ўрганар эканмиз, ўзимиз учун беихтиёр шундай хулосаларни чиқарамиз:

биринчидан, мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан раҳбар шахснинг ақлу заковати ва тадбиркорлигига боғлиқ.

Иккинчидан, иқтисодий интеграцияга интилиш иқтисодий тараққиётга олиб борувчи йўллардан биридир.

Учинчидан, мамлакатда тартиб-интизом ўрнатмай иқтисодий ўсишга эришиб бўлмайди. Амир Темур тартибни ўрната олган. Ўзи айтишича, салтанатнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмасди.

Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида Тадбиркорлик хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъиян риоя қилиш учун тегишли органлар мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида; кичик ва ўрта бизнесни такомиллаштириш, деҳқон-фермер хўжаликларининг молия хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса, ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади. Янги ташкил қилинган кичик ва ўрта бизнесни такомиллаштиришда деҳқон-фермер фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб, иккинчи йил режа асосида текшириш ўтказилмайди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мунтазам назорат қилиб турилади. Бу Амир Темур жорий қилган сиёсатнинг давоми, десак хато бўлмас.

У юргизган иқтисодий сиёсат тамойиллари, энг аввало, «Темур тузуклари» номли асарида, шунингдек, тарихий ва бадиий асарида ўз ифодасини топди. Амир Темур иқтисодиётни ташкил этиш, уни барқарорлаштириш, тартибга солиш, кучли миллий иқтисодиётни юритиш тўғрисида доимо қайғурди. Соҳибқирон ишлаб чиққан иқтисодий тамойиллар узоқ йиллар бутун темурийлар даврида қўлланилди ва ривожлантирилди. Бизнинг асосий хулосамиз Президентимизнинг қуйидаги сўзларида ифодаланиб келади: «Давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб келгусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз».

Зуҳра АБДУРАЗЗОҚОВА.
Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

СТАТИСТИКА

САНОАТИМИЗДАГИ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Газетамизнинг мазкур янги рукнида асосан республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ маълумотларни бериб боришни лозим топдик. Негаки, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, умуман, порлоқ истиқболимиздан дарак берувчи бундайин маълумотлар ҳар бир юртдошимизни қизиқтириши шубҳасиз. Ишончимиз комилки, бу билан сиз мамлакатимиз иқтисодиётидаги ислоҳотларнинг қай даражада самара бераётганини, барча жабҳаларда изчил ўсиш суръатлари борлигини англаб етасиз. Маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитасидан олишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, ҳамдўстлик, дунё мамлакатлари билан боғлиқ турли статистик маълумотлар қизиқтирса, улардан баҳоли қудрат сизни огоҳ этишга ҳаракат қиламиз. Дастлабки маълумотларни эса саноатимизнинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш қувватларидан қай даражада фойдаланаётганимиз билан боғлашни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноатда икки фоизга яқин ўсиш кузатилганини кўриш мумкин. Бунинг замирида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, солиқ юкини камайтириш, корхоналар молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, уларнинг айланма маблағларини ошириш ва аҳолининг реал даромадларини кўпайтиришга эътибор каби омиллар ётади.

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-ярим йили	2007 йилнинг 1-ярим йили
Саноат, жами	**109,7**	**111,6**
Шу жумладан:		
ёқилғи	100,1	112,0
қора металлургия	106,8	110,5
кимё ва нефть-кимё	116,9	120,3
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	119,8	129,5
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз	118,0	125,3
қурилиш материаллари саноати, енгил саноат	111,8	116,4

(фоиз ҳисобида)



ҚАРОР ВА ИЖРО

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ УСТУВОРЛИГИ

Маълумки, Ўзбекистонда ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланиши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларда ўтказилиши муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканлиги дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тарихан қисқа даврда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барча соҳаларда бўлгани сингари суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларда ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари, 2007 йил 29 июнда Сенат томонидан маъқулланган «Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги бундан далолат.

Айниқса, Республикамиз Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонига кўра 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят қонунчилигида ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида муҳим қадам бўлди.

Статистика маълумотларига назар ташласак, ҳозирда 80 дан ортиқ давлатларда ўлим жазоси бекор қилинган, 29 та давлатда қонун билан бундай жазо белгиланган бўлсада, сўнгги 10 йил давомида бирорта ҳолатда ижро этилмаган.

Хусусан, дунёда ўлим жазосидан воз кечаётган давлатлар сафининг йилдан-йилга ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Ҳозирда дунёнинг 69 та давлатида ўлим жазоси сақланиб қолмоқда.

Дарвоқе, Президентимиз томонидан 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармон мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида яна бир муҳим босқич бўлгани шубҳасиз.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш замирида аввало, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлаш ётади. Қабул қилинган қонунга асосан ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Шунингдек, суднинг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ваколатлари кенгайтирилиб, дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестларни кўриб чиқиш ҳуқуқи жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ва уларга тенглаштирилган судларнинг судьяларига берилди.

Алоҳида қайд этиш керакки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимлар киритиш жарёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланишига жиддий ёндашилди. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича ишлар юзасидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси алоҳида ҳолларда қўлланиши назарда тутилган бўлса-да, қонунда бу ҳолатлар аниқ кўрсатилмаган эди. Бу эса, ўз навбатида, «алоҳида ҳолларда» деган тушунчани ҳар хил талқин қилишга ва эҳтиёт чорасини танлаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахснинг субъект фикрига боғлиқлигини келтириб чиқарарди. Бу ҳолатни бартараф этиш мақсадида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини фақат айбланувчи ёки гумонланувчига тергов ва суддан яширинишига шароит яратиб берувчи жиддий асослар мавжуд бўлган бешта ҳолатда қўлланилиши Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасида аниқ белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг судлар ва прокуратура тўғрисидаги қонунларига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши жамиятимизда инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги нечоғли устунлигидан далолатдир.

Гулсумхон ШОДИЕВА.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

1 август куни мамлакатимизнинг барча олий таълим масканларига талабаликка қабул бўйича тест синовлари муваффақиятли ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, фарзандларимизга пухта билим бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланган. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004 – 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бунинг ёрқин мисолидир. Иқтидорли ёшларни олий ўқув юртларига қабул қилишда тест синовидан ўтказиш адолатли ва мақбул усул эканини даврнинг ўзи исботлади.

Бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидаги изчил ислоҳотлар ёшлар ўртасида ўқитувчилик касбига қизиқишнинг ортишида муҳим омил бўлмоқда. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу йил мазкур университетга кириб ўқиш учун ҳар йилгидан кўп – 19 минг 404 нафар абитуриентдан ариза тушгани бунинг яна бир ёрқин исботидир.

Айниқса, миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши, тасвирий санъат, мусиқа таълими йўналиши бўйича таълим олиш истагидаги ёшлар одатдагидан анча кўп. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига кўра мазкур олий таълим даргоҳида дефектология таълим йўналишида ўтган йилдан икки баробар кўп – 150 нафар йигит-қиз таҳсил олади. Шу билан бирга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотига эга бўлган мутахассислар учун махсус сиртқи бўлим ҳам ишлаб турибди.

Бу ерда тест синовларига жиддий тайёргарлик кўрилди – бинолар ва аудиториялар талаблар даражасида жиҳозланиб, малакали вакиллар, кузатувчилар билан таъминланди. Айни пайтда абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун етарли шароит яратилиб, жамоатчилик тартиб-интизомини сақлаш борасидаги барча ишлар ўз вақтида амалга оширилди.

Университет қабул комиссияси масъул котиби Ботир Бойметовнинг маълум қилишича, белгиланган режага кўра абитуриентлар орасидан 2645 нафар йигит-қиз талабаликка қабул қилинади.

Мамлакатимизда аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қутлуғ қадамжоларни тиклаш ва обод этиш, уларнинг бой маънавий меросидан халқимиз, айниқса, ёш авлодни баҳраманд этиш, ушбу соҳада жаҳон андозалари даражасидаги мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши юртимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ишларнинг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди.

Юртимизда маънавий-маърифий соҳага бўлган алоҳида эътибор Тошкент ислом университети фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Ушбу олий таълим даргоҳи дунёвий ҳамда диний билимга эга, давр талабига жавоб бера олувчи мутахассислар тайёрловчи илмий, маърифий-маънавий маскандир. Нафақат мамлакатимиздаги, балки МДҲ маконида етакчи олий таълим муассасаси саналган ушбу университетда буюк аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш орқали ёш авлод қалби ва онгида эзгулик, ҳалоллик, фидойилик каби юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга катта аҳамият қаратилаётир.

Университетда диншунослик, ислом ҳуқуқи, жаҳон иқтисоди ва халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологиялари каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Бу йил бакалавриат йўналишига 777 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлса, режага кўра уларнинг 120 нафари талаба бўлади.

Юртимизда миллий мусиқа санъатимизни тобора равнақ топтириш, бу соҳада умидли ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган Ўзбекистон Давлат консерваториясининг муҳташам биноси бунинг яна бир ёрқин далилидир. Кўрсатилаётган бундай эътибор самараси ўлароқ, ёш мусиқачиларимиз турли нуфузли танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Мазкур олий мусиқа билим даргоҳида ҳам тест синовлари талабларга мос тарзда ўтказилди.

Бу ерда мусиқий таълим, бастакорлик санъати, мусиқашунослик, дирижёрлик, вокал санъати, чолғу ижрочилиги, мусиқа овози режиссёрлиги каби йўналишларда мутахассислар тайёрланади.

– Мен Андижондаги 7-ўрта махсус санъат мактабини тамомлаб, мазкур консерваторияда ўқиш орзусида келдим, – дейди Ҳамиджон Йўлдошев. – Ватанимизда ёшлардаги истеъдод қирраларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилятти. Барпо этилаётган бундай муҳташам таълим, санъат даргоҳларида таълим олишни кўпчилик орзу қилади. Биз, ёшлар бундай ғамхўрликларга муносиб бўлмоғимиз даркор.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 30 майда қабул қилинган 2007-2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги қарорига мувофиқ, бакалавриат йўналишига 51 минг 604 нафар талаба қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра, бу йил мамлакатимиз олий таълим даргоҳларига ёшлардан жами 345 мингдан ортиқ ариза тушган. Бу кўрсаткич ўтган йилдагидан анча кўп бўлиб, бир ўринга олти даъвогар тўғри келади, демакдир. Талабалик эса энг билимли, зукко ва иқтидорли ёшларга насиб этади.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ШЎРОБГА ПОЕЗД КЕЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилаётган Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Хайробод темир йўл қурилиш бекати ишчилари Бойсун туманидаги Шўроб қишлоғи ҳудудида меҳнат қилмоқда. Қурилиш бекати бошлиғи Азамат Донаевнинг таъкидлашича, икки юз нафар темирйўлчи қисқа кунларда рельс ётқизиш ишларини якунлайди.

Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган Шўроб қишлоғида 150 дан ортиқ оила истиқомат қилади. Дарбанд тарафдан баланд қоялар ва чуқур дара бўйлаб келаётган темир йўл шўробликларнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

– Очиғи, қишлоғимизга темир йўл келишини тасаввур ҳам қилолмасдик,– дейди шўроблик нуроний Эгамберди Қодиров. – Юртбошимиз ғамхўрлиги, бунёдкорлар шижоати билан қоя ва адирларни кесиб ўтаётган темир излардан ёшу кекса ҳайратдамиз. Бу йўллар нафақат қишлоқ ва туманимиз, балки мамлакатимиз ободлиги, юрт фаровонлиги, фарзандларимиз келажаги учун хизмат қилиши шубҳасиз.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг Хуррам Мусурмонов бошлиқ 67-кўприк қурилиш отряди Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 17 та кўприкни фойдаланишга топширди. Деҳқонобод туманида баландлиги 47 метр бўлган мураккаб конструкцияли Консой кўприги ҳам отряд қурувчиларининг шижоати билан бунёд этилди.

Темир йўл қурилишида пўлат излар ётқизиш якунлангач, объектни Термиз темир йўл масофаси корхонаси қабул қилиб олади. Айни пайтда корхона ходимлари рельслар ётқизилган участкаларни назоратдан ўтказмоқда. Бир йўла шағал тўкилиб, йўл белгиларини ўрнатиш ва поездларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш чоралари кўрилаётир. Бу тадбирлар 223 километр масофага чўзилган янги темир излар транспорт қатновини тезроқ йўлга қўйиш учун хизмат қилади.

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.

6 АВГУСТ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 6 август куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Елканг ер кўрмасин».
17.45 «Ҳаёт ва қонун».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Уста». Ўзбекистон Қаҳрамони А. Абдуллаев. 1-қисм.
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Юртим кишилари».
19.20 Дунё иқлими.
19,25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси (Туркия).
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Шарқ тароналари».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал премьераси (Корея).
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Мари Лестер». Телесериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Отбеги».
00.30 «Чемпион сирлари».
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.35 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.35 «Жаннатга йўл». Спектакль.
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Болажон».
8.45 «Тасвир ва таассурот».
9.00 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Қутбдан қутбгача».
10.00 «Давр ҳафта ичида».
10.30 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллига: «Абадият онлари».
11.10 «Ҳаёт сўқмоқлари».
11.30 «Сен етим эмассан».
12.50 «Камолот» хабарлари.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Истиқбол тимсоллари».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Томчининг саёҳати». Илмий-оммабоп фильм.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Ватаним!»
16.20 «Якшанба нонуштаси».
16.40 «Journal» (инглиз тилида).
17.00 «Мўъжизавий дунё».
17.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар...»
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «UzEX хабарлари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «UzEX хабарлари».
20.15 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.40 «Матонат».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.25, 20.15 «ТВ-юрист».
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Природа Австралии».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Аферисты Дик и Джейн».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы»
10.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.30 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.55 «Болалар спорти».
11.15 «Ким нимага қодир?»
11.35 Плавание. Открытый чемпионат Парижа.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Локомотив». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.50 «Мусиқий тайм».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «ПрофРИНГ».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол шарҳи.
22.10 «Жди меня».
23.00 На экране драма: «Снежный пирог». Художественный фильм.
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

7 АВГУСТ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 1. «Уйла! Изла! Топ!»
2. «Қундуз амакининг қиссалари».
9.45 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.05 «Самарқанд — 2750».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Мари Лестер». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ғўзаллик оламида».
12.20 «КиноТеатр».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.30 «Интеллектуал ринг».
16.20 «Олов — тилсиз ёв».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 «ИИВ хабарлари».
17.40 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
17.50 «Ҳудуллар ҳаёти».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Марғилон — 2000».
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Уста». Ўзбекистон Қаҳрамони А. Абдуллаев. 2-қисм.
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.10 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки...»
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Мари Лестер». Телесериал.
«O'zbekiston».
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Елканг ер кўрмасин».
00.30 «Бир ўлка-ки...»
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.40 «Ҳаёт суқмоқлари».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Юртим бўйлаб» дастури.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
9.00 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Тоғлар».
9.50 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Интерфутбол».
11.50 «Чемпион сирлари».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Рўйи замин сайқалисан, Самарқанд!»
13.00 «ДАВР».
13.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Севги фаришталари».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Қонун ижроси».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Бунёдкор ёшлар».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Ҳаёл қалби».
10.10, 11.35, 19.25 «ТВ-юрист».
10.35 «Ўйларим».
10.45 «Интервью».
10.55 «Саломат бўлинг».
11.05 «Туризм ҳақида».
11.45 «Аферисты Дик и Джейн».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Природа Австралии».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Автоголы и приколы».
22.50 «Пуленепробиваемый монах».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида)
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Қурувчи».
11.35 -12.20 Плавание. Открытый чемпионат Парижа.
***
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Тет-а-тет».
19.45 «Египетские пирамиды». Документальный фильм.
20.00 «Чужие тайны».

8 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Спотнинг саргузаштлари».
9.55 «ИИВ хабарлари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд — 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Мари Лестер». Телесериал.
12.05 «Ягона оилада».
12.25 «Одамлардан бири».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.30 «Оддий ҳақиқатлар».
16.20 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
16.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 «Эркин иқтисодиёт».
17.45 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Марғилон — 2000».
18.20 «Меҳри дарё». Гулчеҳра Жўраева.
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Йўлдаги суҳбатлар».
22.05 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Мари Лестер». Телесериал.
00.05 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури.
00.25 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
00.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.40 «Меҳри дарё».
03.00 «Ватанпарвар».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мутуғлчаи Бузрук».
05.00 Миллий сериал.
05.35 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
9.00 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Чучук сувлар».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Рўзғор мактаби».
10.50 «Қонун ижроси».
11.00 «ВАТАНПАРВАР».
12.00 «Ҳеч нима ҳақида битиклар...»
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Латофатли Бухоро».
13.00 «ДАВР».
13.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Севги фаришталари».
17.00 «Мўъжизавий дунё».
17.50 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Мурувват».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Ҳимоя».
10.05, 11.20, 19.25 «ТВ-юрист».
10.30 «Ўйларим».
10.40 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.10 «Репортаж».
11.30 «Пуленепробиваемый монах».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Природа Австралии».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Автоголы и приколы».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Голубоглазый Микки».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Спортклуб».
11.00 Белбоғли кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.30 Халқаро спорт: «Теннис».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Путешествия натуралиста».
19.20 Енгил атлетика. Супер гран-при турнири.
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Тет-а-тет».
21.00 «Гейм-Сет-Матч».
21.15 «Спортимиз маликалари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Спортивное кино: «Их собственная лига». Художественный фильм.
22.50, Еврофутбол. Чемпионлар лигаси.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40, 13.45 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 1. «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 1-қисм.
2. «Қундуз амакининг қиссалари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Мари Лестер». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Самарқанд — 2750».
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури «Кўриқхона манзаралари».
12.25 «Меҳри дарё». Гулчеҳра Жўраева.
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. В. Моцарт. «Дон Жуан». 1-қисм.
16.20 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Саҳна ҳаёти». С. Раметова.
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Мари Лестер». Телесериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури.
00.25 «Увайсий». Фильм.
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.35 «Янги кун».
02.35 «Саҳна ҳаёти». С. Раметова.
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Муқаддас қадамжолар».
03.30 «Назм ва наво».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Хатирчи».
05.00 «Тойчоқ». 3-қисм.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
9.00 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Ғорлар».
9.50 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Метёр — соғлик гарови».
10.40 «KINOMANIYA».
11.10 «Шарқ оҳанглари».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Севги фаришталари».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «Сифат белгиси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «Мусиқа салтанати». Маърифий дастур.
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Камер жамоасининг концерти».
10.05, 11.00, 19.25 «ТВ-юрист».
10.10 «Мисли гавҳар».
10.20 «Интервью».
10.55 «Ўйларим».
11.10 «Голубоглазый Микки».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Природа Австралии».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Автоголы и приколы».
22.50 «На связи».
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Возвращение волков». Документальный фильм.
11.10 Белбоғли кураш Ўзбекистон чемпионати.
11.40 «Иқтидор».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Халқ ўйинлари».
19.30 Енгил атлетика. Супер гран-при турнири.
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Шарқ яккакурашлари».
21.10 «Тақдир чизгилари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 На экране детектив: «Неудержимые». Художественный фильм.
23.05 Еврофутбол. Чемпионлар лигаси.
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

10 АВГУСТ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40, 17.15 Олтин мерос.
8.45 «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 2-қисм.
9.40 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд — 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Мари Лестер». Телесериал.
12.05 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили». «Эъзоз».
12.25 «Саҳна ҳаёти». С. Раметова.
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. В. Моцарт. «Дон Жуан». 2-қисм.
16.20 «Йўлдаги суҳбатлар».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 «Саломатлик» дастури.
17.45 «Зомин илҳомлари».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Ҳидоят сари».
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги оҳанглар». Равшан Комилов.
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Мари Лестер». Телесериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Дунё таомлари».
00.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чорток».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.40 «Зомин илҳомлари».
03.00 «Тараннум».
03.50 «Самарқанд — 2750».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Яккабоғ».
05.00 Миллий сериал.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
9.00 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Чўллар».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Интерфутбол».
11.50 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Матонат».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Севги фаришталари».
17.00 «Автопатруль».
17.20 «Бунёдкор ёшлар».
17.40 «Таълим ва тараққиёт».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!» Мультсериал.
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
20.10 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Дунё таомлари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55, 10.50, 19.25 «ТВ-юрист».
10.20 «Ўйларим».
10.30 «Иқтисод-ревю».
10.40 «Интервью».
11.00 «На связи».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Мир животных».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига: «Маърифат фидойилари».
22.50 «В стране женщин».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Ринг».
11.15 «Спорт салтанати».
11.35 «Учрашув». Спорт-шоу.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Стать ближе». Шоу-программа.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 Майкл Дуглас в фильме «Не говори ни слова».
23.40 Формула-1. Венгрия гран-при турнири.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

11 АВГУСТ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.10 «Шифокор қабулида».
9.40 «Мусиқа дунёси».
10.00 «Дидар».
10.20 «Уч бека». Телесериал.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20. Мари Лестер». Телесериал.
12.05 «Заковат».
13.00 «Муҳаббат гўшаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
15.30 «Дил таронаси».
15.40 1. «Уйла! Изла! Топ!»
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.45 «Шахсий фикр».
17.15 «Шўрданак».
17.40 «Оҳанглар оғушида».
17.50 «Саломатлик сирлари».
18.10 «Аёл эрки». Телесериал.
18.40 «Меҳр кўзда».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.00 «КИНОТАҚДИМ».
22.25 «Шерюрак». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.50 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Сени излаб». Бадиий фильм.
00.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Афсонавий Бухоро».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.40 «КИНОТАҚДИМ».
03.05 «Оҳанрабо».
03.45 «Ҳаёт манзаралари».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Ботир Зокиров». Фильм.
05.15 Миллий сериал: «Тойчоқ». 5-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
9.00 «Ер сайёраси» маърифий дастури: «Муз дунёси».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Шляпа кийган мушук».
11.40 «Дилроз» мусиқий дастурида: Дилшод Раҳмонов.
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Радиодан кўрсатамиз!»
13.00 «ДАВР».
13.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.30 «Мўйқалам сеҳри».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 Таътил туҳфаси: «Орзулар камалаги».
17.20 «Бу шундай бўлган эди».
17.40 «Чемпион сирлари».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!» Мультсериал.
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «Каталог».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Эверест». Интеллектуал ток-шоу.
20.10 «Ёшлар қуйлаганда».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Пекин-2008». Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпиа терма жамоаси.
22.00 «ДАВР».
22.50 Жаҳон киноси: «Кабелчи».
00.25 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Пиратские острова».
9.55 «Маърифат фидойилари».
10.10, 11.15 «ТВ-юрист».
10.15 «Саломат бўлинг».
10.25 «Ўйларим».
10.55 «Репортаж».
11.05, 17.55 «Афиша».
11.25 «В стране женщин».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Мысли вслух».
20.20 «Мир животных».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Истеъдод».
22.50 «Кудряшка Сью».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 Мультфильм.
9.20 «Смак».
9.55 «Бўш келманг».
10.30 «Живой мир». Научно-популярный фильм.
11.20 «Нокаут».
11.40 «Жаҳон спорти юлдузлари».
12.00 «Пахтакор — ҳамдўстлик чемпиони».
12.30 «Келин-қуёв». Шоу-дастури.
18.00 «Жасур болалар».
18.30 Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Файзли оилам».
19.15 Фоторевю.
19.35 «Стиль».
19.50 «Мусиқий тайм».
20.05 «Звёздный матч».
20.25 «Антракт».
20.30 «Две звезды».
21.00 SMS-РИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 SMS-комедия.
23.25 Еврофутбол. Германия чемпионати.
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

12 АВГУСТ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 1. «Кулол ва ҳумча». Бадиий фильм.
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
10.30 «Саломатлик сирлари».
10.50 «Уч бека». Телесериал.
11.25 ТВ-анонс.
11.30 «Ҳажвия бисотидан».
11.50 «Минг бир маслаҳат».
12.10 «Денгиздан томчи».
12.40 «КиноТеатр».
13.05 «Муҳаббатнинг мангу қўшиғи». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
14.25 ТВ-анонс.
14.30 «Муҳаббатнинг мангу қўшиғи». Бад

ИСТЕЪДОДГА БОЙДИР ОНА ВАТАНИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлодга эътибор давлат миқёсига кўтарилди. Чунки ёшларимизнинг билим салоҳиятини ошириш, уларнинг ҳар соҳада илғор бўлишлари учун кўмак бериш бу – миллатимиз маънавиятини юксалтиришдек эзгу амалларга хизмат қилади. Шуни фахрифтихор билан айтишимиз мумкинки, бугун ана шундай эътибор туфайли келажагимиз ворислари бўлган ёшлар тадбиркорлик жабҳасида дейсизми, илм-фанда дейсизми, спортдами, санъатдами ўз салоҳиятларини дадил, эркин ва бор маҳорат билан намоён этиш учун чексиз имкониятларга эга бўлишди. Улар орасида спорт, илм-фан ва санъат соҳасида юлдузлар пайдо бўлаяптики, уларнинг номи халқаро миқёсда жаранглamoқда.

Шундай уйғониш қўшиқчилик ва мусиқа санъатига ҳам хос.

Мусиқа – оммавий санъат турларидан биридир. Аввало, шу маънодаки, бу санъат тури ижодкорликнинг энг оммалашган йўналиши ҳисобланади. Шу боис ҳам одамлар онги ва қалбида энг эзгу туйғуларни шакллантириш, уларни хайрли юмушларга даъват этиш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини янада юксалтиришда мусиқа санъати муҳим ўрин тутади. Айнан мана шу муҳим жиҳатлар эътиборга олиниб, мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

Қарорда ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрнига алоҳида эътибор берилди. Зеро, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ирода ва иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мусиқа ва қўшиқчилик санъатини мукаммаллаштиради.

Ёш санъат соҳибларига кўрсатилаётган бундай эътибордан кўзланган яна бир мақсад, уларнинг ижодини асраб-авайлаш ва имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашишдир.

Мана олти йилдирки юртимизда санъат соҳасига дадил қадам қўяётган энг иқтидорли ёшларни ушбу юксак мукофот билан тақдирлаш яхши анъанага айланиб қолган. Ушбу мукофот якка ва туркум мусиқий асарлар яратиш ва ижро этишда юксак маҳорат кўрсатаётган ўттиз ёшгача бўлган ижодкорларга ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни арафасида тантанали равишда топширилмоқда. Ҳозиргача мусиқанинг турли йўналишларида самарали ижод қилиб келаётган етмиш бир нафар истеъдод соҳиблари ана шу мукофот билан тақдирланди.

Совриндорлар орасидаги Иззатилла Иброҳимов, Севара Назархон, Нилуфар Раҳматова, Абдулазиз Каримов, Тоҳир Содиқов, «Се танҳо» гуруҳи хонандалари ҳозирда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлишгани, уларга билдирилган юксак ишончни оқлаётганларидан далолат. Яна хонанда Дияна Зиятдинова ва Фазлиддин Ҳусанов, Дилшод Назаров, Комил Мусаев каби ижрочилар нуфузли халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз довруғини жаҳонга таратаётган бўлса, мақом йўналишида ижод қилаётган Дилнура Қодиржонова 2003 йилда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида бош соврин – Гран прига лойиқ топилди.

– Мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбияси, келажакда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши борасидаги хайрли ишлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани жуда қувонарли,– дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори Дияна Зиятдинова. – Ёшларни рағбатлантириш, уларнинг келгусида янада самарали ижод қилишлари учун барча шароитлар яратилаётгани ана шундай таҳсинга сазовор ишларнинг ёрқин намунасидир. Бунинг учун мамлакатимиз Президентига чин юракдан раҳмат айтамиз. Ҳозир ўз олдимга битта мақсад қўйганман. У ҳам бўлса мустақил юртимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлиш шарафини оқлаш, демак, янги-янги қўшиқлар яратишдан чарчамаслик.

Ғуломжон Ёқубов, Ўзбекистон халқ артисти: – Ёш истеъдод эгаларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан беҳад хурсандман. Чунки истеъдодлигусида албатта азим чинорларга айланади.

2006 йил «Ниҳол» мукофоти Низомига ўзгартириш киритилди ва номзодларни танлаш ва саралаш уч босқичда – туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилиши белгилаб олинди.

Ҳудудлардаги бошқармалар томонидан биринчи ва иккинчи босқич танловлари учун алоҳида комиссиялар тузилиб, фаолият олиб бордилар. Бундан кўзланган мақсад республикамизнинг чекка ҳудудларида яшаб ижод қилаётган истеъдод эгаларининг меҳнат самарасини кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш, уларнинг ижодини тарғиб қилишдир.

Бу йилги саралаш босқичи Низомдаги ўзгартиришларга мувофиқ январь ойидан бошлаб юборилди. Республика кенгаши аъзолари бир неча бор вилоятлардаги таълим муассасалари, маданият уйлари ва бошқа маданий-маърифий муассасаларга ташриф буюришиб, у ердаги ёш ижодкорлар билан учрашувлар ўтказдилар ва уларга зарур тавсиялар, йўл-йўриқлар кўрсатишди.

Жорий йилнинг апрель-май ойларни асраб-авайлаш, уларнинг имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам бериш ҳазилакам гап эмас. Аслида санъаткор учун кўп нарсанинг кераги йўқ. Бир оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтариш кифоя. Менинг назаримда «Ниҳол» мукофоти ёшлар учун жуда катта имкониятлар эшигини очаяпти. Ишонаманки, совриндорлар орасида ўзбек қўшиқчилиги ва мусиқа санъати шуҳрат қўшадиган ажойиб санъаткорлар етишиб чиқади.

Баҳром Қурбонов, кенгаш аъзоси: – Ватанимиз – истеъдодлар юрти. Мана бир неча йилдирки, юртимизда санъат соҳасига дадил қадам қўйиб келаётган энг иқтидорли ёшларни «Ниҳол» мукофоти билан тақдирлаш яхши анъанага айланиб қолган. Ёшлардаги истеъдод қирраларининг янада кенгроқ очилишига имкон берувчи бу мукофот уларни интилишга, изланишга ва олдиларида турган юксак чўққиларни забт этишга ундайди. Ўйлаймизки, давлатимиз эътибори ва халқимиз ардоғида бўлган мана шундай истеъдодли ёшлар, халқона тилда айтганда яхши ниятла парвариш қилинаётган ниҳоллар, келажагимиз соҳиблари ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди.



ТАРАҚҚИЁТ, ФАРОВОНЛИК – БИЗ КЎЗЛАГАН МАРРА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодий соҳадаги илк ислоҳотларимиз миллий бойлигимизнинг кўпайишини, мустақиллигимизни, одамларимизнинг муносиб турмуш тарзини таъминлайдиган қудратли, барқарор ривожланиб борувчи бозор иқтисодиётини шакллантиришдан бошланди. Мулк эгалари ҳуқуқларини ҳимоялаш, умуман, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш йўлида дадил одимлар ташланди. Давлатнинг хўжалик фаолиятига аралашувидан воз кечилди. Хуллас, Президентимиз, давлатимиз раҳбарияти иқтисодиётимизни шакллантириш борасида пухта ўйланган сиёсат юритди. Яъни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзимизга хос йўли ва андозасини танладик.

Бугун, 16 йиллик истиқлол ва истиқбол йўлини ортда қолдираётган эканмиз, ортга назар ташлаб, тараққиётимизнинг ўзбек модели улкан самара бераётганини англаймиз, ҳис қиламиз. Келинг, яхшиси, буни жорий йилнинг олти ойлик якунлари бўйича эришган марраларимиз мисолида кўриб ўтайлик.

Ўтган йилнинг айни шу даврига нисбатан олиб қараганда, мамлакатимизда ички ялпи маҳсулот ҳажми 9,7 фоизга ўсганини кўрамиз. Мутахассисларнинг эътироф этишича, бу хўжалик юритувчи субъектларнинг, аҳоли ва ташқи савдода ҳамкорлар умумий талабининг ўсиши билан боғлиқ экан. Рақамларга қайтадиган бўлсак, саноат ишлаб чиқариши йилнинг ўтган олти ойига нисбатан 11,6 фоизга ўсганини билиш мумкин. Ёки бўлмаса, сармояларни ўзлаштириш масаласини олайлик. Бу борадаги натижа 40,2 фоизни ташкил этмоқда. Демак, бу ҳамкорлар учун қулай ҳуқуқий-меъёрий асосларнинг, шарт-шароитларнинг мавжудлигидан.

Республикамизда қурилиш-бунёдкорлик ишларига кейинги йилларда кенг эътибор берилаётганини кўриб, билиб турибмиз. Буни рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, айнан шу соҳадаги ишлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,5 фоизга кўплигини биламиз. Ортда қолган йил ҳам мамлакатимиз йўл қурилиши соҳасида ўзига хос бурилиш бўлганини яхши эслаймиз. Буни биргина «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг тизимидаги корхоналар томонидан умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида 134 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилганида ҳам кўришимиз мумкин.

Президентимиз 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда нутқ сўзлар экан, одамларда мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, хусусан деҳқонларимизда ерга эгалик ҳиссини шакллантиришга иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётганини, бу эса уларнинг дунёқарашини ўзгартириб, уларда ташаббускорлик, тадбиркорлик фазилатларини намоён этаётганини таъкидлайди. Келинг, шу ўринда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг самарасини жорий йилнинг ортда қолган олти ойлик даври мисолида кўриб ўтайлик.

Маълумотларнинг кўрсатишича, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олиб қарайдиган бўлсак, соҳа ялпи маҳсулоти 5,5 фоизга ўсганини билиб оламиз. Айнан маҳсулотлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, дейлик картошка етиштириш 108,2 ёки бўлмаса, сабзавот экинлари 110,2, полиз маҳсулотлари 114,4, гўшт 106,2 фоизга кўп ишлаб чиқарилганини кўрамиз. Буларнинг замирида юқорида таъкидланган ерга эгалик ҳиссининг шаклланган, қишлоқда мулкдорларнинг янги авлоди пайдо бўлаётгани ётибди. Ёки статистика тили билан айтганда, 2007 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра республикамизда 212,5 мингта фермер хўжаликлари фаолият юритиб, улар 5677 минг гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ширкатлар негизида фермер хўжаликларини ташкил этишдек муҳим жараён мамлакатимизда деярли якунига етиб боряпти.


Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ. Давлатимиз раҳбарияти бу устувор вазифага улкан эътибор қаратмоқда. Бу нималарда акс этади? Дейлик, фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган сиёсатни олайлик. Жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур мақсадлар йўлида амалга оширилган ишларни кўздан кечирайлик. Фермер хўжаликлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича 83 та, минерал ўғитлар билан таъминлаш бўйича эса 94 та пункт ташкил этилган. Ёки бўлмаса, 295 та муқобил МТП, 66 та мини-банк, 223 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси тузилгани ҳам бу борадаги ислоҳотларни жадаллаштиришга хизмат қиляпти. 2120 та қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг асосида бундайин хўжаликларга ажратилгани ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури борасида қилинган ишлар эса чорва маҳсулотларининг миқдори ва сифати янада ошишига хизмат қилаётгани қувонарли.

35 мингтадан ортиқ мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилгани эса бу борадаги дастурни бажаришда, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларни қайта ишловчиларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳа, кўлами кенг бундайин ишлар, ислоҳотларни кузатар экансиз, халқимизнинг янгиланиш ва тараққиёт, фаровон турмуш шароити яратиш йўлидан дадил одимлаётганини ҳис қиламиз. Пировардида фикрларимни Президентимизнинг «...Ана шу юксак марраларга эришиш учун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш, бир сўз билан айтганда, ҳақиқатан ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш учун ўзимизнинг куч-қувват ва ҳаракатларимизни аямаслигимиз керак», деган сўзлари билан якунлашни лозим топдим. Дарҳақиқат, кўзланган бу марраларга эришиш ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз, ҳеч кимга қарам бўлмаслигимизнинг яна бир исботи бўлажак.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



ЧЎЛПОН – МУСИҚИЙ МЕРОСИМИЗ ЖОНКУЯРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар миллатдошларининг Европа ва тараққиёт сари интилаётган Осиё халқларидан ортда қолмасликларини, керак бўлса, олдинги сафларда бўлишларини истаганлар.

Айни чоғда тараққиёт ва ўзгаришлар изидан бориб, миллий, маданий ва маънавий меросни унутмасликка чақирганлар. Миллий меросни сақлаб қолиш, уни жаҳонга олиб чиқиш йўлларини ахтаришган. Шубҳасиз, ўша даврда маданий ва маънавий меросннг узвий бўлаги бўлмиш миллий мусиқа ва чолғу асбобларини чуқур ўрганиш ҳам долзарб масалалардан бири эди.

Зиёлиларнинг фикрича, миллий мусиқий меросни, чолғу асбобларини сақлаб қолиш учун энг аввало, мусиқамизни яхши биладиган, чолғу асбобларини моҳирлик билан ишлата оладиган ижрочиларни халқ ичидан излаб топиш, тарбиялаш, ўз ўрнида уларнинг издошларини етиштиришга эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун мусиқа мактабларини очиш, бир мусиқа мактабида бўлмаган мутахассисни иккинчисига етказиб бериш, куйларимизни нотага олиш, нотани билмайдиган ўқитувчиларга нотани ўргатиш зарур.

Булар билан бир қаторда, миллий мусиқамизни илмий асосда ўрганиш лозим. Шундагина халқнинг орзу-умидларини ифода этган куй ва қўшиқларимизни ўзимиз яхши англашимиз ва бошқаларга ҳам етказиб бера олишимиз мумкин.

Жумладан, Ғулом Зафарий: «... ўлкамизда бор иккитагина Шарқ мусиқий мактабларимиз (бири Бухорода ва бири Тошкентда)ни ёхши йўлга қўйиб, Бухородағисида йўқ устоларни Тошкентдан, Тошкентда йўқларин Бухородан келтириб ишга кирилса, шундагина чолғу-куйларимизнинг тубли ва илмий бўлими ўлимдин қутқозилғон бўлур. Бу муҳим тилакка эришмагимизга катта бир сабаб албатта – маориф камисарлигимизнинг зўр фидокорлиги ва ҳиммати бўлур», деб ёзади "Маориф ва ўқитғувчи" журналида эълон қилинган (1925 йил, 1-сон, 146 -149 бетлар) "Чолғумизни ўлимдан қутқаройлиқ" номли мақоласида.

А.Исматийнинг мазкур йилларда "Маориф ва ўқитғувчи" журналида эълон қилинган «Ҳожи Абдулазиз» номли мақоласи ҳам юқоридаги фикрлар билан давом этган. Хусусан, мақола муаллифи «Ҳожи Абдулазизнинг миллий мусиқамизни бойитишдаги хизматларига баҳо бериб: «Ироқ» ҳавласи аслида кўб қисқа экан, лекин Ҳожи Абдулазиз бунга ўз томонидан "Зиёпари, Хоро, Муҳаййар ва Чоргоҳий муҳаййаралар" отли авжларни қўшиб, Ироқни мукаммаллаштиргандир. Бундан бошқа "Чап андози Ироқ, Бебокча, Абдураҳмонбеги, Талқинча, Қашқарча" дек мақомларға ҳам уфаралар қўшиб, буларни ҳам анча тузаткан. Тағин "Дўстхудойим, Боздоргон, Чап андози наво, Чап андози ушшот" каби ҳавлаларни ихтиро этган. Хулоса, мусиқа йўлида катта хизматлар кўрсатгандир. Шунинг натижасида халқ орасида шуҳрат қозониб, кўбларнинг рағбатини қозонган.

Ҳожи Абдулазиз 1923 чи йилда Самарқанд билим юртида ташкил топғон миллий мусиқа дастасига муаллим бўлиб кирган ва талабалар бу кишидан кўб фойдаланғонлар", дейди ва яна :"Кўбгина эски ҳавлаларимизни ёддан билган қори мусиқачимиз Ҳожи Абдулазиздан тирик вақтида фойдаланиб қолишимиз керак", деган фикрни билдиради.

Юқорида айтилганлар Чўлпоннинг "Базм-чолғи" тўдаси" номли мақоласида («Маориф ва ўқитувчи журнали, 6-сон (18) 33-34-бетлар) ҳам яна бир бор ўз тасдиғини топган. Мақолада янги ташкил қилинган миллий мусиқа дастасининг халқ орасида катта муваффақиятга эришаётганлиги айтилади. Шу билан бирга, бошқа халқларнинг бу борада қилаётган ишларига қиёсланади. Миллий мусиқамизнинг келажагига бефарқлик билан қараётганлар танқид қилинади. Қуйида мазкур мақола тўлиқлигича ҳавола этилмоқда. Уни ўқиб мустақиллик йилларида дунёга қайтадан кўз очган, янада кенг миқёсда тарғиб қилинаётган, миллионларнинг қалбини забт этаётган барҳаёт наволар, мумтоз мусиқа санъатимиз доим авайлаб-асралиши, эъзозланиши кераклигига яна бир бор амин бўласиз, деган умиддамиз.

Жалолиддин ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими.

«Базм-чолғи» тўдаси

Ўзбекистон маориф камисарлиги томонидан давлат базм-чолғи (консирт) тўдаси ташкил қилинмоқчи бўлунуб, бу ишнинг ашулачимиз Муҳитдин қори Яъқубийга топширилғонини газиталарда ўқуб эдик. У тўғрида маориф камисари ўртоқ Мўъмин хўжанинг махсус мақоласини ўқуғоч, у ишга мазкур камисарлик томонидан қандай жиддий аҳамият берилганлигини ҳам ўрганған эдик. Маориф камисарлигимиз, сўнг вақтларда илм-маданият ишларининг бошқа хиллари қаторида энг чекка санъатларга ҳам жиддий аҳамият бера бошладиким, буни кўргач севинмай ва уни олқишламай туролмаймиз.

Бошқа шарқли жумҳуриялар бу йўлда, албатта, биздан кўпрак ишлайлар. Буни ҳам куйиниб, севиниб иқрор қилишқа тўғри келади. Яқинда Татаристон жумҳурияти ўз саҳнасининг 20 йиллиқ байрамини жуда зўр тантаналар билан ўтказди. Байрамдан сўнг Масквага бориб ўйин қилғон тотор давлат драммаси ҳаддан ташқари катта муваффақиятлар қозонди. Масквадаги тоторлар ва бошқа шарқ халқларига эмас, ҳатто шарққа қизиққон овруполилар ҳам чинакам кўнгил қўйдилар. Озарбойжон жумҳурияти ўзининг байрамин мундан бир-икки йил бурун ўтказган эди. Тунав кунгина Озарбойжон маориф камисарлиги томонидан давлат упира артисти "Булбул" ўртоқ қўл остида юборилғон 7-8 кишилик бир чоғли тўдаси Масквнинг Шарқ доираларини анча қўзғалон қилиб кетди. Кечагина яна ўша Озарбойжон маориф камисарлиги томонидан машҳур халқ ҳофизи Саробски (Бу киши Мажнун рулини ўйнаш билан танилган. Изо? Чўлпонники), йўлдошлиғида юборилғон 20-30 кишилик муҳташам бир чоғли тўдаси Сирхулд тиётрида Масквнинг Овруполи қисмини ҳам анча англантирди.

Уч кунга деб тайинланган "Базм-чолғи" (Кансирт)лар яна бир неча уч кунларга чўзилди. Бу сўнғги тўдада Қофқосиё миллатларининг 3 катта шаҳридан вакиллар бор эди: гуржи, арманн, озарбойжонлилардан чоғли тўданинг чинакам уста устози дуқтур Иванисяни эди. Масква газеталарида "Қофқозиё жазбанди" деб, у тўғрида кўпгина нарсалар ёздилар.

Ўшандай бўлғондан кейин маориф камисарлигимизнинг сўнгғи ташаббусини «Ҳали эртарак» деганлар бўлса, уларга "Сиз кеч қолдингиз!" дейишга ҳаммамизнинг ҳаққимиз бордир, албатта!

Мана қаршингизда машҳур Юсуф қизиқ: бири Худоёрхондан қолғон, яна бири кеча-илгари кундан бурунроқ қоплонғон икки катта ноғорани олдиға қўйуб олибдирда, бир қўлида "Так" чўпини уруб, яна бир қўлида «Тум» чўпини кўтариб турадир... Ноғоранинг бир ёнида – ўнг томонида ёлғиз найни жуда аламли лирик қилиб чолғучи Абдулқодир найчи ўлтурадир. Унинг ёнида жумҳуриятимизнинг ҳозирға қадар биргина бўлиб келган ҳунарманд қўшнайчиси ўлтиradир. Унинг исмини айтиб ўлтуриш ҳам лозим эмас, қўқонли қўшнайчи десак, ҳамма биладир. Сўнгра уларнинг ён-бериларида Тўқтосин ғижжакчи, Ҳайит охун танбурчи, Орифхон ва Жўрахон яллачилар, катта ўйинчилардан Отахўжа Муҳаммад, Бобо ҳофиз, унинг йўлдоши Худойберди, ўзбек хотунларидан Туҳафниса, Тожниса, Хончаниса опалар. Ниҳоят, ўнг қўл томонда ҳаммадан четда ўзимизнинг Муҳиддин қори билан Тамарахон (Қамара билан Тамара орасида менимча фарқ йўқ!) ўлтирадирлар.

Ёқиндағина Мухторува хонимнинг "Ашула-базм"ларида Тошкентнинг муҳташам "Кализи"си 2 мартаба тўлуб-тошди.

Ёқинда бизнинг шу базм-чолғи тўдамиз ҳам Фарғонада биринчи базмини қурғон вақтида кўплар хафа бўлуб, сўкиб чиқиб кетдилар. Нимадан хафа бўлуб, кимни сўкдилар: жойнинг торлиғидан хафа бўлуб, жойни тор солғонларни сўкдилар... Кечгача Ўзбекистон марказ ижроқумининг Самарқандда бўлғон тўртинчи ёлпи мажлисида тўданинг биринчи чиқиши бўлди. Жумҳуриятнинг катта-кичик эранлари ҳаммаси бор эди. Ҳаддан ташқари кўб қилиниб тузулган прогром ҳич кимни тўйдирмади. Ҳамма баробар, ҳамма бир тилак билан олқишлади. Йўлдошбой акам чидамидилар, чиқиб сўзладилар, хурсандлик билдирдилар. Демак, кўплар хурсанд бўлғон! Фирқа марказқўмининг масъул саркотиби ўртоқ Ивонуф қизиб-қизиб Юсуф қизиқни чақирар эди. Юсуф қизиқ чиқмади. Чиқмас эмишда. Чунки бу бизнинг тарихимизнинг тадқиқиға алоқадор (этнўгрофи) тўда эмиш. Мен Юсуфжонни, унинг ўткир ҳажвли – почти (шу сўз матнда асли русча ёзилган-Ж.Ж.) доҳиёна гапларини жуда яхши кўрсам-да, тўданинг асосига қарши бўлғум келмайдир. Чинакам бизнинг чолғимиз йўқолиб кетишдан сақланмоғи лозим. Куйларимиз унитилиш ва бузилишдан асралмаги даркор. Кўпдан бери даркор бўлғон бутун кеч бўлса-да тузулибдир. Ёшасун, ёшасун! Бизнинг кутқан тилакларимизни берсун!

Бизнинг вазифамиз – ўшаларни тор бурчаклардан кенг майдонларга олиб чиқиш, ўсдириш, парвариш қилиш, тарбия бериш-дир. Ижтимоий ҳудудлар ичида парвариш топотурғон боланинг ижтимоий ҳодисаларга бегона қолиши мумкинми? Йўқ! Демак, бу куннинг вазифаси ўша қари болани парвариш қилмоқ!..

ЧЎЛПОН.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

ЮРТИМ КЎКСИДАГИ ГАВҲАР

Президентимизнинг 2005 йил ноябрдаги Қарорига ҳамда халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО нинг қарорларига кўра Марғилон шаҳри 2000 йиллик тўйини тантана қилишини яхши биламиз. Ўзбегимда тўйга тўёна деган гап бор. Айни кунларда Марғилоннинг, марғилоникларнинг бунёдкорлик, яратиш ишқи билан ёниб яшашаётганида буни яққол ҳис қилиш мумкин.



Масалан, шаҳарда қад ростлаб, кўркига кўрк қўшиб турган «Ёшлик» ёпиқ сув спорти мажмуасини олайлик. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 180 нафар киши спорт билан шуғулланиши учун имконият бор. Шуни таъкидлаш лозимки, мажмуа сув тозаловчи ва иситувчи замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Қолаверса, бу ерда гимнастика ва машғулотлар учун алоҳида заллар, тиббиёт хонаси, лаборатория мавжуд. Хуллас, бир сўз билан айтганда, замон талабларига мос. Маълумот учун шуни қўшимча қилиш керакки, илгари сув спорти билан шуғулланишни исташган марғилонлик ёшлар Қиргулидаги очиқ бассейнга қатнашларига тўғри келарди. Энди эса ана шундайин улкан имкониятлари бор. Муҳими яқинда ишга туширилган мазкур ёпиқ сув спорти мажмуасида йил давомида шуғулланиш мумкин. Бу эзгу иш баркамол авлодни тарбиялашдаги орзуларимизга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Юртбошимиз ўтган йилнинг сентябрида шаҳарга қилган ташрифида турар жойларда аҳоли учун яратилаётган шарт-шароитлар билан қизиққанди ва уларни янада яхшилаш борасида тегишли йўл-йўриқлар берганди. Ўтган қисқа вақт давомида Марғилонда бир қанча турар жой уйлари бунёд этилди. «Адрас» дея номланган янги меҳмонхонада зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шу ўринда Марғилон ҳунармандлари борасида ҳам маълумот бериб ўтайлик. Негаки, қадим-қадимдан бу шаҳар ўзининг ҳунармандчилиги билан дунёга машҳур бўлиб келган. «Ҳунарманд» уюшмаси Марғилон ҳудудий бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартда чиқарган "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан шаҳар ҳокимининг қарори билан фаолият тасарруфига Марғилон, Фарғона, Қувасой, Қува шаҳарлари, Тошлоқ, Ёзёвон, Охунбобоев, Қува, Фарғона туманлари киритган. Мазкур уюшмага Наримжон Шодиев раҳбарлик қилмоқда. Шаҳарда, вилоятда, водийда ўз ишининг моҳир усталари ҳисобланган Абдулҳамид Абдужабборов, Турғунбой Мирзааҳмедов, Фазлиддин Дадажонов, Солижон Аҳмадалиев, Адолатхон Гуломова, Собир Шокиров, Султонали Ҳошимов, Оллоёрхон Исахановдан иборат бадиий кенгаш тузилди. Бу таниқли усталар ёрдамида уста ҳунармандлар ичида кенг тармоқли тушунтириш ишлари олиб борилди. 1998 йилдан буён "Ҳунарманд" уюшмасининг саъйи ҳаракати билан "Ташаббус" кўрик-танловларида барча аъзо бўлганларнинг иштироки таъмин этилмоқда. «Ҳунарманд» уюшмаси Марғилон ҳудудий бўлими 1998 йилда «Ёдгорлик» корхонаси билан биргаликда Буюк Британия давлати билан шартнома тузиб, уста ҳунармандларнинг махсус буюртма асосида иши ташкил қилингани ҳам эътирофга сазовор.

Бир сўз билан айтганда, икки минг йиллик тарихдан сўзлаб турган Марғилон истиқлол сабаб юртимиз кўксидаги ноёб гавҳардек қайта чирой очмоқда.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Марказий офицерлар саройида Республика оммавий ахборот воситаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси ёритилиши масалалари ва мазкур йўналишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ журналистларни рағбатлантиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарияти томонидан Қуролли Кучларда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар натижасида бугунги кунда ҳарбий хизмат сўзда эмас, амалда нуфузли, шарафли ва обрў-эътиборли касбга айланиб бораётир.

Кечаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тарғиб-ташвиқ этишда, мамлакатимиз мудофаа қудратини, салоҳиятини кучайтиришда табиийки, оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйини кенг тантана қилишга қизғин ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда, аввало матбуот, радио-телевидениемиз, маданиятимиз ва санъатимиз намояндалари, ижодкор зиёлилар янада фаоллик кўрсатиб, истиқлол меваси бўлган миллий армиямизни, унда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларни таъсирчан воситалар орқали халқимизга, ёшларимизга кенг тарғиб қилиши мақсадга мувофиқлиги тадбирда алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги директори ўринбосари Ў.Жўраев, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Гуломов, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги директори ўринбосари Қ.Очилов, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси А.Абдуқаххоровлар иштирок этишди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини ҳарбий ватанпарварлик мавзуини ёритишдаги фаолликлари учун Мудофаа вазирининг буйруғига биноан рағбатлантирди.

Ўз мухбиримиз.

ҚИШ МАВСУМИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Маълумки, Ватан ҳимоячиларининг доимо жанговар шай ҳолатда, тетик ва бақувват бўлишларига кўплаб омиллар таъсир этади. Шулардан бири озиқ-овқат таъминотидир. Шу ўринда юрт посбонлари кундалик овқатланиш рациони турли витамин ва минераллар билан бойитилиб, таомлар қувватлилик даражасини белгилашда ҳарбийлар фаолияти, иқлимимизнинг ўзига хослиги ҳамда кун давомида киши организмида сарфланувчи калориялардан келиб чиқишини эътироф этиш жоиз. Демак, ҳарбий либос соҳибларига давлатимиз раҳбарияти томонидан қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик намунасини ҳар куни Ватан ҳимоячилари дастурхонида ҳам кўришимиз мумкин.



Бошқа хизмат турлари сингари таъминот хизмати вакилларининг ҳам фаолиятини баҳолашда мавсумий тайёргарлик ишлари муҳим аҳамият касб этади. Ёз фаслининг деярли икки ойи ортда қолиб, кузнинг эса тобора яқинлашиб келаётганини инобатга олсак, бу масаланинг долзарблигини янада ҳис этамиз. Мудофаа вазирлиги Қишлоқ хўжалиги бошқармаси масъул ходимлари билан суҳбатлашгач, мавсумий тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилгани ҳақидаги маълумотларни олдик. Аниқроқ қилиб айтганда, картошка, сабзи, бодринг, карам, труп ва шолғом сингари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган миқдор ва муддатларгача қиш мавсумига ғамлаш, ҳосилдорликни ошириш, шахсий таркибни мева ва сабзавотлар билан таъминлаш, маҳсулотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш жойларини тайёрлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган режа асосида олиб борилмоқда.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат таъминоти бошқармасининг бозор қонуниятларидан асосийси – талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда иш юритиши қувонарли ҳол, албатта. Яъни, гарнизон ва округларнинг картошка, сабзавот ва мевалар, тузланган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари турли маҳсулотлар етиштириш миқдорини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Дарвоқе, полиз экинлари ва меваларни етиштиришда уларнинг нави ва етилиш муддатлари, сақланишга мўлжалланган давр, албатта ҳисобга олинади.

Картошка, карам, сабзи, қовоқ, шолғом, помидор ва бодринг сингари маҳсулотлар, меваларни етиштириш, ҳосилни несибуд қилмай йиғиштириш ҳамда жойларга етказиш ишининг машаққатини билиш учун миришкор бўлиш шарт эмас. Аслида бу – юқоридаги маҳсулотларнинг ҳарбийлар дастурхонига тортиқ этилишигача бўлган жараённинг бир қисми. Демоқчиманки, куну тун парваришлаш, жон куйдириш ва тинимсиз меҳнат натижаси – ҳосилни сақлаш, тўғри сақлай билиш ҳам жуда муҳим жиҳатдир. Айнан шунинг учун ҳам етиштирилган полиз экинлари ва меваларни жойларга етказишдан олдин маҳсулотларни сақлаш хоналари, ишлов бериш ва тузлаш пунктлари, тарқатиш майдончалари ва бостирмаларнинг, яъни, ҳарбий қисмлар озиқ-овқат таъминоти хизмати моддий-техник базаларининг тайёргарлик даражаси, уларнинг йўриқнома ва тегишли ҳужжатларда белгиланган талабларга, санитария-гигиена қоидаларига жавоб бериши обдон текширилади.

Эртанги кунга – қиш мавсумига бугунданоқ пухта ҳозирлик кўраётган соҳа мутахассисларига: «Ҳормanглар!», деб қоламиз.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

Аҳоли муҳофазаси–муҳим мезон

АХБОРОТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛСА

Фавқулодда вазиятлар, хусусан зилзилаларнинг олдини олиш, уларни олдиндан башоратлаш мониторингини ўрганиш, бу борада жаҳон тажрибасини, уларнинг илғор ютуқларини таҳлил қилишга бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқармалари раҳбарлари, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг "Сейсмология" институти ходимлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг "Аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш" бўлими ходимлари, Тошкент вилояти ҳокимлиги мутасаддилари иштирок этишди.

Анжуман давомида нафақат зилзила, балки мамлакатимиз ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган бошқа яъни сув тошқини, ер кўчиши каби офатларнинг содир бўлиш эҳтимоллари, уларни келтириб чиқараётган омиллар таҳлил этилди. Офатларни олдини олиш борасида ишлаб чиқилган тажрибаларни амалиётга қўллаш, бунда айниқса дунё мамлакатлари тажрибасини ўрганиш бўйича таклифлар киритилди. Соҳа вакилларининг ўтказган тадқиқотлари, илмий изланишлари ҳақида ҳам сўз борди. Муҳими шундаки, илмий амалий анжуман давомида мамлакатимизда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни ўрганиш бўйича марказлашган ахборот тизимини яратиш зарурлиги ҳақида таклифлар берилди. Таъкидлаш лозимки, бундайин марказлашган ахборот тизимининг яратилиши фавқулодда вазиятларни олдиндан башоратлаш, аниқлашда муҳим омил бўлади.

Умида ҲАСАНОВА.

Шифокор маслаҳати

ЗАҲАРЛИ ҲАШОРАТЛАРДАН САҚЛАНИНГ

Заҳарли ҳашоратларга чаён, қорақурт ва бошқа ўргимчаксимонлар киради. Бузоқбошидан ташқари барча заҳарли ўргимчакларда заҳар ишлаб чиқарувчи безлар мавжуд ва улар чаққанда жароҳат ўрнидаги юмшоқ тўқималар побуд бўлади ва заҳар сўрилиши натижасида тана ва марказий нерв тизими қисман ўзгаришга учрайди.



ҚОРАҚУРТ ўргимчаксимонлар ичида энг каттаси ва энг заҳарлиси ҳисобланиб, урғочисининг узунлиги 2 сантиметргача етиши мумкин. Қора рангда бўлганлиги учун уни халқ тилида "Қора бева" деб ҳам аташади. У асосан чўл жойларда, жарликларда, дарё ва ариқ бўйларида ва кемирувчиларнинг инларида кўп учрайди. Йилнинг ёз фасли бошланиши ва ўрталарида – кўчиш вақтида жуда хавфли бўлади. Айниқса тунда тажовузкордир. Кундузи эса бехосдан босиб олганда ёки хашак (ўт) билан бирга ушлаб олганда ҳужум қилади. Унинг заҳари шақилдоқ илонникидан ҳам кўп маротаба кучли ҳисобланади. Нафақат одамни, ҳатто йирик сут эмизувчилар, яъни туя ва отни ҳам ўлдиради. Агарда одамга ўз вақтида (икки кун ичида) ёрдам кўрсатилмаса ўлимга олиб келади.

Ушбу ҳашорат чаққан жойда аввал қизил доғ пайдо бўлади, кейин эса заҳар организмга таъсир этиб, умумий безовталик, қўрқув, жароҳат атрофида юмшоқ тўқималарнинг шишиши кузатилади. Жабрланувчи куйдирувчи оғриқ сезади, тезда (бир соат давомида) кучли бош оғриғи безовта қилиб, юрак тез уради, нафас олиш қийинлашади, қайт қилади, уйқу босади. Тана уюшиб, юрак уриш тезлиги бузилади. Оғир ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатилмаса тўсатдан нафас олиши тўхташи ҳам мумкин.

Қорақурт чаққанда дарҳол тананинг жароҳат етган қисми ҳаракатсизлигини таъминлаш лозим. Бунинг учун шиналардан ёки тахтача, шох, таёқ, рейкалардан фойдаланиш, жароҳатланган жойни тананинг соғлом қисмига маҳкам боғлаш керак. (Кўлни рўмол билан тирсакдан букилган ҳолда боғлаб ҳаракатсиз ҳолга келтирилади).

Жароҳатланган одамни зудлик билан даволаш муассасасига олиб бориш зарур. У ерда эса беморга қорақуртга қарши зардоб юборилади. Беморга илиқ ванна қабул қилиш ва кўп миқдорда суюқлик ичиш ҳам фойда беради.

Заҳарли ҳашоратлар чақишининг олдини олиш учун уларнинг тунги фаоллигини ҳисобга олган ҳолда дала ўқув машғулотларида маълум қоидаларга амал қилиш талаб этилади.

Биринчидан, аскарлар палаткаларининг пастки, ерга тегиб турган қисмини тупроқ билан кўмиш, ухлаш қопларини яхшилаб ўраб қўйиш,ётишдан олдин эса атрофни, чойшабни яхшилаб кўздан кечириш, эрталаб уйқудан турганидан кейин эса кийим-кечак ва пойабзалларни тез ҳаракатлар билан силкитиб қоқиш зарур.

ЧАЁН кўпинча қишлоқларда, ғиштли биноларнинг ёриқларида, ташландиқ жойларда, чордеворларда, эски қурилишларда, тошлар тагида, айрим ҳолларда эса кийим-кечак бурмаларида, пойабзал ичида ва мебель тирқишларида ҳаёт кечиради. Тунда фаол бўлади. Унинг гажак думи яраловчи орган ҳисобланади. Заҳари марказий нерв ва юрак-томир тизимига таъсир кўрсатади.

Ундан сақланиш учун қаровсиз биноларга иложи борича эҳтиёткорлик билан кириш, очиқ далада юрганда этик ёки қўнжи баланд оёқ кийимларда юриш тавсия этилади.

Биринчи ёрдам кўрсатилаётганда чаён чақкан жойга грелка қўйиш, иссиқ ванна қабул қилиш ва беморга илиқ таомлар бериш даркор. Шунингдек, жароҳатга чала ёндириб ўчирилган гугурт чўпи ёки учи тўмтоқ металли қиздириб икки дақиқа давомида босиб туриш керак. Ана ўшанда иссиқ таъсирида тери орасидаги ҳали сўрилиб улгурмаган заҳар парчаланади.

Шунингдек заҳарли ўргимчаксимонлар чаққан жой юқори қисмидан қаттиқ сиқиб боғлаб қўйилади ва заҳар сўриб ташланади. Нашатир спиртида ювилади. Сўнг жароҳатга муз халтачаси ёки совуқ бойлам қўйилади. Беморга қайноқ чой бериш тавсия этилади. Жароҳат жойига янги узилган момоқаймоқ ўтини босиб боғлаш ҳам яхши фойда беради.

Бўғимоёқлилар чаққан тана қисми маҳкамланиб ҳаракатсиз ҳолатга келтирилади ва зудлик билан даволаш муассасасига олиб борилади.

АРИ. Айниқса, қишлоқ жойларида ҳар хил арисимонлар одамларни чақиш ҳолатлари кўп учрайди. Арисимонлар ичида энг тажовузкори қовоғари, сариқ оддий дала ариси ва баъзи ҳолларда асаларилар ҳисобланади. Асосан ари-лар одамларга ҳужум қилишади, уларнинг уйи ва инларига тўсатдан тегилганда ёки уяси яқинига бориб, ҳаракат қилганда эса тажовузкор бўлишади.

Ари чаққанда энг оғриқли жой албатта оғиз бўшлиғидир. Бунда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати куйишиб, оғриқ, шиш ва қизариш пайдо бўлади. Умуман, ари чаққанда инсон организмида қуйидаги ўзгаришлар: енгил бош айланиши, чанқаш, қайт қилиш, ҳолсизлик ва ҳароратнинг кўтарилиши, танада шиш пайдо бўлиши мумкин. Арилар заҳрига ўта сезгир бўлганда эса танада эшак еми тошади, юрак тез уриб, тана қалтирайди, ҳатто одам ҳушини йўқотиши мумкин.

Баъзан эса арисимонларнинг қандай тури чақишидан қатъи назар организмда ҳеч қандай ўзгариш кузатилмайди.

Арилар чаққанда биринчи навбатда танадан унинг нишини олиб ташлаб,жароҳат ўрни метил спирти, 40 фоизли спирт ёки одеколон билан тозаланади. Оғриқ қолдирувчи восита сифатида музли халтачадан фойдаланилади.

Агар ари оғиз-халқум қисмини чаққан бўлса, беморни иложи борича тезроқ даволаш-профилактика масканига олиб бориш керак, чунки юмшоқ тўқималар тез шишиши оқибатида унда бўғилиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Сариқ дала ариси чаққанда, ниши олиб ташлангач, шу жойга саримсоқпиёз суви билан намланган боғлам қўйиш ёки саримсоқпиёз бўлагини суртиш тавсия этилади. Бундан ташқари янги узилган петрушка ўтини босиб боғлаш ёки хом картошка бўлаги ҳам яхши самара беради.

Тиббий хизмат капитани Бобомурод ТЎРАЕВ.


МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Боевики обстреляли электростанцию



Боевикам группировки «Фатх аль-Ислам» в Ливане удалось оставить без электричества большую территорию страны, они обстреляли ракетами электростанцию «Deir Amar». В результате обстрела эта электростанция, которая находится на севере страны, вышла из строя, передает Reuters.

Исчезли автоматы



В Ираке бесследно исчезли 190 тысяч единиц оружия, включая 100 тысяч автоматов Калашникова и 80 тысяч пистолетов, которые Пентагон передал вооруженным силам и силам безопасности Ирака, говорится в распространенном в Вашингтоне докладе исследовательской службы Конгресса США.

Укрепление сил безопасности



США окажут финансовую поддержку властям Палестинской национальной автономии (ПНА) в размере 80 миллионов долларов на укрепление палестинских сил безопасности, сообщает РИА Новости. Госсекретарь США Кондолиза Райс и глава правительства ПНА Салям Фаяд подписали соответствующее соглашение.

На Японию надвигается тайфун



В Японии три человека получили тяжелые ранения в префектуре Миядзаки на юге острова Кюсю, на который надвигается мощный тайфун «Usagi» (Кролик). Все эти люди были сбиты сильными порывами ветра и получили переломы. На юге Кюсю из-за обрыва проводов без электроэнергии в шести населенных пунктах оказались около 4400 домов. Из-за тайфуна в Японии отменено около 140 авиарейсов, что нарушило планы почти 15 тысяч человек.

Исследуется дно в районе Северного полюса




Российские и зарубежные исследователи погрузили два глубоководных обитаемых аппарата «Мир» на дно Северного Ледовитого океана (около 4 км), передает РИА Новости. На дне батискафы пробыли около часа. За это время были взяты пробы грунта в точке полюса, и водой наполнены две 30-литровых емкости для исследований. Одновременно проведены фото- и киносъемки шельфа. Проведены визуальные наблюдения через иллюминаторы батискафов.

Новый рекорд цены на нефть



1 августа котировки фьючерсов на американскую легкую нефть побили все рекорды, достигнув 78,73 доллара за баррель. Эксперты уверены, что и в долгосрочной перспективе нефть дешеветь не будет. По подсчетам Международного энергетического агентства, среднегодовой рост добычи в странах, не входящих в ОПЕК, составит в 2007–2012 гг. лишь 1%, а большинство членов картеля работают почти на пределе возможностей.

Шесть лет без сознания



В США после шести лет «состояния минимального сознания» пришел в себя 38-летний мужчина. Имя пациента не называется по требованию его семьи, пишет «Газета GZT.ru». Мужчина, который после мозговой травмы в течение шести лет общался с окружающими, реагируя на их реплики только еле заметным движением глаз или большого пальца руки, вновь может говорить после того, как в его мозг были имплантированы стимулирующие электроды. У 38-летнего пациента также восстановилась способность жевать и глотать.

Возвращение античных произведений



Музей Гетти в Калифорнии вернет Италии 40 античных произведений искусства, среди которых есть статуя Афродиты, являющаяся римской копией греческой скульптуры. Однако, согласно принятому решению, Афродита останется в экспозиции Гетти-центра до 2010 года, в то время как другие произведения античного искусства вернутся в Италию уже в ближайшее время.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

СПОРТНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

Посбонларнинг жанговар қобилиятини оширишда спортнинг ўрни ниҳоятда катта. Шу боис, бугун миллий армиямизда спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда сафлардаги йигитлар машғулотлардан бўш пайтларида ҳарбий қисм ҳудудида жойлашган спорт шаҳарчасида ёки замонавий тренажёрларга эга бўлган спорт залида чиниқишади. Бунинг учун эса ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ҳамда ҳарбий муассасаларда барча шароитлар яратилгани эса бу борадаги ишларнинг доимо мувофиқлаштириб борилишини кўрсатади. Офицер Бахтиёр Ходжаев хизмат қилаётган ҳарбий қисмдамиз. Бу ерда посбонларнинг жисмонан баркамол бўлиб, жанговарлик қудратини ошириши учун яратилаётган имкониятлар билан қизиққанимизда офицер Илҳом Мамажонов бизни ҳарбий қисмнинг спорт залига олиб борди. Кенг, ёруғ залдаги спорт анжомларини кузатарканман, суҳбатдошим:

– Бир пайтнинг ўзида бу ерда посбонлар 5-6 хил спорт тури билан шуғулланишлари ёки 10 дан ортиқ спорт тренажёрларида машқ қилишлари мумкин, – дея диққатимни ўзига тортди.

Дарҳақиқат, спорт залида шунқорларнинг шуғулланишлари учун қулай шароит мавжуд. Залнинг бир бурчагида йигитлар кураш, каратэ, дзюдо спорт турлари билан шуғулланишлари учун гилам тўшаб қўйилган.

– Спорт ўғлонларнинг кундалик эҳтиёжига айланган, – дейди офицер Мамажонов. – Улар бу ерда ҳатто катта мусобақаларга ҳам тайёргарлик кўришади. Яқинда округда қўл жанги бўйича ўтказилган мусобақада катта лейтенант Шуҳрат Ҳақбердиев бошчилигидаги ҳарбий жамоамиз ўғлонлари юқори кўрсаткични қўлга киритиб қайтишди. Бу каби мусобақаларда оддий аскарлар ҳам фаол иштирок этиб, юқори поғоналарни эгалламоқда. Мана шундай спортчи посбонлар сирасига оддий аскарлар – Мақсуд Ҳайитов, Дониёр Мирзаев, Мерос Аметовларни киритишимиз мумкин.

ЧЕМПИОН НОМИГА МУНОСИБ

Ўқув мавсуми машғулотларида юқори натижаларга эришиб келаётган оддий аскар Мақсуд Ҳайитовнинг спорт бўйича эришган ютуқлари ҳам мақтовга лойиқдир. Муддатли хизматини якунлаш арафасида турган йигит хизмати давомида ҳарбийлар ўртасида уюштирилган бир қатор мусобақаларда иштирок этиб, ўз маҳоратини намойиш этди.

– Тўққиз ёшимдан бери каратэ билан шуғулланаман, – дейди Мақсуд. – Ушбу спорт турига қизиқишимда устозим Дониёр аканинг ҳиссаси катта. Андижон туманидаги кичкина спорт клубида кўплаб ёшларга шарқ якка курашининг энг нозик сирларини мукаммал ўргатиб келаётган бу меҳридарё инсон менга ҳам акалардек ғамхўрлик қилиб, ўз билимларини ўргатди. Устозимнинг менга берган сабоқлари бесамар кетмади. Ўн бир, ўн беш, ўн етти ёшларимда ёшлар ўртасида каратэ бўйича вилоят биринчилигида олтин медални қўлга киритдим. 2002 йил пойтахтдаги «ЖАР» спорт мажмуасида ёшлар ўртасида бўлиб ўтган республика биринчилигида иштирок этиб, учинчи ўринни эгалладим. Хизматга келмасимдан аввал у ерда шуғулланаолмасам керак, дея хавотирланган эдим. Хато ўйлаган эканман. Ҳарбий қисмимизда спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар муҳайё.

Мақсуд машғулотдан бўш вақтларида доимо спорт клубига ошиқади. У бу ерда каратэдан ташқари тренажёрларда ҳам шуғулланади. Айниқса, йигит хизмати давомида тажрибали офицер Шуҳрат Ҳақбердиевдан қўл жанги бўйича янги-янги билимларни ўрганди. У жорий йил июнь ойида округ миқёсида ўтказилган мусобақада муваффақиятли иштирок этди. Баҳсларда муросасиз кураш олиб борган оддий аскар устозининг ўзига билдирган ишончини оқлаб, совриндорлар қаторидан жой олди.

Айни пайтда Мақсуд ўз тажрибаларини қуролдош ўртоқлари Лочин Каримов, Мерос Аметовларга ҳам ўргатиб келмоқда.

Спортнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ҳатто спорт билан мунтазам шуғулланиши туфайли миллий армиямиз сафида посбонлар жанговар шайлигини ошириб, хизматдошларига ҳам намуна бўлишмоқда.

Холида БЕКНАЗАРОВА.

МОЛОДЫМ ПРЕДОСТАВЛЯЕТСЯ ШАНС



Рядовым срочной службы из ТВОКУ Баходиру Мамаджанову, Фарруху Мадаминову и Бекзоду Юнусову, находящимся в резерве боксеров МХСК на поездку в Хайдарабад (Индия), вполне может выпасть честь участвовать в соревнованиях столь высокого международного уровня.

Дело в том, что старший лейтенант Дильшод Махмудов, рядовые по контракту Бекзод Хидиров и Туляшбай Данияров, служащие Вооруженных Сил Эльшод Расулов, Шерзод Абдурахманов и Жасур Матчанов могут попасть в состав национальной сборной для участия в чемпионате мира по боксу, который будет проходить в США.

– Для страны чемпионат мира все же важнее, – говорит старший тренер МХСК майор У.Сиддиков. – Ведь там будут разыграны лицензии на право участия в Олимпийских играх 2008 года. Думаем, что и ближайшие конкуренты также повезут в Индию вторые номера. Поэтому возлагаем большие надежды на наш резерв, который тоже имеет хороший опыт международной соревновательной практики.

Например, рядовой Баходир Мамаджанов является мастером спорта международного класса, чемпионом Азии 2005 года, победителем ряда международных турниров, чемпионом Узбекистана 2007 года в весе до 60 кг. В сборной страны его главным конкурентом является одноклубник рядовой по контракту Туляшбай Данияров.

У рядового Фарруха Мадаминова пока титулов поменьше – он чемпион Узбекистана 2007 года в весе до 81 кг, победитель Международного турнира в Актау (Казахстан), член сборной страны, мастер спорта.

Очень сильная замена и в весе до 69 килограммов – рядовой Бекзод Юнусов является мастером спорта международного класса, чемпионом Азии 2006 года, чемпионом Узбекистана 2007 года. Следует отметить, что командование ТВОКУ, где эти воины-спортсмены проходят срочную службу, проявляет большое понимание важности их качественной подготовки к главному для военных спортсменов соревнованию четырехлетия. Им созданы оптимальные условия для участия в тренировках на базе МХСК, выездов на учебно-тренировочные сборы.

Верится, что в отсутствие первых номеров молодые боксеры МХСК блестяще используют свой шанс во весь голос заявить о себе.

Майор Анвар ИЛЬЯСОВ.

На снимке: **рядовые Б.Мамаджанов и Ф. Мадаминов.**

Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Идет смотр спортивно-массовой работы

«МОТОУКЧИ» ПРЕТЕНДУЕТ НА ЛИДЕРСТВО

Воинский коллектив части, где начальником физической подготовки и спорта капитан Ахрор Мукимов, принимает самое активное участие в мероприятиях проводимого в войсках Министерства обороны смотра спортивно-массовой работы. Например, футбольная команда «Мотоукчи» пока реально претендует на победу в первенстве военного округа.

В последнем туре футболисты команды «Мотоукчи» принимали на своем поле одного из своих ближайших преследователей. Соперники, в случае гостевой победы, были готовы до максимума сократить отставание от лидера. Однако сенсации не случилось, нулевая ничья закрепила лидирующие позиции хозяев стадиона.

Среди лучших игроков армейской дружины следует отметить младшего сержанта Бердиера Абдуллаева, забившего шесть мячей в ворота соперников, рядового Бекзода Холмирзаева, отметившегося тремя голами, надежную игру голкипера капитана Джобира Мухсинова, сохранившего в последнем матче свои ворота «сухими».

Уроженец Наманганской области рядовой Бекзод Холмирзаев обрадовался, когда в период прохождения срочной службы у него появилась такая прекрасная возможность поддерживать спортивную форму, участвуя в первенстве округа. А рядовой Акбар Таджимов из Нукуса только готовится защищать честь своего нового коллектива на чемпионате округа по волейболу. Чемпион Каракалпакстана очень надеется внести достойный вклад в победу.

Кстати, совсем недавно армейская семья проводила в резерв еще одного посланца Каракалпакстана. Рядовой Нурбек Худояров, как выпускник высшего учебного заведения, отслужил девять месяцев и отправился к родным пенатам. Чемпион Узбекистана по борьбе кураш увозил с собой не только добрую память о воинском братстве, но и медаль чемпиона округа в весе до 70 килограммов.

Лидеру команды части по легкой атлетике рядовому Хуршиду Мамаджанову прощание с коллективом предстоит уже этой осенью. Парень из кишлака Пахтаабад Булокбошинского района Андижанской области служит добросовестно, и уже сегодня он – явный кандидат на получение Рекомендации на право льготного поступления в ВОУ страны, да и «Харбий спортчи» на груди неоднократного призера первенств округа по кроссу будет явным подтверждением его высоких устремлений и ярких побед. Таким образом, молодым людям, уже имеющим определенные достижения в спорте, армия дает возможность развивать свои таланты, а для остальных наличие рядом таких спортсменов становится отличным стимулом к работе над собой, вырабатывает тягу к здоровому образу жизни.

Майор Баходир УТАНОВ.

УЛАР ЙЎЛЛАНМА СОҲИБИ

Шу кунларда дунё бўйлаб 2008 йил Хитой пойтахти Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиадага йўлланмалар олиш учун спорт баҳслари давом этмоқда. Ҳозиргача ҳамюртларимиздан олти нафар спортчи Пекин–2008 йўлланмаларини қўлга киритишди.

Улар енгил атлетикачиларимиздан Виталий Смирнов (Италияда бўлиб ўтган турнирда йўлланма соҳиби бўлган), Гўзал Хуббиева, Светлана Радзивил, Надия Дусанова. Шунингдек, сузиш бўйича Санкт-Петербург шаҳрида ўтган Россия очиқ чемпионатида сузувчиларимиздан Ирина Шлемова ва Пётр Ромашкинлар Пекин йўлланмаси соҳибига айланишди.

Яккама-якка кураш турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби терма жамоалари ҳам Пекин – 2008 йўлланмаларини қўлга киритиш учун қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Кикбоксинг

ШАХРИСАБЗ ЖДЕТ СПОРТСМЕНОВ

Одним из знаменательных событий должен стать чемпионат Узбекистана среди профессионалов, который пройдет 19 августа в городе Шахрисабзе. Соревнования будут посвящены памяти Неъмата Исмаилова – мецената спорта, активного общественного деятеля. Чемпионат будет проходить в пяти весовых категориях: 60 кг, 63,5 кг, 67 кг, 71 кг, 75 кг. Инициатором проведения чемпионата выступил Аскарали Ибодов, который является президентом Федерации кикбоксинга Кашкадарьинской области.

– Наша цель, – говорит руководитель областной федерации, – показать, что кикбоксинг на самом деле – искусство, дошедшее до нас из глубины веков. Более того, этот чемпионат станет стартовым в борьбе за чемпионский пояс.

Таэквон-до

КУБОК АЗИИ – В ТАШКЕНТЕ

Не успела столица «остынуть» от недавних показательных выступлений сборной по таэквон-до WTF Южной Кореи, как Ташкент вновь станет центром международного внимания. 21 – 23 сентября пройдет первый открытый Кубок Азии. Организатором выступают Федерация традиционного таэквон-до Узбекистана, Министерство по делам культуры и спорта, а также Центр восточных единоборств и боевых искусств. Соревнования соберут лучших спортсменов стран Азии и Европы. Сейчас наша сборная активно готовится к Кубку под руководством старшего тренера Николая Югая, обладателя 5-го дана.

Аброр ЕСХОДЖАЕВ.

Футбол. Осиё кубоги – 2007

БАҲСЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Жануби-шарқий Осиёнинг тўрт давлатида ўтказилган XIV қитъа чемпионати баҳслари ҳам кўз очиб-юмгунча ўз ниҳоясига етди. Кўп сонли футбол мутахассислари ва мухлислар ўтказилган учрашувларни катта қизиқиш билан томоша қилдилар ва бу галги мусобақалар аввалгиларга қараганда жуда қизиқарли ўтгани ҳамда кутилмаган натижаларга бой бўлганини эътироф этдилар. Гарчи чорак финалда баъзи сабабларга кўра мағлубиятга учраган бўлсалар-да, ўзбекистонлик футболчилар мутахассисларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлишди ва ҳужумкор жамоавий ўйинлари билан мухлислар ишончини оқлашди. ОФК президенти Муҳаммад Бин Ҳаммам юртдошларимиз комбинацион, тезкор футбол намойиш этганликларини таъкидлаб ўтгани ҳам юқоридаги фикримизни исботлайди.

Мусобақанинг сўнгги учрашувларига тўхталадиган бўлсак, кўпчилик томонидан финалда ўзаро учрашишлари кутилган Япония ва Жанубий Корея терма жамоалари ярим финалда рақибларидан мағлубиятга учраб, фақат 3-ўрин учун ўтказилган ўйинда баҳс олиб боришди. Японияликларнинг бироз устунлиги остида ўтган ўйиннинг асосий ва қўшимча вақтларида ҳисоб очилмади. Пенальтилар сериясида эса омад кореяликларга кулиб боқди (6:5) ва улар бронза медаллари соҳибига айланишди.

Финалда эса Саудия Арабистони ва чемпионат кашфиёти деб эътироф этилган Ироқ терма жамоалари учрашди. Ўз тарихида биринчи марта бундай нуфузли мусобақа финалига чиққан ироқлик футболчилар уч карра қитъа чемпионлигига эришган саудияликларга қарши ажойиб ўйин намойиш этишди ва рақибларига ҳеч қандай имкон қолдиришмади. Ўйиннинг 72-дақиқасида ироқликлар сардори Юнус Маҳмуд томонидан киритилган ягона тўп учрашув тақдирини ҳал қилди ва Ироқ терма жамоаси Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Финал учрашуви ўтказилган куни Осиё футбол конфедерациясининг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Унда навбатдаги Осиё чемпионати 2011 йилда Қатар мамлакатида ўтказилиши эълон қилинди. Бундан ташқари, юртимиз футбол мухлислари кўнглига бироз таскин берувчи хабар ҳам айтиб ўтилди. Яъни, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасида ўтказилган чорак финал ўйинида қўпол хатога йўл қўйиб, М.Шацких томонидан киритилган ҳақ-қоний голни ҳисобламаган сингапурлик ён чизиқ ҳаками дисквалификация қилингани маълум бўлди.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Атлетический клуб будущего воина


РАЗВИВАЕМ ТРАПЕЦИЕВИДНЫЕ МЫШЦЫ

ПОЖИМАНИЯ ПЛЕЧАМИ (ШРАГИ) (со штангой или гантелями)

Наверное, каждый молодой человек, будь он допризывник или призывник, хочет стать сильным, атлетического телосложения воином. Вот почему на страницах газеты «Ватанпарвар» по просьбе читателей открывается новая рубрика под названием «Атлетический клуб будущего воина». Под этой рубрикой будут регулярно даваться рекомендации и советы, как правильно выполнять различные атлетические упражнения, чтобы стать сильным и выносливым воином.

Выполнение пожиманий со штангой

Пожимания плечами (шраги) со штангой – превосходное упражнение для развития трапециевидных мышц. Также в этом упражнении участвуют дельтовидные мышцы, шея и мышцы верхней части спины.Возьмитесь за гриф штанги хватом сверху. Руки вытянуты вниз. Кисти примерно на ширине плеч, как показано. Руки держите по сторонам корпуса и, напрягая также мышцы плечевого пояса, делайте пожимания плечами, поднимая их как можно выше, словно вы хотите коснуться собственных ушей. Медленно опускайте гриф, возвращаясь в исходное положение. Данное упражнение может также выполняться с гантелями.



СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Чирчиқ шаҳрида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари анъанавий фестивали бўлиб ўтди.

Уч кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари ўзлари тайёрлаган миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини намойиш этдилар. Шу билан бирга, томошабинлар фольклор этнографик гуруҳлар, бахши ва дорбозларнинг чиқишларига гувоҳ бўлишди. Фестиваль доирасида «Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари» мавзусида илмий-амалий анжуман ҳам уюштирилди.

Фестивалнинг бош совриниГран при Бухоро вилояти жамоасига берилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолибларга совғалар топширилди.

●

Завершился турнир по бадминтону за Кубок «Камолота», собравший в столице подростков Андижанской, Сурхандарьинской областей и Ташкента.

Среди юных спортсменов, самым старшим из которых было по шестнадцать лет, безусловными фаворитами были представители Ташкента и Андижана, занявшие в итоге первое и второе места в командном зачете.

Отличную игру ташкентцы продемонстрировали в одиночном и парном разрядах. Среди юношей победу одержал Тимур Каримов. Сильнейшей была признана Согдиана Ходжиниязова, искусно обыгравшая в финале Сурайе Ахмаджанову из Андижана. В смешанном разряде безусловными лидерами стали Эмиль Миргалаутдинов и Согдиана Ходжиниязова.

Победителям были вручены дипломы и медали. Главная награда – Кубок «Камолота» – по праву досталась ташкентским спортсменам.

●

Куни кеча Болгариянинг Варна шаҳрида каратэ бўйича Жаҳон кубоги баҳслари ниҳоясига етди.

Унда Алишер Содиқов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этиб, ҳамюртларимиз 7 та олтин, 8 та кумуш ва 7 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Умумякунда терма жамоамиз 28 та давлат ўртасида 3-ўриндан жой олишди.

●

Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида ёзги биатлон бўйича навбатдаги Осиё чемпионати якунланди.

Унда мамлакатимиз спортчилари жами 13 та медаль соҳиби бўлишди. Жумладан, Руслан Носиров 3 та олтин ва бир кумуш, Зарема Мамедова бир олтин ва кумуш, Анузар Юнусов 3 та кумуш, Дилафрўз Имомҳусанова икки бронза, Мурод Ҳожибоев ва Жамшид Тиллаевлар биттадан кумуш медалга сазовор бўлдилар.

●

Халқаро бокс ассоциацияси (WBA) июль ойининг энг кучли боксчилари рейтингини эълон қилди.

Рўйхатнинг биринчи погонасида ҳамюртимиз, ушбу йўналишнинг ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони Руслан Чагаев бормоқда. Иккинчи ўринни россиялик собиқ жаҳон чемпиони Николай Валуев эгаллаб турибди. Шунингдек, беларуслик Сергей Ляхович ва америкалик Жон Руиз ҳам рўйхатнинг юқори погоналаридан жой олишган.

Халқаро бокс ташкилоти (WBO)да ҳам июль ойи рейтинги эълон қилинди. Ўзбекистонлик боксчилар Қаҳрамон Орзиқулов (51,2 кг.) ва Қувончбек Тойғонбоев (69,8 кг.) чемпионлик учун жанг ўтказиш ҳуқуқини берувчи ўринларга тобора яқинлашиб бормоқда. Рейтингда Қаҳрамон бешинчи, Қувончбек эса олтинчи ўринда қайд этилган.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ – ҚУДРАТЛИ

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади», дейди Президентимиз. Таъбир жоиз бўлса, бу фикр мамлакатимизда мазкур йўналишда юритилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттиради.

Дарҳақиқат, баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишдек устувор мақсад, ниятни миллий истиқлол мафкурасининг муҳим йўналишларидан бири сифатида қабул қилдик. Соғлом авлод халқимиз келажаги, соғлом авлод эртамизнинг муносиб давомчилари эканлигини англаб, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ бу масалага устувор эътибор қаратиб келинмоқда. Мустақиллик йилларида баркамол авлод тарбияси йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бераётгани бугун ҳар биримизни қувонтирмоқда, руҳлантирмоқда.




Бугун мактабда фарзандларимиз «Умид ниҳоллари» мусобақаси ёрдамида камолга етяпти, лицей, коллежларимизда «Баркамол авлод» ўйинлари воситасида улғайишмоқда, институт, университетларимиз талабалари эса «Универсиада» номли мусобақа орқали янада камол топишмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан асос солинган бу уч босқичли тизим бугун ҳар томонлама шаклланган. Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича икки йилда бир бора ўтказиладиган Умумармия ўйинларини эса мазкур эзгу ишнинг узвий бир давоми сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Кейинги йилларда болалар спортининг ривожланишига устувор аҳамият қаратилаётгани замирида ҳам эзгу мақсадларимиз мужассам. Жойларда ҳар йили кўплаб замонавий спорт мажмуалари бунёд этилмоқда. Ёшларимизни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилянпти. Бир сўз билан айтганда, дунёга Ўзбекистон сўзини баралла айтаётган, номимизни байроқ қилиб баланд кўтараётган машҳур спортчилар – Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Рустам Қосимжонов, Артур Григорянлар етишиб чиқаётганида кўрамиз, баркамол авлод тарбиясидаги орзуларимиз меваларини!


















Абитуриент – 2007

ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

1 август куни республикамиздаги барча олий ўқув юртларида ўзи орзу қилган, меҳр қўйган касб эгаси бўлиш ниятида ихтисослиги бўйича ҳужжат топширган ёшларимиз давлат тест синовларни топширишди.



«Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъият билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан келажак авлодимиз бўлмиш ёшларга катта эътибор берилиб, юртимизда уларнинг ўқиб-ўрганишлари, яхши касб эгаси бўлишлари учун, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд, ҳақиқий ватанпарвар ва соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар учун ҳам бир қатор имтиёзлар берилган. Булардан бири хизматини намунали ўтаганлиги учун бериладиган тавсиянома бўлса, яна бири республикамиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришда бепул таълим асосидаги тайёрлов курсларидир.

Мана шундай имкониятдан унумли фойдаланаётган йигитлардан бири сурхондарёлик Чори Сариевдир. Чори муддатли ҳарбий хизматни намунали ва муносиб ўтаганлиги боис хизматдан тавсиянома билан қайтди. Ҳаёт мактабида ҳар томонлама тобланиб, чиниқиб қайтган йигитнинг яна бир катта орзуси бу – ўзи танлаган касби бўйича мутахассислик дипломига эга бўлиш. Шу мақсадда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тайёрлов курсида таълим олиб, тест синовларига жиддий тайёргарлик кўрди. У ҳужжатларини ушбу билим масканининг чақириққа қадар ёшларни тайёрлаш ва жисмоний тарбия факультетига топширди. Тест синовидан яхши кайфиятда чиққан йигитни суҳбатга чорладик.

– Муддатли ҳарбий хизмат менинг ҳаётимда катта ўрин тутди, – дейди у. – Хизматда жуда кўп нарсани ўргандим, англадим. Ҳам маънан, ҳам жисмонан ҳар томонлама тобландим, чиниқдим. Шу боис бўлса керак, биринчи босқич ижодий имтиҳонларини муваффақиятли топширдим. Ҳукуматимиз бизни хизматдан қайтганимиздан сўнг ҳам эътиборсиз қолдиргани йўқ. Хизматдан намунали хизматим туфайли тавсиянома билан қайтдим. Берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, махсус тайёрлов курсида бепул таълим олдим. Биз ёшларга шундай имкониятлар берилган экан, булардан имкон қадар фойдаланиб, ўз порлоқ келажагимизни яратишимиз ва юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур, деб биламан.

Шундай эзгу мақсадли йигитлардан яна бири абитуриент Абдулазиз Юлдошев ўз фикрини қуйидагича изоҳлади:

– Армия мени ҳақиқий эр йигит қилиб тарбиялади. Билакларим кучга тўлди, дунёқарашим янада кенгайди. Хизматдан тавсиянома билан қайтдим. Орзуим иқтисод соҳасида фаолият юритишдир. Куни кеча тест синовларини топширдим. Унга қадар Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги бепул тайёрлов курсида таълим олдим. Ҳатто бизга дарсдан ташқари қўшимча машғулотлар ҳам олиб борилди. Ахир бундай имкониятдан фойдаланмасдан бўладими?

Тест синовларидан кўтаринки кайфиятда чиққан абитуриентлардан – Рустам Олимов, Рашид Муҳиддинов, Жалол Холжигитов, Элдор Ҳасановлар ҳам юқоридаги фикрларга қўшилиб, армия сафларида олган билимларининг қанчалик фойда бераётганини алоҳида таъкидлаб, ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдиришди. Аждодларга муносиб авлод бўлиб, Ватанимизнинг янада гуллаб яшнашига ўз ҳиссаларини қўшиш ниятида эканликларини таъкидлаб ўтишди.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

ҲАР КУН ЎТМОҚДА СОЗ

– Бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим, ўйнаб кулдим, хуллас, маза қилиб дам олдим, – дейди Нигора Сайдивалиева. Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» соғломлаштириш оромгоҳида ушбу қиз сингари ҳордиқ чиқарган кўплаб болажонлар юқоридагидек фикрни билдириши турган гап.

– Ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчилари фарзандлари учун оромгоҳимизда яратилган шарт-шароитлар юртимизнинг бошқа дам олиш масканларидан асло қолишмайди, – дейди мамнуният билан «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Людмила Васьковская. – Айни пайтда эса масканимизда ёзги мавсумнинг сўнгги сменаси фаолият кўрсатмоқда.

Людмила Николаевнанинг таъкидлашича, Мудофаа вазирлиги, хусусан, округ қўмондонлигининг бевосита назорати ва ёрдами сабаб, йилдан-йилга оромгоҳда дам олиш сифати, шароитлар яхшиланмоқда.

Демак, сўлим маскан биноларини тўлиқ таъмирлаш, маиший техника ва жиҳозлар билан таъминлаш, турли тўгаракларни ташкил этиш ва спорт мусобақаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш натижаси ўлароқ ҳар бир ўғил-қизнинг куни қизиқарли ва унутилмас тарзда ўтмоқда, оромгоҳда.

Шу ўринда, бу йилги мавсум олдингиларидан яна нимаси билан фарқ қилмоқда, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Мен эса, ушбу савол билан «Тонг»да кўнгилли ҳордиқ чиқараётган ўғил-қизларга мурожаат қилдим. Ёш суҳбатдошларимнинг билдирган фикрларидан англадимки, эндиликда интеллектуал ўйинларни қўпайтиришга, спорт мусобақалари ва турли тадбирларни янада қизиқарлироқ тарзда ўтказишга, болажонларда етакчилик қобилиятини шакллантиришга ва жамоат ишларида фаоллигини оширишга катта эътибор берилган.

Дарвоқе, турли тадбирлар ҳақида гап кетаркан, уларнинг қизиқарли, мазмунли ўтишида тарбиячиларнинг пухта ҳозирлиги муҳим роль ўйнайди. Гуруҳдаги ўғил-қизларга у ёки бу вазифани топширишда ҳар бир дам олувчининг ички имкониятлари ва характерини, дунёқарашини билиш лозимлигини улар ҳеч қачон унутмайдилар. Шунинг учун ҳам болажонлар ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда қобилият ва билимлари, кучларини тўлақонли намойиш қила оладилар.

Жамоавий спорт мусобақаларида дам олувчилар нафақат жисмонан чиниқадилар, балки улар орасида ўзаро дўстлик, меҳр-оқибат янада мустаҳкамланади. Шунингдек, ирода ва матонат, руҳий куч ўз сўзини айтади бу ерда.

«Тонг» ҳудудини тарк этарканман, саф тортиб келаётган болажонлар эътиборимни тортди. Билсам, улар тоққа чиқиб қайтишаётган экан. Юзларида қувонч, шоду хуррамлик, мамнуният акс этаётган ёш альпинистларни кўриб, янада кайфиятим кўтарилди. Бегубор болаликни бундай оромгоҳларда ўтказаётган, ўлкамизнинг сўлим гўшаларида ёшлик гаштини сураётган болажонларга ҳавас қилмай бўладими, ахир.

Катта лейтенант
Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.

ЎН САККИЗГА КИРМАГАН КИМ БОР

ИШҚ ДАРДИДАН ЧОРАСИЗ ТАБИБ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Ошиқлик дарди бемисл оғир дард экан. Ибн Сино муҳаббатнинг севинчу изтироблари ҳаммага ҳам бирдек насиб этавермаслигини билади. Ишқ туйғуси ноёб туйғу эрур. Дунёда муҳаббатсиз кишилар кўп. Уларнинг ҳаёти нурсиз. Ишқсизлар ҳаёт лаззатларидан маҳрумдирлар. Гўзаллик, нафосат уларга бегонадир.

...Амир Мансур бедаво дардга йўлиқди. Уни бирон-бир табиб даволай олмади. Ниҳоят, Амирга ибн Сино деган ёш табиб борлигини айтишади. Амирни ёш табиб тузатади. Шунда табибдан тилак сўралганда, у кутубхонадан фойдаланишга рухсат сўрайди. Бу тилак амалга оширилади. Амир тузалгач, яна маишатга берилиб кетади ва оқибат касалликка чалинади. Мамлакатдан путур кетади. Ёғий бостириб келиб, Амир Мансурнинг икки кўзи ўйиб олинади. Кутубхонанинг кули кўкка совурилади. Амир Мансур ўрнига бошқаси сайланади. Бироқ у ҳам амирликни эплай олмайди. Саройда фитна бошланади. Шундан сўнг салтанат яна таназзулга юз тутади. Мамлакатни қорахонийлар босиб олади. Босқинчилар аввал отаси, сўнгра онаси ўлдирилган Санамни банди қилиб, олиб кетишади. Ибн Сино эса бош олиб Хоразмга, дўсти ал-Беруний ҳузурига кетишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, ҳар иккала севишган қалблар бир умрга мажбурий ажраладилар.

Санамни олиб кетган суворий уни ўзига никоҳлаб олмоқчи бўлади. Бироқ Санам бунга рози бўлмайди. Қиз барча қийноқларга чидайди. Ҳаттоки, уни хонга тортиқ қилмоқчи бўлишади. Санам эса бундай қилмасликларини илтижо қилади. Шундай кунларнинг бирида суворий оғир касалликка гирифтор бўлади. Санам инсонийлик юзасидан уни парваришлайди, дардига малҳам бўлади. Бу билан у суворийнинг ҳурматини қозонади. Санамдан суворий тилагини сўраганида, қиз Бухорога – уйига бориб келишга рухсат сўрайди. Йигит ўзи олиб бориб келишга рози бўлади. Санам Бухорога келиб, ўз уйларини топади, аммо уйлари бегоналар қўлига ўтган эди. Қиз ибн Синонинг қўшнисига бир мактуб қолдиради ва уни машҳур табибга бериб қўйишни илтимос қилади. Ўзи эса яна қайтиб кетади. Узоқ айрилиқ, азоб-уқубатлардан ўртанган қалблар бу сафар ҳам бир-бирининг висолига етишолмайди.

Жаҳолатга ботган амалдорлар, амиру аъёнлар ибн Синога жуда кўп маломат тошларини отдилар. Уни мунтазам таъқиб қилишар, машҳурлигидан ўз мақсадларида фойдаланмоқчи бўлишарди. Бироқ буюк табиб буларга парво қилмас, ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб бўлса-да, шоҳ асарларини битарди. У бир муддат бўлсада, ўз севгилисини унутмади. Аммо муҳожирлик, доимий тазйиқлар машҳур табиб соғлигига путур етказмасдан қолмади. Ибн Сино оғир бетоб бўлиб қолди. Шундай қийин пайтда ҳам Санамни эслади. Шунда шогирдларидан бири «Қўшнингиз ал-Барқийга бир аёл мактуб қолдирибди, у эса сизни излаб тополмабди», деб айтди. Ибн Сино «Исми не экан?», дея сўради. Санам эмасми, ҳа худди ўша. Шогирди, борсам албатта олиб келурман, дея сўз берди...

Ибн Сино бу оламни тарк этаётиб шогирди Қора Туркка шундай васият қилган экан: «Менга қара, азизим, сенга илтижойим шулки, Бухорога бориб, қандай бўлмасин, ҳаттоки ер остидан бўлса ҳам ўша ожизани топурсан, англадингму? Бу иш фақат сенинг қўлингдан келур. Эшитиб ол, бокиранинг исми Санам эди. Бухоролик Масъуд қандолатпазнинг қизи эди. Мен унга уйланмоқчи эдим. Афсус, тақдир экан, насиб этмади. Мана бу ҳамёндаги тиллоларни ол, бутун бойлигимни шу аёлга берурсан. Мендан салом айт, дегилки, мен уни жон-дилдан севар эдим... уқдингму, севардим...»

Буюк табибнинг сўнгги васияти амалга оширилди. Ибн Синонинг вафот этганлиги Санамга етказилди.

...Бухоро кўчаларида бир телбанамо аёл пайдо бўлиб қолди. Одамлар ақлдан озган бўлса-да бу аёлни ҳайдамас, унга ачиниб кўзларига ёш оларди. Негаки... негаки, телба аёл инсонлар қалбидан аллақачон жой олган буюк табиб – ибн Сино ҳақида тўқилган турли ривоятларни сўзларди. Қаердандир олган тилло буюмларини дуч келганга улашарди. Вале ҳеч кимса аёлнинг исми Санам эканлигин билавермасди...

Инсониятнинг ҳар қандай дардига малҳам топган, бироқ ўзининг қалб оғриғига илож тополмаган буюк табибнинг муҳаббати ана шундай ниҳоясланганди.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.



ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Рукнимизнинг бу галги гўзали – сочлари сунбул, тишлари садаф Гулноза Чинниқуловадир. У кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрида, зиёли оиласида туғилиб вояга етган. Гулнозанинг ҳаётдаги шиори: «Олдинга қўйилган мақсадга ҳамиша эришиш». Тўрт йилдан буён Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида ҳарбийлар орасида ишлаб, мардлик, жасурлик, бир сўзлилик, вафодорлик, садоқатлилик каби хислатларини қадрлаб келаётган бу гўзал қизнинг орзу-умидлари бисёрдир. Куй-қўшиқ тинглаш унинг жону дили бўлса, спортнинг муай-тай ва сузиш турлари севимли машғулотидир. Бўш вақтларида яқин инсонлари билан гўзал ва хушҳаво жойларда сайр қилишни ёқтиради.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Сенинг фойдангга хизмат қилганки нарса дўстингдир. Унга хиёнат қилмаслик керак. Бирозгина ранги кетса ёки ёқаси чоки сўтилса, йиллар давомида тугунларда хор бўлиб юрадиган кийимлар бизга ноизолик айтиб ётади. Яхши аёллар кийимларидан бутун нарсалар яратиб, кўзни қувонтирадилар. Кимдир эса бутун кийимларни кераксизга чиқариб, ташлаб қўяётир. Кийим ҳам неъмат, унинг исроф бўлиши – гуноҳ. Акасининг кийимидан укасига бир нарса ясаб бериш мумкин. Кўчалик бўлмаса уйлик кийим бўлар. Кийишга яроқсиз бўлса, рўзорга буюм қилиш мумкин. Қолаверса, шу уринишлар баҳонасида қўл ҳам игна-қайчи ушлашга мослашиб боради! Игна ишлата билиш эса аёлликнинг фарзидир. Сен моддиян бикир бўлишинг ва бундай эплама буюмларга эҳтиёжинг бўлмаслиги мумкин. Аммо бу ерда гап пулни тежаш ҳақида эмас, ўз пайтида ҳуснингга ҳуси қўшган, кўнглингни кўтарган, не-не кунларингга гувоҳ бўлган дўстинг – кийимнинг ҳурмати ҳақида кетаётир.

Турсуной СОДИҚОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Проверяйте любую полученную информацию. Неординарная идея способна дать толчок. Вам просто необходимо проявить активность в профессиональной сфере.

ТЕЛЕЦ

Не допускайте агрессии и злости. Постарайтесь смягчать накал страстей и переключайте внимание окружающих на приятные мысли. Вас ожидает хорошая информация.

БЛИЗНЕЦЫ

Лучше не планировать ничего серьезного. Реально оцените свои возможности. Тщательно следите за развитием ситуации на работе. Не отказывайтесь от вечеринки.

РАК

Неделю стоит посвятить решению семейных проблем. Уделите внимание детям. Постарайтесь отказаться от любых поездок и не пускайте в дом посторонних людей.

ЛЕВ

Наладятся дела на работе. Желательно призвать на помощь все ваши дипломатические способности. Возможно интересное деловое предложение. Вас подстерегают ловушки и опасности.

ДЕВА

Вы можете проявить небывалую активность. Возрастут одновременно и ваши запросы, и требования по отношению к себе. Успешнее всего пойдут дела, связанные с деловым партнерством.

ВЕСЫ

Могут обостриться вопросы карьеры и власти, но коллектив вас поддержит. Не бойтесь принимать важные решения. Вы почувствуете, что необходимы начальству и сотрудникам.

СКОРПИОН

Вам понадобятся такие качества, как спокойствие, разумность и выдержка. Нежелательна легкомысленность в общении. Постарайтесь также ничего не обещать без необходимости.

СТРЕЛЕЦ

Постарайтесь пересилить лень и справиться с плохим настроением. Ваше трудолюбие не пропадет зря, а будет оценено начальством. Постарайтесь проявить инициативу в творчестве.

КОЗЕРОГ

Постарайтесь выполнить работу своевременно. Ваше трудолюбие будет замечено и оценено по достоинству. На этой неделе большинство планов осуществится.

ВОДОЛЕЙ

Старайтесь не накапливать текущие дела. Будьте внимательнее. Удачны поездки и командировки. Желательно не ссориться с начальством. Решатся карьерные вопросы.

РЫБЫ

Попробуйте сосредоточиться на текущей работе. Не спешите искать новую сферу приложения своих трудовых ресурсов. Новые знакомства будут на редкость конструктивными.

МУҲАРРАМ ИБРОҲИМОВА ИБРОҲИМОВА

ГУЛ УНДИРАР ҲАР БИР ЁҒОЧДА

Халқ яратган қадриятлар битмас-тугунмас бойлик ҳисобланади. Шу боисдан ҳам улар йиллар давомида, авлодлар ворислиги туфайли сайқал топиб ривожланиб келмоқда. Ўзбекнинг ўзига хос тарихга, ажойиб анъаналарга эга бўлган ёғоч ўймакорлиги санъати ҳам ана шу босқичларни ва неча-неча тўсиқларни енгиб ўтиб то бугунги кунгача етиб келган. Бунда халқимиз орасида шаклланган устоз-шогирдлик удуми катта аҳамият касб этганлиги сир эмас. Аслида ёғоч ўймакорлиги энг ноёб, жуда мураккаб, меҳнатталаб ҳунарлар сирасига киради, десак янглишмаймиз. Бу касбни танлаган инсондан энг аввало кучли хоҳиш-истак билан бир қаторда сабр-бардош, матонат ҳам талаб этилади. Саҳифамиз орқали сизга таништирмоқчи бўлганимиз анъанавий ёғоч ўймакорлиги санъатининг моҳир усталаридан бири, Республика бадиий академияси ва «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Муҳаррам Иброҳимовадир.



Муҳаррам опа Тошкент шаҳрининг Чақар маҳалласида ёғоч ўймакорларининг саркори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ниғмат Иброҳимов ва Машкура Қосимоваларнинг хонадонида таваллуд топди. Инсоннинг бирор касб-корни танлашида туғилиб ўсган оиласининг ўрни катта бўлади, дейишади. Бу оиладаги муҳит ва шарт-шароит ушбу хонадонда камол топаётган тўққиз нафар фарзандга ҳам ўз таъсирини ўтказди ва шунинг натижасида уларнинг барчаси эл ардоғидаги қўли гул усталар бўлиб етишишди.

– Болалигимиздан отам яратган амалий санъат асарларини кўриб улғайдик, – дейди Муҳаррам Иброҳимова.– Мен ушбу санъат тури билан беш ёшимдан бери шуғулланаман.Ўша пайтда ёш бўлсам ҳам ёғоч бўлакчаларига ўзимча нақшлар чизиб ўярдим. Ёшим улғайгач эса ҳар бир нақш устида жиддийроқ ишлай бошладим. Ўн беш ёшда ушбу санъат турининг сир-асрорларидан бохабар устага айландим. Шундан буён ота-боболаримизнинг анъаналарини давом эттириб келаяпман. Мана бу буюмларнинг ҳаммасини ўз қўлларим билан яратганман.

Уй тўрига териб қўйилган хилма-хил буюмларни томоша қиламан–эшиклар, жовон, саккиз, тўрт рахли стол ва курсилар, лавҳлар, ўйма лаган, кўзалар, қовоқдон ва упадонлар… Ҳар бирига ўзига хос, юксак дид билан нақш солинган.

–Аёл киши учун ёғоч ўймакорлиги соҳасида фаолият юритиш қийин эмасми?

– Тўғрисини айтсам, қийин. Лекин мен олдиндан асосан тайёр ёғочга гул ўйганман. Ёшлигимда ёғочларни ало-ҳида бўлакларга бўлиш ва уларни силлиқ ҳолга келтириш ишларини отам бажарарди. Ҳозир эса турмуш ўртоғим ва фарзандларим амалга оширади. Раҳматли отам ҳам бу ҳунарнинг ана шу қийинчиликларини ўйлаб бир куни менга шундай деган эди: «Қизим энди сен бўш вақтларингда бемалол мустақил ишлашинг мумкин. Лекин ўқишингни ҳеч қачон ташлаб қўймагин». Отамнинг бу гаплари замирида аёл киши учун ўймакор уста бўлиш қийин, деган маъно ётарди. Шундан кейин Тошкент давлат университетининг биология факультетига ўқишга кирдим. Университетни битириб, эндокринология институтида ишлай бошладим. Лекин бу касбимдан кўнглим тўлмасди. Турмушга чиққанимдан кейин эса иккиланишим барҳам топди. Турмуш ўртоғим ўймакорлик соҳасини давом эттиришим учун барча шароитларни яратиб берди ва ўзи ҳам ушбу соҳанинг сир-асрорларини ўрганди.

–Меъморий деталларни ишлашда, яъни ўйма нақш ва тасвирларни яратишда кўпроқ нималарга эътибор берасиз?

– Энг биринчи навбатда ишланадиган ёғочнинг сифатига кўпроқ эътибор бераман. Чунки сифатли ёғочда нақшлар ҳам чиройли чиқади, ёрилиб кетмайди ва у узоқ йил сақланади. Кейин эса ҳар бир асарни яратаётганимда ўз дунёқарашимдан келиб чиқиб илож борича фалсафий маъноларни касб этадиган нақшларни ўйишга ҳаракат қиламан.

–Муҳаррам опа, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ёғоч ўймакорлиги санъатининг ўзига хос услуби, йўналиши бор, дейишади. Уларни қандай қилиб фарқлаш мумкин.

–Ҳақиқатан ҳам ёғоч ўймакорлиги ҳар бир вилоятда ўзига хос услуби билан фарқланади. Масалан, Хива ёғоч ўймакорлигида нақшлар монументаллиги, Бухорода эса жозибадорлиги, марғилонлик усталар ясси ўйма нақшлар қўлланишлари билан Қўқон ўймакорлиги калта бўртмалиги билан ажралиб туради. Тошкентда кўпроқ гул ва геометрик нақшларни ишлаш одат. Шу боис ҳам ишлаган нақшларимизда гул ва ўсимликлардан нусха кўчирган элементларимиз кўпроқ.

– Оилавий «Ҳунарманд» хусусий тадбиркорлик устахонасини очган экансиз. Ушбу устахона фаолияти хусусида гапириб ўтсангиз.

– Мустақилликдан кейин ҳунармандчиликни, ёғоч ўймакорлиги санъатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Биз ҳам катта иштиёқ билан ишлай бошладик ва 2003 йилда мазкур устахонани очдик. Бошида устахонада фақат фарзандларимиз билан ишлардик. Кейинчалик маҳалламиздаги иштиёқманд ёшларни ҳам ёнимизга олиб, уларга ҳам ўймакорлик сирларини ўргата бошладик. Ҳозир бу ерда ўттизга яқин шогирдларим фаолият олиб боришади. Уларнинг орасида ўзлари мустақил шуғулланаётганлари ҳам кўп. Устахонамиз очилганидан то ҳозирги кунгача жуда кўп муваффақиятларга эришдик. Масалан, 2005 йилда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган «Silk & Spices» халқаро фестивалида ўз маҳсулотларимиз билан қатнашиб «ЮНЕСКО» ташкилотининг сифат белгисини қўлга киритдик. 2006 йилда турмуш ўртоғим–Тўлаган Ғойипов Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро танловда ўймакорлик маҳсулотларимиз билан қатнашиб 1-ўринни қўлга киритди. Шу билан бирга дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатларида ўз асарларимиз билан иштирок этиб, ўзбек ёғоч ўймакорлиги санъатини кенг тарғиб этишга муяссар бўлдик. Кўплина ижод намуналаримиз хориждаги нуфузли музейлардан жой олди. Бу муваффақиятларимизни тинимсиз меҳнатимиз самараси, деб биламан.

–Келгусидаги режаларингиз ?

–Энг катта режам, маҳалламиздан жой олиб, устахона фаолиятини кенгайтириш. Агар устахонани кенгайтирсак, имкониятимиз янада катта бўлади. Кўплаб ёшларни иш билан таъминлаймиз. Ҳозир мана шу ишни амалга ошириш учун ҳаракат қилаятман.


Гулюра ҲОЖИМУРОДОВА суҳбатлашди.

16 Қўшиқларда Ватан мадҳи

Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг мазкур шеърида юртга бўлган чексиз муҳаббат туйғуси куйланган. Уни мутолаа қилар экансиз, шундай замин фарзанди эканлигингиздан фахрланиш ҳиссини туясиз.

БУ ДИЁР

Тариху тақдиримиздир жисм аро жон бу диёр,
Бизга толе ҳадя этган Ўзбекистон бу диёр.
Ҳар мунаққаш лавҳасинда неча сирлар жилвагар,
Не асрлар бағридан келгунча карвон бу диёр.
Ўзлигин оламга исбот этди доим фахр ила,
Топди юртлар даврасинда эътибор, шон бу диёр.
Илму фанда не улуғ алломалар дунёси бу,
Ҳам Навоий шеъридан моҳир ғазалхон бу диёр.
Бир вилоят боғу бўстон, бир вилоят ғалла-дон,
Боғлари шарбат, асалдир, тоғлари кон бу диёр.
Неча дарёлар бағридан ўйнаб оқарлар мавж уриб,
Неча ранглардан муҳайё мангу бўстон бу диёр,
Қизлари офтобжамол, ўғлонлари мардона эл,
Эрку истиқлол билан бўлмиш дурахшон бу диёр,
То жаҳон борича яшнар офтобга рўбарў,
Халқи қобил, фикри одил Ўзбекистон бу диёр.





ларини эслади. Ҳозир эса қандоқ хушбичим, алпқомат!

Ичкарида тўсатдан пайдо бўлган Зарина ҳам жанговар кийимда. У Тўмарисга таъзим бажо қилгач, ўзини Спарангиз бағрига отди. Маҳкам қучиб, қулоғига шипшиди.

– Мени қаттиқ қучоқлаб, ўпгин.

Тўмарис аста ташқарига йўл олди. Икки ёш бир-бирига тўйиб олишларига ҳалал беришни истамади.

– Хайр, ўғлим!

Тўмариснинг қалбида нимадир узилгандек бўлди. Чодир атрофида саф тортиб турган юзлаб массагетлар маликаларини жанговар хитоб билан олқишлашганда эса беихтиёр қаддини ростлаб чеҳрасига табассум балқди. Мана шу

ТУРОН МАЛИКАЛАРИ

(Тарихий ҳикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Кирёвуш ҳузуридаги ҳарбий кенгашда Крезнинг ҳикоясини зўр қизиқиш билан тинглашди.

– Тўмарис менга тўйини кўрсатиб, жавобим шу, дегандек бўлди.

– Демак, бу Яксинага уйланиш учун майдонга чиқиб, кучимни кўрсатар эканманда! – қаҳқаҳа отиб кулди шаҳаншоҳ. Унга саркарда-ю мулозимлар жўр бўлишди.

– Уруш, уруш! – ҳайқиришди саркардалар.

«Кураш, кураш!» – кулишди мулозимлар.

Гобрия сукут сақлаб ўйга чўмган Крезга саволомуз тикилди. Сўнг хаёлига келган фикрдан юзи ёришди.

«Массагетлар шароб нималигини билмайди» дединғми, Крез. Жуда яхши. Миямга қизиқ бир фикр келди…

Саркардалар Гобрия ўртага ташлаган таклифни бир овоздан маъқуллашди. Эрта тонгда лашкар кўриги бошланди. Ўн минг суворийдан иборат хос соқчилар – «мангулар» қуршовида Кирёвуш Окс соҳилини чумолидай тутиб кетган беҳисоб лашкарига завқланиб боқди. Улар бутун умрини урушга бағишлаган. Ҳаёт мазмунини нуқул жангда кўрган, у билан тирикчилик қилувчи малакали жангчилар. Улар тажрибали қўмондонлар ва пухта режа асосида урушга боришмоқда.

Спарганиз жанг либосида онаси олдида бош эгди. Тўмарис ёшли нигоҳини унга тикди.

– Илғор қўшинга сени бош қиламан. Юрт бошига офат келганда ҳукмдор даставвал ўзини элга қалқон қилмоғини биласан. Юртбошиликнинг юки оғир экан, ўғлим.

– Амрингиз вожиб, волидаи муҳтарама, – қўлини кўксига қўйди ўғли.

– Билгил, ўғлим. Юрт ҳам, душман ҳам аввало сенга кўз тикади. Юртбошининг фарзанди бўлишдек қисмат ёзилган экан бошингга, нуридийдам!

Спарганиз қаддини мағрур рослади.

– Юзингизни ерга қаратмайман, онажон!

– Биламан, ўғлим, биламан. Шундай номусли ва мард ўғилни берган Яратганга шукроналар айтаман.

Тўмарис бошида дубулға, кўкрагида совути ярқираб турган баҳодир йигитнинг мурғаклик, эмаклаганда уни чорлаб чинқирган болалик, шўхлиги билан безор қилган ўсмирлик кунларини эслади. Ҳозир эса йигитларнинг ҳам ўз оналари ва севимли ёрлари бор. Улар ҳам беомон жангда қурбон бўлишлари мумкин. Уларга ҳам у она. Юртбоши сифатида бош она. Яна шодон хитоблар янгради. Массагетлар чодирдан чиққан шаҳзодани қутлашмоқда. Юзлаб йигит-қизлар Спарганизни, унинг ўғлини жанговар низомга кўра қутлашмоқда. У эса чаққонлик билан отга минди.

Тўмарис ички ғурур билан бирга қандайдир нотинч, ҳам таҳликали ўйларни ўтказди, қалбидан. Шундай баҳодир унинг фарзанди, қалбининг бир парчаси!

Жанговар ҳаракатлар учун қулай марралардан бирини эгаллаган Мардонийнинг ўнг қанот лашкари қуюндек ёпирилиб келган массагетларга жиддий қаршилик кўрсата олмади. Форсларнинг чодирлари, улардаги озиқ-овқат ва қурол-яроғлар массагетларга ўлжа бўлди.

Мардоний ҳузурига етиб келган юзбоши воқеани унга баён қилганда саркарданинг юзида ўзгариш кўринмади.

– Дамингни ол, – деди Мардоний унга. Сўнг Гобрияга юзланди.

– Ҳаммаси режа бўйича бормоқда. Аммо жуда зўр йигитларим нобуд бўлди.

– Ҳиссасини чиқарамиз, Мардоний. Яна учтўрт соатдан кейин шароб ўз кучини кўрсатади. Кейин биз бирорта аскар йўқотмай уларни қўлга оламиз.

Ахурамазда ҳаққи қасам ичиб айтаманки, шароб нималигини билмайдиган халқ бор, дейишса сира ишонмасдим.

Гобрия кулиб, унга шароб тўла косани узатди. Мардоний уни бир кўтаришда сипқорди.

– Кайф кўп ажиб нарса, Гобрия. Бунинг ўрнини ҳеч нима боса олмайди, ҳа, шундай. Қани яна бир коса қуй, доно бош маслаҳатчи!

Гобрия косадан бир хўплаб, суҳбатдошига ҳавас билан боқди. У ёш, бақувват, қанча ичса кўтара олади. Жангда эса шер каби шиддаткор.

Гобрия эса кўримсиз, нимжон. Фақат ақли ва илми билан ундан устун. Йўқ у сира ўзини камситмайди. Ҳозир мана минглаб аскарлар унинг, Гобриянинг ақли билан тузилган режага бўйсунган. Ўша режага мувофиқ 200 минг лашкар ҳаракатга келган.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

(Давоми бор).

Турмуш чорраҳаларида

ҚОПҚОҚСИЗ ҚОЗОН

Ҳар куни каттакон кўк дарвоза олдидан ўтаётганимда Масъуд ака ёдимга тушади. Дарвоза олдида турадиган тўқ сиёҳранг Нексияда уни кутиб ҳайдовчиси ўтирарди. Масъуд ака гарчи юқори лавозимда ишлайдиган мартабали киши бўлса-да, жуда камтар, ҳатто машинада кетаётган бўлса-да, оқсоқоллар билан қўлини кўксига қўйганча саломлашиб ўтарди. Таассуфки, ана шундай эл дуосини олган самимий инсонга кўз тегдими, эллик ёш бўсағасида тўсатдан юрак хуружига йўлиқиб, оламдан ўтди.

Масъуд акани маҳалланинг кайвониси бўлган Хадича хола доим дуо қилиб юрарди. Сабаби, у киши бева ҳолида икки ўғил уйлантиришга қийналган кезларда Масъуд ака ҳожатини раво қилган, ўғилларининг тўйини ўтказиб берган эканлар. Хола олган пулининг ярмини қайтармоқчи бўлган куни Масъуд ака уни қарз ўрнида бермагани, балки бу ишни савобат йўлида қилганини айтади.

—Ая, бу пулларни ўғлимга иморат соламан, деб йиққандим. Аммо у ҳали уйланадиган ёшда эмас. Қолаверса, ўғлим пешонамда биттагина. Шу уйнинг ўзиям унга етиб ортади. Қизларим эса бировнинг хасми.

—Умрингиздан барака топинг, иним. Илоё, бу яхшилигингизни тўйларингизда қайтарайлик. —Хадича хола кўзларида ёш билан уни узоқ дуо қилади. Масъуд аканинг бевақт қазосини эшитиб, холанинг эси оғиб қолай деди. Шундай хокисор ва бағрикенг инсонни йўқотиш ҳаммага оғир эди, аммо ўлим ҳақ. У ҳеч кимни аяб ўтирмайди.

Масъуд аканинг ўлимидан ҳеч қанча вақт ўтмай унинг хотини Сурайё холадан пулни қайтаришни сўраб туриб олади. Маҳаллакўй ўртага тушса-да, холани зор қақшатиб, сигирини етаклаб кетади.

—Мен аслида ўшандаёқ бу пулни эгасига қайтармоқчи эдим, келин, аммо иним кўнмаган ва бу ишни савоб учун қилдим, деганди. Эсиз, сиз унинг тирноғига арзимас экансиз. Бақир-чақир қилиб келмасангиз ҳам отасиз қолган болаларингиз ҳақини қайтариш ниятим бор эди...

Хадича хола Масъуд аканинг хотини ҳақида кўп эшитгандию, лекин бунчалик шаллақилигини билмаганди. Қарз-ҳавола кўтариб, дарҳол унинг пулини қайтарди.

—Хола, Масъуд аканинг бошига шу хотин етди,– деб қолди бир куни қўшниси Солиҳа. —Бечора оналик таътилига кетган котибаси ўрнига ёшгина бир қизни ишга олибдию, хотинидан балога қолибди. Ёсуман хотин уззукун ишхонасига телефон қилиб, эрини тергар, қизи тенги котибадан рашк қилиб, унга тинимсиз зуғум қилар экан. Ишчилари олдида ўзини ўнғайсиз сезган Масъуд ака хотинини ҳарчанд инсофга чақирибди, бўлмабди. Хотини бориб, ҳеч нарсада айбсиз қизни юмдалаб келибди. Эртасига қизнинг мансабдор амакиси Масъуд ақани ишидан олиб ташлабди. Ҳам севган ишидан айрилган, ҳам қуруқ туҳматга қолиб қўл остидагилар олдида мулзам бўлган Масъуд аканинг юрак хуружи тутиб қолибди. Ана шунақа...

— Ҳа, нотавон аёл-а... Шундай йигитнинг шохини синдириб ҳам гариллаб юрибди денг, Ҳудо олсин уни... Сурайё бу билан тинчигани йўқ. Унинг эрини лавозимидан бўшатган раҳбар билан ўчакишиб, товон пули талаб қилиб туриб олди. Энди у ўзи айблаб, рашк қилган эрини жабрдийда қилиб кўрсатганча бирор миқол пул ундириш илинжида суд идорасига қатнаб юрарди...

Масъуд ака оламдан ўтгач, унинг ҳовлисидан файз кетди. Бу ҳовлига ҳеч ким яқин йўламай қўйди. Бўй етган қизлар оналарининг бемаврид қарғишларидан безиб, ёмон йўлга юриб кетдилар. ҳатто тўнғич қизи уйдан қочиб кетди. Ёлғизгина ўғли отаси тириклигида дарслардан қолмас, тенгқурлари каби беҳуда тентирамай тўғаракларга борар, катталарни кўрганда қўлини кўксига қўйганча салом берарди. Энди у ҳам ўзгарди. Уйда ўтиролмай қолган онаси, ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолган опалари қаровсиз қолган болага ҳам ўз таъсирларини ўтказишди. Бола тунги клубларда саросар кезадиган одат чиқарди. Мўйлови эндигина сабза ураётган бўлса-да, бир-икки саёқ ўртоқларига қўшилиб, сигарет чекадиган одат чиқарди. Хуллас, қопқоқсиз қозонга айланган уйнинг болалари ҳар ёққа тўзғиб кетдилар. Масъуд ака бу уйнинг устунигина эмас, бало-қазолардан асраб тургувчи қалқони ҳам экан. Сурайё ҳарчанд елиб-югурмасин, болаларини ўз измига сололмади…

Тўғри, эркакни кўчага чиқарган, деган гап бор. Тарбиянинг калити аёлнинг қўлида деймиз. Лекин аёлни ҳам бошқариб турадиган забардаст қўллар, ақл-идроки, орият кучи билан оиласини, хонадонини асраб тургувчи аввало эркакдир. Эркаксиз уйни бошқариш айрим ожиза аёлларнинг белини букиб, иродасини синдиради. Агар фарзандлари комил инсонлар бўлиб етишсалар бошқа гап. Аммо Сурайё каби қийинчилик заҳрини тотмаган айрим аёллар қўлида улғаяётган фарзандлар аросатда қолиб кетишлари ҳеч гап эмас. Ҳеч бир хонадон отасиз қолмасин экан. "Эркаксиз уй — қопқоқсиз қозон-да, болам. Унга ҳар хил хаслар тушиши ёмон, деб қўярди бувим, қўшнининг етти нафар сағир қолган болаларига шафқат кўзи билан қараб, шугиналарнинг онаси уззукун ишлайди. Худонинг ўзи тўзим берсин унга…" Мен болаликдан билган ўша хонадоннинг ўғил-қизлари эртаю кеч тинмайдиган оналарига суянч бўлишди, рўзғор юкини биргалашиб тортишди. Ҳозир ўша Сабоҳат холанинг бағрини неваралари тўлдирган. Ўғил-қизлари оналарини еру кўкка ишонишмайди. Улар Сурайёнинг болаларига ўхшаб тўзғиб кетишмади, аксинча оналарининг измидан чиқмай, катталари кичикларини суядилар. Эҳтимол, буям тарбиянинг таъсиридир. Отанинг борлиги хонадоннинг истиқболи порлоқ бўлишини таъминласа, рўзғор камкўстини бутлашда аҳли аёллари суянадиган метин қоядир.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

ЮРТ МАДҲИ

Нурафшон юртимнинг қуёши бўлак,
Жаннатдек боғлари, тоғ-тоши бўлак.
Миллат ориятини кифтида тутган,
Доно кексалари, мард ёши бўлак.
Нега мақтамайин мен элатимни,
Унда кўражакман ўз савлатимни.
Дунё чўққисида кўргим келади,
Ўзига бек халқим, ҳур давлатимни.
Умрим камолини қўлингда топдим,
Тақдиримни турфа йўлингда топдим.
Аёлман, деб қараб ўтиргим келмас,
Бахт калитин боғу чўлингда топдим.
Меҳрим бўлак гулу тиконларингга,
Жоним ҳадя оқил инсонларингга.
Шукурлар айтаман юзу минг бора,
Дилимга нур берган замонларингга.
Бағримга сиғмайсан, қучгим келади,
Шонинг учун жондан кечгим келади.
Қанотим йўқ, азиз замиғинг ўзра,
Чексиз осмонингда учгим келади.
Барчанинг юраги дардингда урсин,
Ишқингда ёнмоқни қалби буюрсин.
Оламда тенгсиз бахт ўзбеклигимдир.
Унинг шони дунё тургунча турсин.
Тилакларим чексиз она маконим,
Боқий бўлсин, эркин, қадрим, забоним.
Бахтинг меникидир, дардинг меники,
Мен эса сеники, Ўзбекистоним!

Ҳимоят Назарова.

ОТЧИЗНА, СЛАВИМ ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ ТВОЙ!

Пятнадцать лет с достоинством прошла
Моя Отчизна с самого начала...
Зовут к свершеньям новые дела –
Нам почивать на лаврах не пристало.
А дел у нас и впрямь невпроворот,
Когда мы на пути к великой цели –
И времени стремителен отсчет
От тех высот, что мы достичь сумели!
Досталось это творческим трудом
И Президента нашего заботой –
Мы сами всюду справимся во всем,
Не прибегая к помощи кого-то...
Задачи судьбоносные решаем
В любой из нашей жизни областей,
В стране мир и стабильность укрепляем,
Все – для благополучия людей.
Сегодня не узнать Отчизну нашу –
Такое не увидеть и во сне,
Она – в расцвете сил, богаче, краше,
И в завтрашнем уверены мы дне.
Да, мы сильны, не те, что раньше были,
И есть нам что и кем оберегать,
Вот потому известным темным силам
Нам никогда, нигде не помешать!..
Отчизна, славим день рожденья твой,
Ты рождена для миссии высокой –
Стоять твердыней мира на Востоке,
Сияя путеводною звездой!

Николай БУРТЫШЕВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3912. **Адади** 25760.